

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУНЧИЛИК**  
**ТЎПЛАМИ**

**38-сон**  
**(1006)**  
**2021 йил**  
**сентябрь**

---

*Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

554. ««Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар кириштириш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 сентябрдаги ўРҚ-717-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

555. «Самарқанд вилоятида кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини янада жадаллаштириш ҳамда туризм салоҳиятини ошириш мақсадида амалга ошириладиган тадбирларни молиявий қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 сентябрдаги ПҚ-5249-сон қарори

556. ««Очиқ бюджет» ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштиришни янада кенгайтириш

чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 сентябрдаги ПҚ–5250-сон қарори

557. «Велоспортни ривожлантиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 сентябрдаги ПҚ–5251-сон қарори

### *Учинчи бўлим*

558. «Йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши таклифни танлаб олишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 сентябрдаги 592-сон қарори

559. «Солиқ тўловчиларни ҳисобга олишни янада такомиллаштириш ва қўшилган қиймат солиғининг ўрнини қоплаш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 сентябрдаги 595-сон қарори

560. «Давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш тизимини жорий қилиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 сентябрдаги 596-сон қарори

561. «Архив иши ва иш юритиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 сентябрдаги 597-сон қарори

562. «Ёнғин-қутқарув спортини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 сентябрдаги 600-сон қарори

563. «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимидаги илмий ташкилотларнинг тузилмаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 сентябрдаги 601-сон қарори

564. «Ижара ҳуқуқи асосида яшаётган талабалар томонидан тўланадиган ижара тўловларини қоплаб бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 сентябрдаги 605-сон қарори

565. «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида иккинчи ва ундан кейинги олий таълимни олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 сентябрдаги 606-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

566. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 31 августдаги 20/8-сон «Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 905-7*)

567. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 24 августдаги 20/7-сон «Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3030-7*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**554 «Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2021 йил 24 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 27 августда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида»ги ЎРҚ–427-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 4, 135-модда; 2019 йил, № 9, 591-модда; 2020 йил, № 11, 652-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

**1) 5-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** «ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кенгаш раисининг ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади»;

**бешинчи қисмидаги** «ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**олтинчи ва еттинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кенгашнинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва судьялар орасидан тасдиқланган ўн бир нафар аъзоси ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади, Кенгашнинг колган етти нафар аъзоси ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади.

Кенгашнинг судьялар орасидан тасдиқланган ва ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширувчи ўн бир нафар аъзоси Кенгаш томонидан унинг раиси тақдимига биноан Кенгашнинг шўъбаси ҳамда Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекцияси таркибига, шу жумладан мазкур тузилмаларнинг раҳбарлари лавозимларига сайланади»;

**2) 6-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

---

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 21 сентябрда эълон қилинган.

«Кенгашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

судьялик лавозимларига номзодларни энг малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан танлов асосида танлаш, тайёрлаш, лавозимга тайинлаш, шунингдек раҳбар судьялик лавозимларига кўрсатиш учун тавсия этиш орқали судьялар корпусини шакллантириш;

судьялар дахлсизлиги бузилишининг ва уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятини бирон-бир тарзда аралашувдан самарали ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

судьялар орасида коррупция ҳолатларининг олдини олиш ва уларни барвақт аниқлаш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

суд тизимида аниқланган ҳар бир коррупция ҳолатини кўриб чиқиш ва принципиал баҳолаш;

Кенгашнинг ҳамда суд тизимининг фаолиятида очиклик ва шаффофликни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

судьяларни касбий жиҳатдан тайёрлашни, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш, судьялар фаолияти самарадорлигини замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш орқали баҳолашда холислик ва шаффофликни таъминлаш;

раҳбар судьялик лавозимларига кўрсатиш учун муносиб судья кадрларни танлаб олиш, шунингдек уларни рағбатлантириш ва мукофотлаш масаласи юзасидан ташаббус кўрсатиш;

оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш, аҳоли билан мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг судьялар томонидан одоб-ахлоқ қондаларига риоя этилиши масалаларига доир мурожаатларини кўриб чиқиш;

суд-хуқуқ соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ва ягона суд амалиётини таъминлаш, одил судловга эришиш даражасини ҳамда уни амалга ошириш сифатини яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги, шунингдек уларни жиноий жавобгарликка тортиш учун хулоса бериш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш»;

3) **7-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кенгаш ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун:

судьялик лавозимларига номзодларни танлов асосида танлашни ташкил этади;

раҳбар судьялик лавозимларига номзодлар захирасини шакллантиради;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, раис ўринбосарлари ва судьялари лавозимларига тавсия этиладиган номзодлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритади;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари ва раис ўринбосарлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари раислари ва раис ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси ва раис ўринбосари лавозимларига тавсия этиладиган номзодлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритади;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судьяларини, туманлараро, туман, шаҳар судларининг раисларини, уларнинг ўринбосарлари ва судьяларини, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари судьяларини, туманлараро маъмурий судларнинг раисларини, уларнинг ўринбосарлари ва судьяларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судьяларини, ҳудудий ҳарбий судларнинг раисларини лавозимга тайинлайди;

Қорақалпоғистон Республикаси судининг, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судининг судьялик лавозимларига тавсия этиладиган номзодлар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига қонунга мувофиқ хулосалар (тақдимномалар) киритади;

Судьялар олий малака ҳайъатининг хулосасига кўра судьяларни уларнинг ваколатлари муддати даврида ўз аризаларига асосан вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судьялари, туманлараро, туман, шаҳар судларининг раислари, уларнинг ўринбосарлари ва судьялари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари судьялари, туманлараро маъмурий судларнинг раислари, уларнинг ўринбосарлари ва судьялари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судьялари, ҳудудий ҳарбий судларнинг раислари лавозимларига ўтказди;

Судьялар олий малака ҳайъатининг хулосасига кўра судьяларни ўз аризаларига асосан Қорақалпоғистон Республикаси судининг судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси туманлараро, туман, шаҳар судларининг раислари, уларнинг ўринбосарлари ва судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судининг судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси туманлараро маъмурий судларининг раислари, уларнинг ўринбосарлари ва судьялари лавозимларига ўтказиш тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига тақдимномалар киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимида бўлишнинг энг юқори ёшини судьянинг розилиги билан беш йилгача узайтириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимнома киритади;

Қорақалпоғистон Республикаси судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, туманлараро, туман, шаҳар судларининг, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларининг, туманлараро маъмурий судларнинг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг, ҳудудий ҳарбий судларнинг судьялик лавозимида бўлишнинг энг юқори ёшини судьянинг розилиги билан беш йилгача узайтиради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган ёхуд Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан сайланадиган судьяларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар (таклифлар) киритади;

қонунда назарда тутилган ҳолларда, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судьяларини, туманлараро, туман, шаҳар судларининг раислари, уларнинг ўринбосарлари ва судьяларини, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари судьяларини, туманлараро маъмурий судларнинг раислари, уларнинг ўринбосарлари ва судьяларини, шунингдек Ўзбекистон Рес-

публикаси Ҳарбий судининг судьяларини, ҳудудий ҳарбий судларнинг раисларини лавозимидан озод қилади;

Қорақалпоғистон Республикаси судининг судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси туманлараро, туман, шаҳар судларининг раислари, уларнинг ўринбосарлари ва судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судининг судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси туманлараро маъмурий судларининг раислари, уларнинг ўринбосарлари ва судьяларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ҳулосалар киритади;

судьяларга нисбатан хизмат текширувини ўтказиш тартибини белгилайди;

судьяларни давлат мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритади;

судьяларга ва ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширувчи Кенгаш аъзоларига нисбатан хизмат текширувлари ўтказилади;

судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқади ва материалларни судьяларнинг тегишли малака ҳайъатларига юборади;

ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширувчи Кенгаш аъзоларини интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқади;

судьяларни жиноий жавобгарликка тортиш масалалари юзасидан ҳулоса беради;

суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ва ягона суд амалиётини таъминлаш, одил судловга эришиш даражасини ҳамда уни амалга ошириш сифатини яхшилаш бўйича, шунингдек қонунчиликни қўллаш масалалари юзасидан тушунтиришлар бериш тўғрисида таклифларни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми кўриб чиқиши учун киритади;

судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, уларнинг фаолиятини текширади, Судьялар олий малака ҳайъати қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқади, судьялар малака ҳайъатлари раисларининг ҳисоботларини эшитади;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг Судьялар олий малака ҳайъатининг қарорлари, ҳулосалари юзасидан тақдимномаларни кўриб чиқади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг судьялар томонидан Судьялар одоби кодекси талабларига риоя этилиши масалаларига доир муурожаатларини кўриб чиқади;

судьяларнинг фаолиятини уларнинг касбига муносиблиги нуқтаи назаридан ўрганади;

Судьялар одоби кодексини тасдиқлайди;

судьялар фаолиятини очиқ ва шаффоф электрон рейтинг дастури асосида баҳолаш мезонларини аниқлаш бўйича чора-тадбирлар кўради;

судьяларни касбий тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этишга доир дастурни тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти директорининг мазкур департамент фаолияти тўғрисидаги ахборотини ҳар йили эшитади;

судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодларнинг, янги ваколат муддатига ёки бошқа судьялик лавозимларига номзодларнинг шахсий ва касбий сифатлари даражасини ўрганиш бўйича комплекс чоратадбирларни амалга оширади;

давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан, шунингдек мансабдор шахслардан ҳамда фуқаролардан Кенгаш фаолияти билан боғлиқ зарур ахборотни, ҳужжатларни ва бошқа материалларни сўраб олади;

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг Регламенти ҳамда ваколатига тааллуқли масалалар бўйича низомларни тасдиқлайди.

Кенгаш қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин»;

**4) 9-модданинг биринчи қисми:**

**иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кенгаш фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади ва Кенгаш зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан масъул бўлади»;

қуйидаги мазмундаги **еттинчи** ва **саккизинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«суд ҳокимияти мустақиллигини, судьялар дахлсизлигини таъминлашга ва одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган омиллар ҳақида, шунингдек суд тизимида коррупцияга қарши курашишнинг ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига йил якунлари бўйича ахборот тақдим этади;

жисмоний шахсларни, юридик шахсларнинг вакиллари шахсан қабул қилади»;

**еттинчи — ўн биринчи хатбошилари** тегишинча **тўққизинчи — ўн учинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**5) 10-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кенгаш раисининг ўринбосари:

Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекциясининг фаолиятига раҳбарликни амалга оширади, унинг фаолияти самарадорлигини таъминлаш учун жавобгар бўлади;

ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга, шунингдек ахборот хавфсизлигини таъминлашга доир ишларни ташкил этади;

жисмоний шахсларни, юридик шахсларнинг вакиллари шахсан қабул қилади;

Кенгаш раиси йўқлигида унинг вазифасини бажаради»;

**6) 12-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«электрон рейтинг дастури орқали судьялар фаолиятининг самарадорлигини мониторинг қилиш»;

**7) 13-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:



«Кенгаш аъзоси:

ўз фаолиятини қонунга мувофиқ амалга ошириши;

суд ҳокимиятининг мустақиллиги принципи асосида одил судловни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришда иштирок этиши;

судьялик лавозимларига номзодларни холис ўрганиши;

судьялар орасида коррупциявий ҳолатларнинг оқибатлари ва сабабларини, шунингдек уларнинг одил судловни амалга ошириш бўйича фаолиятига аралashi ҳолатларининг олдини олишга, уларни аниқлашга, чек қўйишга, уларни бартараф этишга доир чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этиши ҳамда бу ҳаракатлар тўғрисида Кенгашга хабар бериши;

Кенгаш мажлислари маслаҳатлашувини сир тутиши ва ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариши туфайли судьяларнинг ва судьялик лавозимларига номзодларнинг шахсий ҳаёти тўғрисида ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларнинг махфийлигига риоя қилиши;

Кенгашнинг нуфузига путур етказиши, унинг холислигига шубҳа тўғрисида мумкин бўлган ҳаракатлардан тийилиши;

ўз фаолиятида манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги ва бу юзага келганда ушбу Қонун 16-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган асосларга кўра ўзини ўзи рад этиши;

Кенгаш томонидан кўриладиган масалалар бўйича овоз бериши шарт»;

#### 8) 17-модда иккинчи қисмининг:

**иккинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**учинчи — саккизинчи хатбошилари** тегишинча **иккинчи — еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«судьялик лавозимига тайинлаш, ўтказиш ҳақида»;

**олтинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«судьяни жиноий жавобгарликка тортиш учун ҳулоса бериш ҳақида»;

#### 9) 18-модда:

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кенгаш судьялик лавозимига биринчи марта, навбатдаги ўн йиллик муддатга ва судьялик лавозимида бўлишнинг кейинги муддатсиз даврига тайинланадиган (сайланадиган) номзоднинг муносиблигини аниқлашда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Қорақалпоғистон Республикаси судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раҳбарлик лавозимларига номзодни тайинлашда (сайлашда) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан зарур ахборотни сўраб олиши мумкин. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар Кенгашнинг сўрови олинган кундан эътиборан бир ойлик муддатда тегишли ҳулосани тақдим этиши керак»;

қуйидаги мазмундаги **учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Кенгаш раиси судьяларнинг дахлсизлигини бузганлик ва одил судловни

амалга оширишга аралашганлик ҳолатлари юзасидан прокуратура органларига тақдимнома киритиши мумкин.

Прокуратура органларига киритилган тақдимнома бир ой муддатда кўриб чиқилади ва Кенгаш жиноят иши қўзғатилганлиги тўғрисида ёки уни қўзғатиш рад этилганлиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан хабардор қилинади.

Судья ҳуқуқбузарлик содир этганликда гумон қилиниб ушлаб турилган тақдирда, судья ушланган пайтдан эътиборан уч соатдан кечиктирмасдан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашига бу ҳақда ушлаб туриш учун асос бўлган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари илова қилинган ҳолда хабар қилиниши шарт»;

10) **20-модда** чиқариб ташлансин;

11) **24-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бўш судьялик лавозимлари тўғрисидаги ахборот Кенгашнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади. Судьялик лавозимига биринчи марта тайинланадиган номзодларни кўриб чиқиш муқобиллик асосида амалга оширилади.

Судьяликка номзод бўш судьялик лавозимларини тўлдириш учун танловда иштирок этиш тўғрисида бевосита Кенгашга ариза бериш ҳуқуқига эга.

Судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодларни, янги ваколат муддатига ёки бошқа судьялик лавозимларига номзодларни танлашда Кенгаш томонидан белгиланадиган тартибда турли ўрганиш усуллари — суҳбат ўтказишдан, мустақил экспертлар томонидан тест синовидан ўтказишдан, берилган муаммолар бўйича мавзуга оид рефератлар тайёрлашдан, билим даражасини аниқлаш учун электрон сўров дастуридан фойдаланилиши мумкин.

Судьялик лавозимига номуносиблиги туфайли рад этилган номзод бир йил ўтгач, бўш судьялик лавозимини тўлдириш учун эълон қилинган танловда иштирок этиши тўғрисидаги ариза билан Кенгашга такроран мурожаат қилиши мумкин»;

12) **24<sup>1</sup>-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кенгаш вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раислари, раис ўринбосарлари, туманлараро, туман, шаҳар судлари раислари, раис ўринбосарлари ва судьялари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари раислари, раис ўринбосарлари ва судьялари, туманлараро маъмурий судлар раислари, раис ўринбосарлари ва судьялари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раиси, раис ўринбосари ва судьялари, ҳудудий ҳарбий судларнинг раислари лавозимларига номзодлар бўйича жамоатчилик фикрини Кенгаш томонидан тасдиқланадиган тартибга кўра ўрганеди»;

13) **31-модданинг биринчи қисмидаги** «Кенгаш раиси ва котибининг» деган сўзлар «Кенгаш раиси, унинг ўринбосари ва котибининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-  
ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини  
таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳия-  
ти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан куч-  
га киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 20 сентябрь,  
ЎРҚ-717-сон

**ИККИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ****555 Самарқанд вилоятида кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини янада жадаллаштириш ҳамда туризм салоҳиятини ошириш мақсадида амалга ошириладиган тадбирларни молиявий қўллаб-қувватлаш тўғрисида\***

Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятини ошириш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда халқаро даражадаги тадбирларни ўтказишга тайёргарлик кўриш бўйича белгиланган вазифаларни бажариш учун манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, Самарқанд вилоятида амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги «Самарқанд вилоятини ободонлаштириш ва фаровонлигини ошириш жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3608-сон қарори билан Самарқанд вилоятини ободонлаштириш ва фаровонлигини ошириш жамғармаси ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлигининг Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан Самарқанд вилоятини ободонлаштириш ва фаровонлигини ошириш жамғармасига (кейинги ўринларда — Жамғарма) 5 йил муддатга, 2 йиллик имтиёзли даврни ҳисобга олган ҳолда, фоиз ставкаси йилига 3 фоизни ташкил қиладиган 30 миллион АҚШ доллари миқдоридagi кредит (кейинги ўринларда — кредит) ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кредитини қоплаш прогноз жадвали 1-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

Самарқанд вилояти ҳокимлиги кредитдан мақсадли ва самарали фойдаланиш учун масъул бўлган ижро этувчи орган ҳисобланади;

кредитни қоплаш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар халқ депутатлари вилоят Кенгашининг тегишли қарорига асосан Самарқанд вилоятининг маҳаллий бюджети қўшимча манбалари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 22 сентябрда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

5. Самарқанд вилояти ҳокими Э.О. Турдимов:

бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Жамфарма томонидан молиялаштириладиган лойиҳаларнинг манзилли рўйхатларини тасдиқласин;

Жамфармага ажратилган кредитнинг мақсадли сарфланиши ва ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш юзасидан шахсий жавобгар этиб белгилаб кўйилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги «Самарқанд вилоятини ободонлаштириш ва фаровонлигини ошириш жамфармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3608-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамфармаси томонидан Самарқанд вилояти ҳокимлигига ажратилган кредитнинг 2021 йилда сўндириладиган асосий қисми 2022 йилга ўтказилсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамфармаси ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги ўртасида тузилган кредит шартномасига тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги «Самарқанд вилоятини ободонлаштириш ва фаровонлигини ошириш жамфармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3608-сон қарорига 2-иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов ва Самарқанд вилояти ҳокими Э.О. Турдимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 22 сентябрь,  
ПҚ-5249-сон

---

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**556 «Очиқ бюджет» ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштиришни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Фуқароларни бюджет жараёнига жалб қилиш механизмининг ишга туширилиши жойларда аҳолини қийнаб келаётган муаммоларнинг ечимини топиш ва жамоатчиликни бюджет жараёнининг иштирокчисига айлантиришда алоҳида восита бўлиб хизмат қилмоқда.

2021 йилда ўтказилган ташаббусли бюджетлаштириш жараёнида фуқаролардан келиб тушган мурожаатларда баён этилган ўринли ва долзарб муаммоларни қисқа муддатларда бартараф этиш, давлат бюджетини шакллантириш ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнига аҳолини фаол жалб этиш мақсадида:

1. Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан 1-иловага\*\* мувофиқ 2021 йил 1 октябрга қадар:

Фуқаролар ташаббуси жамғармасида (кейинги ўринларда — Жамғарма) 1 млрд сўмдан кам маблағ шаклланган туман ва шаҳарлар учун қўшимча 57,9 млрд сўм;

«Очиқ бюджет» ахборот портали орқали келиб тушган таклифлар сони 100 тадан ортиқ бўлган туман ва шаҳарларга қўшимча 59,5 млрд сўм маблағ ажратиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2022 йил 1 январдан бошлаб туман ва шаҳарлар бюджетлари параметрларида ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратиладиган маблағларнинг 50 фоизи «Очиқ бюджет» ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида аниқланган ички йўлларни таъмирлашга йўналтирилади.

Молия вазирлиги икки ой муддатда ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратиладиган маблағларнинг 50 фоизини «Очиқ бюджет» ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида аниқланган ички йўлларни таъмирлашга йўналтириш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Белгилансинки:

туман ва шаҳар ҳокимлари Жамғармага маблағларнинг ўз вақтида ўтказилиши ҳамда Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши бўйича шахсан жавобгар ҳисобланади;

туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан ҳар чоракда чоракдан кейинги ойнинг 25-санасига қадар жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш бўйича маълумотлар ўзларининг расмий веб-сайтлари ва «Очиқ бюджет» ахборот порталига жойлаштириб борилади;

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 23 сентябрда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мазкур банднинг учинчи хатбошисида назарда тутилган қондани бузиш бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш тартибини бузиш деб баҳоланади.

4. Молия вазирлиги:

уч ой муддатда «Очиқ бюджет» ахборот портали ҳамда туман ва шаҳарлар ҳокимликларининг расмий веб-сайтларида ташаббусли бюджетлаштириш натижалари бўйича маълумотларни жойлаштириб бориш тартиби ва шакллари тасдиқласин;

ҳалқаро ташкилотларни жалб қилган ҳолда ташаббусли бюджетлаштириш жараёнида ҳудудлар томонидан йўл қўйилган камчиликларнинг таҳлиллари асосида ушбу жараённи такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиб борсин;

фуқароларнинг ташаббусли бюджетлаштириш жараёнига жалб этилиши даражаси бўйича ҳудудлар рейтингини жорий этсин ҳамда уни «Очиқ бюджет» ахборот порталига жойлаштириб борсин;

ташаббусли бюджетлаштириш жараёнини бошқаришда молия органларининг вазибаларини аниқ белгилаган ҳолда мазкур жараённи мувофиқлаштириб борсин.

5. Ташаббусли бюджетлаштириш жараёнини янада такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Ёшлар ишлари агентлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда:

ташаббусли бюджетлаштириш жараёнини амалга ошириш механизми ва унинг моҳиятини аҳоли ўртасида тизимли равишда кенг ёритиб борилишини таъминласин;

ҳар бир маҳалла ва овулда «Очиқ бюджет» ахборот порталида таклиф қолдириш ва овоз бериш жараёнига кўмаклашувчи «мобил» гуруҳлар ҳамда «ташабускорлар бурчаги»ни ташкил этсин;

7. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазири Т.А. Ишметов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 22 сентябрь,  
ПҚ-5250-сон

---

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**557 Велоспортни ривожлантиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги «Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6099-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, аҳоли ўртасида велоспорт турларининг оммавийлигини ошириш, улар бўйича миллий терма жамоаларимизнинг Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинларида, жаҳон чемпионатларида ва бошқа йирик мусобақаларда муносиб иштирок этиши ва юқори натижаларга эришишини таъминлаш мақсадида:

1. Велоспорт турларини 2021-2022 йилларда ривожлантириш дастури 1-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 5-санасига қадар Дастурнинг ижроси бўйича маълумотларни Туризм ва спорт вазирлигига тақдим этсин.

Туризм ва спорт вазирлиги ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар Дастур ва мазкур қарорнинг ижроси бўйича умумлаштирилган маълумотлар ҳамда таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

2. Қуйидагилар 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб ташкил этилсин:

Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Мухбир кўчаси, 12-уй манзилида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган Туризм ва спорт вазирлиги тизимига қирадиган Республика велоспорт маҳорат мактаб-интернати;

қўшимча 25 та болалар-ўсмирлар спорт мактабларида ҳамда спортнинг ўйин турлари ва енгил атлетикага ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларида велоспорт турлари бўйича бўлимлар;

Бухоро, Қарши, Навоий ва Термиз олимпия захиралари коллежларида велоспорт турлари бўйича бўлимлар.

3. Белгилансинки:

Республика велоспорт маҳорат мактаб-интернати ўқувчиларининг умумий контингенти 100 нафарни ташкил қилади;

Республика велоспорт маҳорат мактаб-интернати ўқувчиларига олимпия захиралари коллежлари ўқувчилари учун белгиланган суткалик озиқ-овқат нормаси татбиқ этилади;

Республика велоспорт маҳорат мактаб-интернатига велоспорт турлари бўйича белгиланган синов имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган ўқувчилар 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб ҳар йили 5-синфга қабул қилинади;

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 24 сентябрда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



Республика велоспорт маҳорат мактаб-интернати раҳбарияти, тренерлари, спортчилари ва бошқа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон ва 276-сон ҳамда 2010 йил 23 сентябрдаги 211-сон қарорларига мувофиқ амалга оширилади.

Туризм ва спорт вазирлиги (А. Абдухакимов) Ўзбекистон велоспорт федерацияси билан биргаликда:

икки ой муддатда Республика велоспорт маҳорат мактаб-интернати фаолиятини ташкил қилиш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2022/2023 ўқув йилига қадар мазкур қарорнинг 2-бандига мувофиқ Республика велоспорт маҳорат мактаб-интернати, болалар-ўсмирлар спорт мактабларида, ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларида ҳамда олимпия захиралари коллежларида велоспорт турлари бўйича бўлимлар ташкил қилиниши, уларнинг тўлиқ ҳажмда зарур спорт анжомлари, жиҳозлари, кийимлари ва экипировкаси билан таъминлаш чораларини кўрсин.

4. Туризм ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Ўзбекистон велоспорт федерациясининг 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб:

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети, барча олимпия захиралари коллежларида велоспорт турлари бўйича амалдаги ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларини босқичма-босқич ошириб бориш;

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг Нукус ва Фарғона филиалларида велоспорт турлари бўйича бакалавриат таълим йўналишини очиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2022/2023 ўқув йилида олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларини шакллантиришда ушбу бандда белгиланган вазифаларни инобатга олсин.

5. Ўзбекистон велоспорт федерацияси ҳузурида Ўзбекистон профессионал велосипедчилар спорт клуби (кейинги ўринларда — Клуб) ташкил қилинсин.

Белгилансинки:

а) қуйидагилар Клубнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари ҳисобланади:

велоспортнинг барча турлари бўйича нуфузли халқаро мусобақаларда иштирок этиш орқали Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни қўлга киритиш;

республика барча ҳудудларида велоспорт турларини жадал ривожлантириш бўйича барча зарур чораларни кўриш;

велоспорт турлари бўйича хусусий клубларни халқаро мусобақаларда иштирок этишга жалб қилиш, уларга ташкилий ва амалий ёрдам кўрсатиш; халқаро мусобақалар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш орқали

умумжаҳон «Nation Brands» халқаро рейтингда «Uzbekistan» миллий брендинг рейтинг поғоналаридаги ўрнини юқори кўтаришда иштирок этиш;

б) қуйидагилар Клуб фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

Давлат бюджетидан жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга оид давлат дастурларини амалга ошириш учун ажратиладиган маблағлар;

Туризм ва спортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари; хўжалик фаолиятини амалга оширишдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан келиб тушадиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан норезидентларнинг хомийлик хайриялари;

халқаро ва чет эл ташкилотларининг грантлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобланади;

в) Марказий банкнинг рухсати билан Клубга чет элдаги ваколатхоналари учун банк ҳисоб рақамларига эга бўлишига рухсат берилади;

г) Клубнинг чет элдаги ваколатхоналари банк ҳисоб рақамларининг юритилишига оид қуйидагича тартиб белгиланади:

чет элдаги ваколатхоналар билан ҳисоб-китоблар хорижий давлатларнинг миллий валютасида ва эркин конвертация қилинадиган валютада амалга оширилади;

хизмат кўрсатувчи тижорат банки Клуб талабномасида кўрсатилган миқдордаги эркин валюта маблағларининг унинг чет элдаги ваколатхоналари ҳисоб рақамларига ўтказилишини таъминлайди;

Клубнинг чет элдаги ваколатхоналари томонидан амалга ошириладиган сарф-харажатлар Клуб томонидан тасдиқланган харажатлар сметаси асосида юритилади;

д) Адлия вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон велоспорт федерацияси талабномасига мувофиқ, Европа, Осиё давлатларида ҳамда бошқа хорижий давлатларда Клубнинг алоҳида бўлимларини очиш билан боғлиқ, шунингдек, уни қайта рўйхатдан ўтказиш масалаларида Ўзбекистон велоспорт федерациясига амалий ва ташкилий ёрдам кўрсатади.

Туризм ва спорт вазирлиги Ўзбекистон велоспорт федерацияси билан биргаликда Клуб фаолиятини тўлиқ ва самарали йўлга қўйсин, велоспорт турлари бўйича миллий терма жамоа аъзоларининг халқаро мусобақаларда иштирок этишларини таъминласин, Клубнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун уни белгиланган тартибда инвентарлар, спорт кийимлари, озуқа ва озуқа қўшимчалари, витаминлар, ускуналар, материаллар, зарур тиббий воситалар билан таъминласин.

6. Велоспортни ривожлантириш бўйича республика кенгаши (кейинги ўринларда — Кенгаш) ташкил қилинсин ва унинг таркиби 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар Кенгашнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

---

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) ҳамда уларни профессионал велоспортчилар сифатида тайёрлаш ишларини самарали ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш;

худудларда велоспорт инфратузилмасини барпо этиш ва кенгайтириш бўйича инвестиция ва грант маблағларини жалб қилиш, бошқа зарур чоратadbирларни белгилаш ҳамда уларни амалиётга татбиқ этиш;

велоспорт турларини таълим муассасалари, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, оммалаштириш, аҳолининг ушбу спорт турига қизиқишини оширишга қўмаклашиш;

велоспорт турлари бўйича мусобақалар ва веломарафонларни ўтказишга қўмаклашиш, ушбу йўналишда халқаро ва чет эл ташкилотларининг грантлари, жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан норезидентларнинг хомийлик хайрияларини жалб қилиш;

велосипед ҳаракатини ривожлантириш мақсадида ижтимоий-иқтисодий шароитларни яхшилашга ҳамда юқори спорт натижаларига эришишни таъминлашга қаратилган янги қонунчилик ташаббусларини илгари суриш ва амалдаги қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш.

7. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2018 йил 12 апрель куни қабул қилинган махсус резолюциясига мувофиқ 3 июнь Бутунжаҳон велосипед куни этиб эълон қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ ҳар йили 3 июнь куни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида аҳолининг турли қатламларини жалб қилиш орқали узунлиги 15 — 20 километрдан кам бўлмаган веломарафонлар ташкил қилинади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Туризм ва спорт вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон велоспорт федерацияси ҳар йили 1 майга қадар веломарафонларни ташкил қилиш ва уларни юқори савияда ўтказиш бўйича дастурларни ишлаб чиқсин ва уларда қўйидагиларни назарда тутсин:

веломарафонларни ўтказишнинг аниқ жойлари ва маршрутларини белгилаш;

веломарафонларни ўтказиш жойларида велосипедларни ижарага олиш (байкшеринг) имкониятларини яратиш;

веломарафонлар ўтказишнинг жойлари ва маршрутлари бўйлаб йўл хавфсизлигини таъминлаш;

фуқаролар, шу жумладан транспорт воситалари ҳайдовчиларини веломарафонлар ўтказиш жойлари ва маршрутлари тўғрисида олдиндан хабардор қилиш, транспорт тирбандликларининг олдини олиш;

веломарафонлар ғолиблари ва совриндорларини қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаш;

веломарафонларда муваффақиятли қатнашган иштирокчиларни профессионал велоспортга жалб қилиш, уларни спорт-таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш;

оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ижтимоий тармоқларда веломарафонларни кенг ёритиш;

велосипедни оддий, қиммат бўлмаган, ишончли, экологик тоза ва мақбул транспорт тури сифатида кенг тарғиб қилиш;

3 июнь — Бутунжаҳон велосипед кунни тўғрисида ахборотни тарқатишга кўмаклашиш.

8. Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси, Ўзбекистон велоспорт федерациясининг 2022 йилдан бошлаб ҳар йили анъанавий тарзда:

велоспортнинг шоссе (Road) ва тоғ (MTB) турлари бўйича Тошкент вилоятида «Oqtosh-Chorvoq-Mountain», Қорақалпоғистон Республикаси ва Самарқанд вилоятида «Save-Aral» кўп кунлик халқаро велопоёғаларини;

велоспортнинг трек (Track) тури бўйича Тошкент шаҳрида «Silk-Road Tashkent», Наманган шаҳрида «Silk-Road Namangan» кўп кунлик халқаро велопоёғаларини;

велоспортнинг мотокросс (BMX Racing) тури бўйича Жиззах вилоятида «Zaamin-Cup» халқаро велопоёғасини;

велоспортнинг фристайл (BMX Freestyle) тури бўйича Тошкент шаҳрида «Tashkent-Grand Prix» халқаро мусобақасини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири А.Абдухакимов, Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси, Ўзбекистон велоспорт федерацияси:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда ушбу бандда кўрсатилган велопоёғалар ва халқаро мусобақага пухта тайёргарлик кўриш ва уларни юқори савияда ўтказиш бўйича «йўл хариталари»ни тасдиқласин. Бунда, велопоёғалар ва халқаро мусобақани ўтказиш билан боғлиқ молиявий харажатларни қоплаш манбалари этиб ҳомийлик, маҳаллий бюджет ва бошқа маблағлар белгиланади;

велопоёғалар ва халқаро мусобақада маҳаллий спортчилар билан биргаликда юқори рейтингга эга бўлган кучли халқаро спортчи, тренер ва ҳакамларнинг иштирокини таъминласин;

2022 йил 1 январдан бошлаб республика, ҳудудий ва туман (шаҳар) спорт ва оммавий жисмоний тарбия тadbирларининг календарь режаларига велоспорт турлари бўйича мусобақалар ва турнирларнинг киритилишини таъминласин ҳамда уларни юқори даражада ўтказиш чораларини кўрсин.

9. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Ж. Қўчқоров) Туризм ва спорт вазирлиги (А. Абдухакимов) ҳамда Ўзбекистон велоспорт федерацияси билан биргаликда қуйидагиларнинг 2022 йил ва келгуси йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритилишини таъминласин:

Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани ҳудудида велоспортнинг шоссе

(Road) тури бўйича республика ва халқаро мусобақаларни ўтказишга мўлжалланган велошоссе спорт мажмуасини қуриш. Бунда, мажмуа халқаро стандартларга жавоб берадиган 50 ўринли ётоқхона, 50 ўринли ошхона, тренажёр зали, тиббий пункт, велосипед таъмирлаш устахонаси, велосипедларни сақлаш хонаси, кийиниш ва ювиниш хоналари ва бошқа зарур инфратузилма объектларидан иборат бўлади, улар зарур замонавий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминланади;

Самарқанд вилояти Самарқанд тумани ҳудудида велоспортнинг трек (Track) тури бўйича республика ва халқаро мусобақаларни ўтказишга мўлжалланган ёпиқ турдаги велотрек спорт иншоотини қуриш. Бунда, иншоот халқаро стандартларга жавоб берадиган 50 ўринли ётоқхона, 50 ўринли ошхона, тренажёр зали, тиббий пункт, велосипед таъмирлаш устахонаси, велосипедларни сақлаш хонаси, кийиниш ва ювиниш хоналари ва бошқа зарур инфратузилма объектларидан иборат бўлади, улар зарур замонавий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминланади;

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Мухбир кўчаси, 12-уй манзилида Республика велоспорт маҳорат мактаб-интернати ва Ўзбекистон велоспорт федерацияси маъмурияти биносини барпо этиш. Бунда, мактаб-интернат халқаро стандартларга жавоб берадиган 100 ўринли ётоқхона, 100 ўринли ошхона, 100 ўринли ўқув биносидан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурини шакллантиришда велоспорт бўйича нуфузли халқаро профессионал ва ҳаваскорлар ўртасида спорт мусобақаларини юқори савияда ўтказиш мақсадида тегишли манзил ва участкадаги автомобиль йўлларини таъмирлаш бўйича Ўзбекистон велоспорт федерациясининг сўровномалари инобатга олинсин.

Қурилиш вазирлиги (Б. Закиров) мазкур бандда кўрсатилган спорт объектларини инновацион технологияларга асосланган, қиммат бўлмаган, энергия тежовчи ва тез барпо этиладиган енгил конструкция ва материаллардан қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини комплекс экспертизадан ўтказишни таъминласин ва қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши устидан доимий давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.

Тошкент вилояти ҳокимлиги (Д. Хидоятлов) Ўзбекистон велоспорт федерацияси билан биргаликда «Чорвоқ» эркин туристик зонаси дирекцияси билан келишган ҳолда жорий йил якунига қадар велоспортнинг шоссе (Road) тури бўйича республика ва халқаро мусобақаларни ўтказишга мўлжалланган велошоссе спорт иншоотини қуриш учун Тошкент вилояти Бўстонлик тумани ҳудудидан 0,5 га ер майдонини доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратиш чораларини кўрсин.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги (Э. Турдимов) Ўзбекистон велоспорт федерацияси билан биргаликда жорий йил якунига қадар велоспортнинг трек (Track) тури бўйича республика ва халқаро мусобақаларни ўтказишга мўлжалланган ёпиқ турдаги велотрек спорт иншоотини қуриш учун Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани ҳудудида тегишли ер майдонини доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратиш чораларини кўрсин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон велоспорт федерацияси билан биргаликда:

маҳаллий бюджетлар даромадларининг орттириб бажарилган қисми ҳисобидан Ўзбекистон велоспорт федерациясининг ҳудудий бўлинмалари учун ҳар йили 40 дондан велосипед ажратсин, шунингдек, велосипедчиларнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 2 тадан «Дамас» русумли автотранспорт воситаси билан таъминласин;

Ўзбекистон велоспорт федерациясининг ҳудудий бўлинмалари тўлақонли фаолият юритиши учун зарур чораларни кўрсин, шу жумладан уларнинг молиявий ва моддий-техник базасини мустаҳкамлашга кўмаклашсин;

аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва велоспортни оммалаштириш мақсадида туман (шаҳар) ва вилоят миқёсида ҳаваскорлар ўртасида велопойгаларни мунтазам ташкил қилсин ва ушбу мақсадлар учун тегишли маҳаллий бюджетлардан маблағ йўналтирсин;

ҳар бир ҳудудда ҳаваскор ва профессионал спортчилардан иборат бўлган велоспорт турлари бўйича хусусий клубларни ташкил қилсин.

11. Молия вазирлиги (Т. Ишметов):

а) мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур маблағларни 2022 йилдан Давлат бюджети параметрларида назарда тутишни таъминласин;

б) 2021 йилдан бошлаб Ўзбекистон велоспорт федерацияси томонидан тақдим этилган асосланган ҳисоб-китобларга мувофиқ, тузилган шартномалар бўйича олинган мажбуриятларни ҳисобга олган ҳолда Клуб фаолиятини сақлаш, унинг моддий-техника базасини шакллантириш билан боғлиқ зарур маблағларни ҳар йили Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Давлат бюджетидан жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга оид давлат дастурларини амалга ошириш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан:

2021 йил 1 октябрга қадар — 10 миллиард сўм;

2022 йилдан бошлаб — ҳар йили зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

12. Спорт-таълим муассасалари, олий таълим муассасаларининг велоспорт турлари бўйича бўлимлар ва Клубнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича олиб келинадиган, республикамизда ишлаб чиқарилмайдиган спорт анжомлари, жиҳозлари, кийимлари ва экипировкаси, озуқа ва озуқа қўшимчалари, витаминлар, ускуналар ва материаллар, велосипедларни ташишга мўлжалланган янги ва ишлаб чиқарилганлигига етти йил тўлмаган махсус автотранспорт воситалари ва тиркамалар 2024 йил 1 сентябрга қадар божхона божидан озод этилсин.

13. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «UzReport» ахборот агентлиги мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид телерадиодастурлар, спортчиларнинг профессионал фаолияти ҳақида махсус кўрсатувлар, мақо-

лалар ва видеороликлар тайёрласин, ўтказиладиган брифинг ва пресс-конференцияларни ёритиб борсин.

Кинематография агентлиги ёшларнинг велоспортга кириб келишидан бошлаб уларнинг юқори натижаларга эришиш йўли, нуфузли мусобақалардаги иштироки ва бугунги кундаги ҳаёти тўғрисида қисқа метражли видеофильмлар тайёрланишини таъминласин.

14. Миллий антидопинг агентлиги (Н. Турсунов) бир ой муддатда велоспорт бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи дастурни тасдиқласин ва уни амалга ошириш чораларини кўрсин:

спортчилар ва тренерларни «шаффоф спорт»га тарғиб қилиш;

саломатликни муҳофаза қилиш ва спортда фармакологик таъсирга эга дори препаратлари ва бошқа моддалардан тўғри фойдаланиш борасида спортчилар, тренерларнинг маданияти ва саводхонлигини ошириш тадбирларини ўтказиш;

спортчиларни антидопинг мавзуларига оид тегишли ўқув-ахборот материаллари ва турли кўргазмалар маълумотлар билан таъминлаш;

спортчилар томонидан антидопинг қоидаларига қатъий риоя қилиниши устидан самарали антидопинг назоратини амалга ошириш.

15. Туризм ва спорт вазирлиги 2021 йил 1 октябрга қадар Ўзбекистон велоспорт федерациясини Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 2-а уй манзилида жойлашган бинога текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштириш чораларини кўрсин.

16. Туризм ва спорт вазирлиги икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб туризм ва спорт вазири ўринбосари А.Қ. Каримов, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси Р.М. Шаабдурахманов, Ўзбекистон велоспорт федерацияси раҳбарияти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳофаза қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар йили 1 январгача Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 24 сентябрь,  
ПҚ-5251-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **558** Йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши таклифни танлаб олишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 8 июндаги ПФ–6243-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 8 июндаги ПФ–6243-сон Фармонига мувофиқ, энг яхши таклифни танлаш орқали аниқланадиган, қиймати камида 10 миллион АҚШ доллари эквивалентида (ер майдони ҳажмига кўра ортиб боради) бўлган йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун Вазирлар Маҳкамасига, истисно тариқасида, ер участкаларини тўғридан-тўғри ижарага бериш ҳуқуқи берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши таклифни танлаб олишнинг маъмурий регламенти 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун ер участкасини танлаш ва таклифларни тақдим этиш тартиби;

йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши таклифни кўриб чиқиш тартиби, уларни танлаб олиш босқичлари ва баҳолаш мезонлари;

йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши таклифни тақдим этган талабгорлар ичида ғолибни аниқлаш тартиби;

йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун ер участкасини ижарага беришда ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби;

йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширишда инвестиция мажбуриятлари ижросини мониторинг қилиш тартиби.

3. Белгилансинки:

йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши таклиф-

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 22 сентябрда эълон қилинган.



ни танлаб олиш Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (кейинги ўринларда — Ҳукумат комиссияси) томонидан амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши таклифни танлаб олиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади.

4. Ҳукумат комиссиясига қўйидаги қўшимча вазифалар юклансин: йирик инвестиция лойиҳасини концептуал жиҳатдан кўриб чиқиш; таклиф этилаётган лойиҳанинг хусусиятидан келиб чиқиб, энг яхши таклифни танлаб олиш мезонларининг муҳимлилик даражасини белгилаш;

йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши таклифни танлаб олиш;

ер участкасининг ижара муддатини узайтириш ёки ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини ўзгартириш масаласини кўриб чиқиш.

5. Белгилаб қўйилсинки:

йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича аризалар фақат давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали тақдим этилади;

якка тартибдаги уй-жой ва кўп квартирали уйлар қурилишини назарда тутувчи лойиҳалар йирик инвестиция лойиҳаси ҳисобланмайди ва кўриб чиқилмайди;

танланган ерга бўлган ҳуқуқнинг бозор қийматидан кам қийматдаги йирик инвестиция лойиҳаси бўйича таклифлар кўриб чиқилмайди.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда мазкур қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда «YERELEKTRON» автоматлаштирилган ахборот тизимини такомиллаштириш чораларини кўрсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича аризаларни давлат хизматлари марказлари ва Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қабул қилиш имкониятини яратсин ва ишга туширсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сон қарорига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар

масалалари бўйича ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 21 сентябрь,  
592-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 21 сентябрдаги 592-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун  
энг яхши таклифни танлаб олишнинг  
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Регламент Вазирлар Маҳкамаси томонидан қиймати камида 10 миллион АҚШ доллари эквивалентида бўлган йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши таклифни танлаб олиш ва ушбу лойиҳани амалга ошириш учун ижарага ер участкаси бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:  
**ер участкаси** — ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режимга ҳамда давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган, жисмоний ва юридик шахсларга ажратилмаган, давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган қисми;

**«YERELEKTRON» автоматлаштирилган ахборот тизими** (кейинги ўринларда — «YERELEKTRON» ААТ) — ер участкаларини бериш бўйича материалларни тўплаш, кўриб чиқиш ва унга киритилган ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан келишиш тартиб-таомилларини амалга ошириш учун автоматлаштирилган ахборот тизими;

**ишчи орган** — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги;

**йирик инвестиция лойиҳаси** — қиймати камида 10 миллион АҚШ доллари эквивалентида бўлган инвестиция лойиҳаси;

**очиқ электрон портал** — интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мақсадида бўш турган ер участкасини аниқлаш, чегарасини белгилаш имконини берувчи ахборот тизими;

**талабгор** — амалга ошириш учун таклиф сифатида йирик инвестиция лойиҳасини тақдим этган жисмоний ва юридик шахслар;

**Ҳукумат комиссияси** — Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси;

**энг яхши таклиф** — Ҳукумат комиссияси томонидан белгиланган мезонлар асосида энг юқори балл тўплаган йирик инвестиция лойиҳаси;

**ғолиб** — энг яхши таклифни тақдим этган талабгор.

3. Йирик инвестиция лойиҳаси доирасида:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда — фақат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун қишлоқ хўжалиги мақсадларида;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларда — қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш мумкин.

Якка тартибдаги уй-жой ва кўп квартирали уйлар қурилишини назарда тутувчи лойиҳалар йирик инвестиция лойиҳаси ҳисобланмайди ва кўриб чиқилмайди.

4. Танланган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қийматидан кам бўлган қийматдаги йирик инвестиция лойиҳаси бўйича таклифлар кўриб чиқилмайди.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қийматини аниқлаш ушбу танланган ер участкаси жойлашган туман (шаҳар)да сўнгги 6 ой давомида электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилинган ер участкаларининг 0,01 гектар майдонининг ўртача нархидан келиб чиқиб Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан белгиланади.

5. Йирик инвестиция лойиҳаси бўйича таклифлар қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

а) киритиладиган (жалб қилинадиган) инвестиция миқдори;

б) ижара муддати давомида ер солиғи (ижара тўлови) суммасига нисбатан қўлланиладиган, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ белгиланадиган ставкага нисбатан оширувчи коэффициент миқдори;

в) ишлаб чиқариладиган жами маҳсулотлардан экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг улуши;

г) фаолиятида юқори технология ва илм-фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг умумий маҳсулотларига нисбатан улуши;

д) режалаштирилган йиллик товар айланмаси миқдори;

е) иш билан таъминладиган фуқароларнинг ўртача йиллик сони.

6. Максимал балл 100 га тенг бўлиб, у муҳимлилик даражасидан келиб чиқиб мезонлар бўйича қуйидагича тақсимланади:

а) биринчи даражали мезонга «0» баллдан «25» баллгача;

б) иккинчи даражали мезонга «0» баллдан «25» баллгача;

в) учинчи даражали мезонга «0» баллдан «20» баллгача;

г) тўртинчи даражали мезонга «0» баллдан «15» баллгача;

д) бешинчи даражали мезонга «0» баллдан «10» баллгача;

е) олтинчи даражали мезонга «0» баллдан «5» баллгача.

Мезонларнинг муҳимлилик даражаси таклиф этилаётган лойиҳанинг хусусиятидан келиб чиқиб Ҳукумат комиссияси томонидан белгиланади.

7. Мезонлар бўйича балл Ҳукумат комиссияси томонидан берилади. Жами тўпланган балл мезонларнинг муҳимлилик даражасидан келиб чиқиб қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$T_{\text{балл}} = (T_{\text{тк}} / T_{\text{макс}}) \times M_{\text{макс}}$$

бунда:

$T_{\text{балл}}$  — талабгорнинг баҳоланаётган мезон бўйича олган балли;

$T_{\text{тк}}$  — талабгорнинг тегишли мезон бўйича берган таклифидаги кўрсаткич;

$T_{\text{макс}}$  — талабгорлар томонидан тегишли мезон бўйича берилган таклифлари орасидаги энг юқори кўрсаткич;

$M_{\text{макс}}$  — тегишли мезон бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан муҳимлилик даражасидан келиб чиқиб белгиланган максимал балл.

8. Йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун ер участкаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжати асосида:

а) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларига (чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар бундан мустасно):

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар — 30 йил муддатга;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар — 49 йилдан ошмайдиган муддатга;

б) хорижий жисмоний ва юридик шахсларга, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, шунингдек чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга 25 йилгача бўлган муддатга ижарага берилади.

9. Йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши таклифни танлаб олиш ушбу Регламентга 1-иловадаги\* схемага мувофиқ амалга оширилади.

10. Йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши таклифни танлаб олиш қуйидаги учта босқичда амалга оширилади:

биринчи босқич — ер участкасини танлаш ва ер участкасига оид материалларни тайёрлаш;

иккинчи босқич — йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мақсадга мувофиқлигини аниқлаш ва муқобил таклиф қабул қилиш бўйича эълон бериш;

учинчи босқич — таклифларни баҳолаш ва ғолибни аниқлаш.

11. Бўш турган ер участкаси бўйича ҳужжатлар йиғма жилдини тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси (кейинги ўринларда — Давлат кадастрлари палатаси) томонидан «YERELEKTRON» ААТ орқали амалга оширилади.

12. Ер участкаси бўйича ҳужжатлар йиғма жилдини тайёрлаш учун Давлат кадастрлари палатаси томонидан Ер тузиш, давлат ер кадастри ва

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ерларни мониторинг қилиш бўйича лойиҳа-изланиш ишларига кетадиган вақтнинг намунавий меъёрларига мувофиқ ҳақ ушбу Регламентнинг 56-бандига мувофиқ тартибда қоплаб берилади.

Ер тузиш, давлат ер кадастри ва ерларни мониторинг қилиш бўйича лойиҳа-изланиш ишларига кетадиган вақтнинг намунавий меъёрлари Кадастр агентлиги томонидан тасдиқланади.

## **2-боб. Йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун ер участкасини танлаш ва ер участкаси бўйича ҳужжатлар йиғма жилдини тайёрлаш тартиби**

13. Талабгор йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун Ишчи органга давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ушбу Регламентга 2-иловага\* мувофиқ ариза билан мурожаат этади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш босқичлари, усуллари, механизмлари ва асослантирилган ҳисоб-китоб маълумотлари (бизнес-режа); талабгор томонидан муқаддам муваффақиятли амалга оширилган лойиҳалар тўғрисида маълумот (портфолио);

йирик инвестиция лойиҳаси бўйича тақдимот материаллари.

Ариза қабул қилингандан сўнг талабгорга тегишли инвойс тақдим этилади. Талабгор инвойсга мувофиқ Ишчи органнинг махсус ҳисобварағига ўзининг йирик инвестиция лойиҳаси қийматининг камида 10 фоизига тенг кафолат маблағини жойлаштиради.

Кафолат маблағи Ишчи органнинг махсус ҳисобварағига келиб тушганлиги ахборот-коммуникация тизимлари орқали текширилади.

Кафолат маблағи келиб тушганлиги ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқлангандан сўнг ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар Ишчи органга автоматик равишда юборилади.

14. Ариза давлат хизматлари марказлари орқали тақдим этилганда мурожаатчидан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорда йиғим ундирилади.

Ариза Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали тақдим этилганда, мурожаатчидан Давлат хизматлари марказлари орқали мурожаат этганда тўланадиган сумманинг 90 фоизи миқдорда йиғим тўланади.

Йиғим суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этганда:

20 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига ўтказилади;

60 фоизи — Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига;

0,5 фоизи — тўловларни тасдиқлаш Ягона биллинг тизими орқали

---

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

амалга оширилганлиги учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар — Ишчи органнинг ҳисобварағига ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига ўтказилади;

11,25 фоизи — Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан фойдаланганлик учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

0,5 фоизи — тўловларни тасдиқлаш Ягона биллинг тизими орқали амалга оширилганлиги учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

55 фоизи — Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига;

қолган маблағлар — Ишчи органнинг ҳисобварағига ўтказилади.

Давлат хизматлари кўрсатилганда йиғим тўланганлигини тасдиқлаш Ягона биллинг тизими орқали амалга оширилади.

Ариза қайтариб олинганда ёки талабгор ғолиб деб топилмаганда ушбу йиғим суммаси қайтариб берилмайди.

15. Ишчи орган келиб тушган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни 3 иш куни ичида кўриб чиқади.

Ушбу Регламентнинг 13-бандида қайд этилган барча ҳужжатлар тўлиқ мавжуд бўлмаса, Ишчи орган ҳужжатларни талабгорга бартараф этилиши лозим бўлган камчиликларни кўрсатган ҳолда қайтаради.

Ушбу банднинг иккинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолатлардан бошқа асосларга кўра ҳужжатларни қайтаришга йўл қўйилмайди.

16. Талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатларда камчиликлар аниқланмаса, Ишчи орган йирик инвестиция лойиҳасини Ҳукумат комиссиясига кўриб чиқиш учун киритади.

17. Ҳукумат комиссияси йирик инвестиция лойиҳаси келиб тушган кундан бошлаб 10 иш куни ичида ушбу лойиҳани концептуал жиҳатдан кўриб чиқади ва уни амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги бўйича аниқ асос ва сабабларни кўрсатган ҳолда қарор қабул қилади.

Ҳукумат комиссиясининг қарорлари у қабул қилинган кундан кейинги иш кунидан кечикмаган ҳолда Ишчи органнинг расмий веб-сайти ва оммавий ахборот воситаларида давлат тилида, рус ва инглиз тилларида эълон қилинади.

18. Ҳукумат комиссияси томонидан йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мақсадга мувофиқ эмаслиги бўйича қарор қабул қилинган тақ-

дирда, муқобил таклиф қабул қилиш бўйича эълон берилмайди ва танлов ўтказилмайди.

Бунда, талабгор йирик инвестиция лойиҳаси ва уни амалга ошириш учун танланган ер участкасини қайта кўриб чиқиб, умумий тартибда қайта мурожаат этиши мумкин.

19. Ҳукумат комиссияси йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб қарор қабул қилган тақдирда ушбу қарор қабул қилинган кундан кейинги иш кунидан кечикмаган ҳолда Давлат кадастрлари палатасига ариза бўйича бўш турган ер участкасини аниқлаш бўйича сўров юборади.

20. Давлат кадастрлари палатаси сўров келиб тушган кундан бошлаб 20 иш куни ичида электрон шаклда ер участкаси бўйича ҳужжатлар йиғма жилдини тайёрлайди ва уни Ишчи органга юборади.

Ер участкаси бўйича ҳужжатлар йиғма жилдига (кейинги ўринларда — ҳужжатлар йиғма жилди) қуйидагилар илова қилинади:

ер участкаси, жумладан, майдони (гектарда), ер участкасининг ер фонди тоифаси, мавжуд мажбуриятлар, қайси мақсадга мўлжалланаётганлиги, зарур ҳолда балл бонитети ва бошқалар ҳақида қисқача маълумот;

ер участкасини топографик харитада (координатали нуқталари билан), ер участкасининг чегаралари ва манзилларини (аҳоли пункти ва кўчалар, кўча бўлмаганда эса — мавжуд объектдан метр ҳисобидаги масофа кўрсатилади) ҳамда ер ости ва ер усти муҳандислик тармоқлари М 1:500 дан М 1:1000 гача катталиқда кўрсатилган ҳолда жойлаштириш режаси;

чегарадош ер участкаларидан фойдаланиш турлари кўрсатилган вазият билан боғлиқ схема;

ер участкасининг камида икки томондан ўраб турган объектлар билан биргаликдаги фотосурати (15x20 см);

лоийҳалаштирилаётган объектлар бўйича — атроф муҳитга таъсир кўрсатилиши тўғрисидаги баёнот лойиҳаси.

21. Ишчи орган ушбу Регламентнинг 20-бандида назарда тутилган ҳужжатлар йиғма жилдини олгандан сўнг, 2 иш куни ичида Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ихтисослаштирилган эксперт бўлинмаларига давлат экологик экспертизаси хулосасини олиш учун юборади. Давлат экологик экспертизаси хулосасини олиш билан боғлиқ харажатлар ушбу Регламентнинг 56-бандига мувофиқ тартибда қоплаб берилади.

Давлат экологик экспертизасини ўтказиш Давлат экология қўмитасининг ихтисослаштирилган эксперт бўлинмалари томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади ва давлат экологик экспертизаси хулосасини Ишчи органга юборади.

Давлат экологик экспертизаси хулосаси ижобий ёки салбий бўлиши мумкин.

Салбий хулосада қонунчилик нормаларига таянган ҳолда ер участкасини ажратиш имкони йўқлигининг асосланган аниқ сабаблари кўрсатилади.

Бунда, бошқа ер участкаси бўйича ҳужжатлар йиғма жилдини тайёрлаш умумий тартибда амалга оширилади.

22. Ишчи орган давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосасини олгандан сўнг, уни ҳамда ҳужжатлар йиғма жилдини 2 иш куни ичида тегишли хулоса олиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармасига (кейинги ўринларда — қурилиш бош бошқармаси) юборади.

23. Шаҳарсозлик ҳужжати мавжуд бўлган тақдирда, қурилиш бош бошқармаси 3 иш куни ичида ҳужжатлар йиғма жилдини кўриб чиқади, танланган ер участкаси бўйича хулоса тайёрлайди.

Хулосада шаҳарсозлик фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этиш талаблари баён этилади.

24. Шаҳарсозлик ҳужжатлари мавжуд бўлмаган тақдирда, қурилиш бош бошқармаси Ишчи органдан ҳужжатлар йиғма жилдини олгандан сўнг 3 иш кунидан кечиктирмасдан уни кўриб чиқади ҳамда ўз хулосасини илова қилган ҳолда, худудий архитектура шаҳарсозлик кенгашига (кейинги ўринларда — Кенгаш) келишиш учун юборади.

Кенгаш 5 иш кунидан кечиктирмасдан навбатдаги мажлисда ҳужжатлар йиғма жилдини кўриб чиқади ҳамда материалларни электрон рақамли имзосини қўйиш йўли билан келишади ҳамда келишилган материаллар қурилиш бош бошқармасига юборилади.

25. Қурилиш бош бошқармаси ўз хулосасини ва Кенгаш томонидан келишилган материалларни «YERELEKTRON» ААТ орқали электрон шаклда 1 иш куни ичида Ишчи органга электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳужжат шаклида юборади.

Бунда хулоса ижобий ёки салбий бўлиши мумкин.

Ижобий хулосада ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи эгасига нисбатан шаҳарсозлик фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этиш талаблари баён этилади.

Салбий хулосада қонунчилик нормаларига таянган ҳолда ер участкасини ажратиш имкони йўқлигининг асосланган сабаблари кўрсатилади ҳамда тегишли ер участкасини бошқа мос келадиган жойдан танлаш ҳақида таклиф берилади.

Кенгаш материалларни келишишдан бош тортган тақдирда, қурилиш бош бошқармасига Кенгаш йиғилишининг баённомаси рад этишни асослаган ва қонунчилик ҳужжати нормасини аниқ кўрсатган ҳолда, ер участкаси жойини кўчириш ҳақидаги таклиф билан юборилади.

26. Қурилиш бош бошқармаси салбий хулоса берган ёки Кенгаш билан келишиш рад этилган тақдирда, Ишчи орган ер участкаси материалларини қайта ишлаш, шу жумладан берилган хулосага мувофиқ ажратиладиган ер участкаси жойлашувини ўзгартириш (келишишни рад этиш сабабларини асослаган ҳолда) ҳуқуқига эга.

Бунда, Ишчи орган 2 иш куни ичида қурилиш бош бошқармасининг салбий хулосаси ёки Кенгашнинг келишишни рад этиш баён қилинган таклифни кўриб чиқади ҳамда ҳужжатлар йиғма жилдини қурилиш бош бош-



қармасининг хулосаси ёки Кенгаш йиғилишининг баённомасини илова қилган ҳолда Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармасига қайта ишлаш учун юборди.

Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармаси 10 иш куни ичида ҳужжатлар йиғма жилдини қайта ишлайди, ҳужжатлар йиғма жилдини шакллантиради ва уни Ишчи органга такроран юборди.

Бунда янгиланган ҳужжатлар йиғма жилдини қайта ишлаш ва тайёрлаш бўйича ишлар учун ҳақ ундирилмайди.

Ишчи орган ҳужжатлар йиғма жилдини олгандан кейин 1 иш куни ичида уни қурилиш бош бошқармасига мазкур Регламентнинг 23 ва 24-бандларида белгиланган тартибда хулоса олиш ёки Кенгаш келишувини олиш учун такроран юборди.

27. Қурилиш бош бошқармаси ижобий хулосаси ёки Кенгаш билан электрон шаклда келишуви олинган кундан кейин 1 иш куни ичида Ишчи орган ҳужжатлар йиғма жилдини қўйидаги ваколатли ташкилотларга юборди:

а) хулоса олиш учун қўйидаги давлат органлари ва ташкилотларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бўлинмаларига:

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги;

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги;

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги;

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати;

Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси;

Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси;

«Ўзсувтаъминот» АЖ;

«Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ;

«Ҳудудгазтаъминот» АЖ;

«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ;

«Ўзтрансгаз» АЖ;

б) келишиш учун:

Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлигининг ҳудудий бошқармасига — маданий мерос ёдгорликлари муҳофаза қилинадиган зонада жойлашган ер участкалари бўйича;

тегишли ҳудудлар ва иншоотлардан режим асосида фойдаланадиган ҳамда улардан фойдаланадиган ташкилотга — бўш ер участкалари саноат ерлари, темир йўллар ва автомобиль йўллари, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадлардаги ерлар таркибига кирган ҳудудларда жойлашганда;

Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг ҳудудий органларига — бўш ер участкаси автомобиль турар жойлари ва йўл ҳаракати хавфсизлигига таъсир қиладиган бошқа объектлар учун ажратилганда;

Туризм ва спорт вазирлигининг ҳудудий бош бошқармасига — туризм инфратузилмасини ривожлантириш учун белгиланган ва туристик рекреацион зоналарда жойлашган ер участкалари бўйича.

Ер участкаларининг жойлашуви уларнинг бош режаларида, шунингдек, батафсил режалаштириш лойиҳаларида белгиланган ҳамда шахарсозлик фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда назарда тутилган функционал мақсадига мос келадиган аҳоли пунктларидаги ер участкаларига оид материаллар бўйича санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг ҳамда Давлат ёнғин назорати органининг хулосаларини олиш талаб этилмайди.

28. Ваколатли ташкилотлар ҳужжатлар йиғма жилди келиб тушган кундан бошлаб 5 иш куни ичида ҳужжатлар йиғма жилдини келишади ёки тегишли хулосалар беради.

29. Ваколатли ташкилотнинг хулосаси «YERELEKTRON» ААТ орқали электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган электрон шаклда ёки хулосанинг кўчирилган нусхаси тарзида Ишчи органга юборилади. Бунда ижобий ёки салбий хулоса берилиши мумкин.

Ижобий хулосада ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи эгасига нисбатан шахарсозлик, санитария, табиатни муҳофаза қилиш, ёнғинга қарши ва бошқа фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этиш талаблари баён этилади.

Салбий хулосада қонунчилик ҳужжатининг аниқ нормасига таянган ҳолда бўш ер участкасини ажратиш имкони йўқлигининг асосланган сабаблари кўрсатилади.

30. Ер участкалари бўйича материалларни келишиш тегишли ер участкаси бўйича розилик резолюциясини ваколатли ташкилотнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаш йўли билан «YERELEKTRON» ААТ орқали амалга оширилади.

Келишув ҳеч қандай изоҳлар ва шартларсиз амалга оширилади.

Келишув рад этилган ҳолатда, Ишчи органга «YERELEKTRON» ААТ орқали ваколатли ташкилотнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган электрон ҳужжат тарзда хат ёки хатнинг кўчирилган нусхаси қонунчилик ҳужжатларининг аниқ нормасига таянган ҳолда, бўш ер участкасини ажратиш имкони йўқлигининг асосланган сабаблари кўрсатиб юборилади.

31. Ваколатли ташкилот билан келишилмаганда ёки салбий хулоса олинганда, Ишчи орган ҳужжатлар йиғма жилдини қайта ишлаб, уларни ушбу Регламентга мувофиқ такроран келишиш (улар бўйича хулоса олиш) ҳуқуқига эга.

32. Ваколатли ташкилотлар салбий хулоса берган тақдирда ёки келишувни рад этиш тўғрисида хат йўллаган тақдирда, Ишчи орган ваколатли ташкилотларнинг эътирозларидан келиб чиққан ҳолда, 3 иш куни ичида ер участкасининг жойлашган жойини ва ҳужжатлар йиғма жилдини қайта кўриб чиқиб, ваколатли ташкилотларнинг хулоса ва хатларини илова қилган ҳолда, уларни Давлат кадастрлари палатасига қайта ишлаш учун юборади.

Бунда, Давлат кадастрлари палатаси 3 иш куни ичида ҳужжатлар йиғма жилдини қайта ишлайди ҳамда Ишчи органга такроран юборади. Ҳуж-

жатлар йиғма жилдини қайта ишлаш ва янгиланган материаллар тайёрлаш ишлари учун тўлов ундирилмайди.

33. Ажратиладиган ер участкасининг жойлашган жойи қайта кўриб чиқилгандан сўнг ва қайта ишланган материаллар олингач, Ишчи орган кейинги иш кунидан кечиктирмасдан ҳужжатлар йиғма жилдини ушбу Регламентнинг 23 — 30-бандларида белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун ваколатли ташкилотларга такроран юборади.

Бунда такроран юборилган ҳужжатлар йиғма жилди ваколатли ташкилотлар томонидан 2 иш кун ичида кўриб чиқилиши керак.

34. Ишчи орган қурилиш бош бошқармаси, Кенгашнинг ва ваколатли ташкилотларнинг ижобий хулосаларини олиб ва келишувларини олгандан кейин 2 иш кун ичида ҳужжатлар йиғма жилдини Ҳукумат комиссиясига тақдим этади.

### **3-боб. Йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши таклифни танлаб олиш**

35. Ҳукумат комиссияси ҳужжатлар йиғма жилди келиб тушган кундан кейинги иш кунидан кечикмаган ҳолда мезонларнинг муҳимлилик даражасини белгилаш ҳамда биринчи талабгорнинг аризасида кўрсатилган фаолият йўналиши бўйича муқобил таклиф қабул қилиш бўйича эълон бериш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ушбу қарор у қабул қилинган кундан кейинги иш кунидан кечикмаган ҳолда Ишчи органга юборилади.

36. Ишчи орган, Ҳукумат комиссияси қарори келиб тушган кундан кейинги иш кунидан кечикмаган ҳолда, муқобил таклиф қабул қилиш бўйича ўзининг расмий веб-сайтида эълон жойлаштиради. Эълонда қуйидагилар кўрсатилади:

а) йирик инвестиция лойиҳаси йўналиши (фаолият тури);

б) таклиф этилаётган ер участкаси ҳақида маълумотлар (манзили, майдони ва бошқалар);

в) Ҳукумат комиссияси қарори билан белгиланган мезонларнинг муҳимлилик даражаси кетма-кетлиги;

г) таклифларни қабул қилишнинг тўхтатиладиган вақти ва санаси.

Йирик инвестиция лойиҳаси бўйича муқобил таклифлар ушбу Регламентнинг 13-14-бандларига мувофиқ тақдим этилади.

37. Эълон қўшимча равишда марказий оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши лозим.

38. Йирик инвестиция лойиҳасига муқобил таклифлар Ишчи органнинг расмий веб-сайтида эълон берилган кундан бошлаб 60 кун давомида (60-кун соат 24-00 га қадар) қабул қилинади.

Эълонда кўрсатилган муқобил таклифлар қабул қилишнинг вақти яқунлангандан сўнг, таклифлар қабул қилинмайди.

Талабгорлар муқобил таклифлар қабул қилиш муддати давомида ўз муқобил таклифларини ўзгартириши ёки қайтариб олишга ҳақли.

39. Йирик инвестиция лойиҳасига берилган муқобил таклифлар ишчи орган томонидан ушбу Регламентнинг 15 ва 16-бандларида назарда тутилган тартибда ва муддатда Ҳукумат комиссиясига кўриб чиқиш учун киритилади.

Ишчи орган томонидан муқобил таклифлар ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

40. Ҳукумат комиссияси мажлислари, агар уларнинг ишида Ҳукумат комиссияси аъзоларининг умумий сонининг учдан икки қисми иштирок этса, ваколатли ҳисобланади.

Зарурат бўлганда, Ҳукумат комиссияси мажлисига лойиҳанинг хусусиятига қараб вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари таклиф қилинади.

Мажлисни ўтказишга кворум бўлмаган тақдирда, Ҳукумат комиссияси қарорига асосан мажлис бошқа кунга қолдирилади.

Ишчи орган Ҳукумат комиссияси мажлисини ўтказиш санаси ва жойи ҳақида ушбу мажлис ўтказиладиган кундан камида 2 кун олдин ўзининг расмий веб-сайтида эълон беради.

41. Ҳукумат комиссияси мажлисларида оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиши мумкин, уларнинг иштирокини чеклашга йўл қўйилмайди.

42. Ҳукумат комиссияси мажлисини ўтказиш ваколатли бўлганда таклифлар талабгорларнинг иштирокида кўриб чиқилади ҳамда ушбу Регламентнинг 7-бандида кўрсатилган тартибда баҳоланади.

Бунда, белгиланган тартибда чақирилган талабгор Ҳукумат комиссияси мажлисига келмаган тақдирда, Ҳукумат комиссияси мажлиси давом эттирилиши мумкин.

Берилган балларнинг йиғиндисига кўра, энг юқори балл тўплаган таклиф йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича энг яхши таклиф деб танлаб олинади ҳамда қарор билан тасдиқланади.

43. Ҳукумат комиссияси қарорида қуйидагилар кўрсатилади:

а) комиссия раҳбари, комиссия аъзолари ҳамда кун тартиби тўғрисида маълумот;

б) йирик инвестиция лойиҳаси бўйича келиб тушган талабгорларнинг муқобил таклифлари тўғрисида маълумот;

в) комиссия аъзолари томонидан талабгорларнинг муқобил таклифларига берилган баллар тўғрисида маълумот;

г) фолиб тўғрисида маълумот.

Ҳукумат комиссияси қарори комиссия раиси томонидан тасдиқланади.

44. Ҳукумат комиссияси мажлислари аудио ва видеоёзувларда қайд этиб борилади ҳамда Ишчи органнинг расмий веб-сайтида реал вақт режимида трансляция қилинади.

45. Агар талабгорларнинг таклифларига берилган баллар тенг бўлиб қолса, улар орасидан биринчи даражали мезон бўйича юқори балл олган йирик инвестиция лойиҳаси танлаб олинади. Бунда ҳам берилган баллар тенг бўлиб қолса, давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Респуб-

ликаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали эрта ариза берган талабгор голиб деб топилади.

46. Ишчи орган Ҳукумат комиссияси қарори асосида ер участкасини ижарага бериш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжати лойиҳасини тайёрлайди ва белгиланган тартибда Ҳукуматга киритади.

Ер участкасини ижарага бериш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжати лойиҳасида мазкур Регламентнинг 5-бандидаги йирик инвестиция лойиҳаси бўйича таклифларни баҳолаш мезонларидан келиб чиқиб, инвестиция мажбуриятлари кўрсатилади.

47. Ер участкасини ижарага бериш тўғрисидаги Ҳукуматга киритилган ҳужжат лойиҳаси Вазирлар Маҳкамаси Регламентида белгиланган тартибда қабул қилинади.

48. Ер участкасини ижарага бериш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжати қабул қилинган кундан бошлаб 1 иш куни ичида Ишчи органга юборилади.

Ишчи орган 1 иш куни ичида Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатини тегишли туман (шаҳар) ҳокимлиги ва голибга тақдим этади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳужжати голиб ва тегишли туман (шаҳар) ҳокимлиги ўртасида ер ижара шартномасини имзолаш учун асос ҳисобланади.

Туман (шаҳар) ҳокимлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳужжати келиб тушган кундан бошлаб 3 иш куни ичида Ер ижара шартномасини тузиш бўйича голибга таклиф юборади. Ер ижара шартномасида голибнинг инвестиция мажбуриятлари ҳам акс эттирилади.

49. Ер ижара шартномаси имзоланган кундан кейинги иш куни унинг нусхалари туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан:

а) давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармаларига — ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун;

б) ишчи органга — инвестиция мажбуриятларини мониторинг қилиб бориш учун юборилади.

50. Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармалари Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 декабрдаги 1060-сон қарори билан тасдиқланган Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом асосида талабгор номига ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини ер ижара шартномаси келиб тушган кундан бошлаб икки иш куни ичида давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлайди.

Ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ харажатлар ушбу Регламентнинг 56-бандига мувофиқ тартибда ундирилади.

51. Ажратилган ер участкасида йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширишни бошлашга ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин йўл қўйилади.

52. Вазирлар Маҳкамаси мустақил равишда ушбу Регламентнинг 5 ва 6-бандларида назарда тутилган мезонлар бўйича шартларни кўрсатган ҳолда йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича эълон беришга ҳақли.

Эълон бўйича таклифлар ушбу Регламентга мувофиқ тақдим этилади ва кўриб чиқилади.

53. Агар ушбу Регламентнинг 38-бандида назарда тутилган муддат ичида муқобил таклиф келиб тушмаса, биринчи таклифни берган талабгор ягона иштирокчи сифатида баҳоланмаган ҳолда қолиб деб топилади.

54. Қолиб деб топилмаган талабгорларнинг кафолат маблағлари Хукумат комиссиясининг қарори қабул қилинган кундан бошлаб 5 иш куни ичида қайтариб берилади.

55. Қолибнинг кафолат маблағи инвестиция мажбуриятлари бажарилиши 50 фоиздан ошган тақдирда қайтариб берилади.

Қолиб инвестиция мажбуриятларини умуман бажармаганда ёки 50 фоиздан кам бажаргандан сўнг инвестиция лойиҳасини амалга оширишдан бош тортган тақдирда кафолат маблағи қайтариб берилмайди.

56. Ер участкаси бўйича ҳужжатлар йиғма жилдини тайёрлаш, давлат экологик экспертизаси хулосасини олиш ҳамда ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ харажатлар қолибнинг кафолат маблағлари ҳисобидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжати қабул қилинган кундан бошлаб 5 иш куни ичида қоплаб берилади.

#### **4-боб. Ер участкасининг ижара муддатини узайтириш ҳамда ерга бўлган ҳуқуқ турини ўзгартириш тартиби**

57. Ер участкасининг ижара муддатини узайтириш ҳамда ерга бўлган ҳуқуқ турини ўзгартиришга қуйидаги асосларга кўра йўл қўйилади:

а) инвестиция мажбуриятлари тўлиқ бажарилганлиги — ишчи органнинг ижобий хулосаси асосида;

б) ер қонунчилиги ҳужжатлари бузилишига йўл қўйилмаганлиги — Кадастр агентлигининг ижобий хулосаси асосида;

в) тупроқ унумдорлигининг пасаймаганлиги, унумдор қатлам олинмаганлиги, қишлоқ хўжалиги экинлари экилганлиги — Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ижобий хулосаси асосида, башарти ажратилган ер участкаси қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўлса.

58. Қолиб ушбу Регламентнинг 8-бандида кўрсатилган ижара муддатининг камида учдан икки қисми ўтгандан сўнг, бироқ ижара муддати яқунланишига камида 6 ой қолгунга қадар ер участкасининг ижара муддатини узайтириш ёки ерга бўлган ҳуқуқ турини ўзгартиришни сўраб ишчи органга ариза беришга ҳақли.

59. Ишчи орган:

а) 2 иш куни ичида ер участкасининг ижара муддатини узайтириш ёки ерга бўлган ҳуқуқ турини ўзгартириш юзасидан талабгорнинг аризасини кўриб чиқади ҳамда хулоса тақдим этиш учун Кадастр агентлиги ва (ёки) Қишлоқ хўжалиги вазирлигига сўров юборади;

б) 5 иш куни ичида инвестиция мажбуриятлари тўлиқ бажарилганлиги ёки бажарилмаганлиги тўғрисида хулоса тайёрлайди.

60. Сўров келиб тушган кундан бошлаб 5 иш куни мобайнида:

а) Кадастр агентлиги ердан фойдаланувчи томонидан ижара муддати давомида ер қонунчилиги ҳужжатлари бузилишига йўл қўйилганлиги ёки йўл қўйилмаганлиги тўғрисида;

б) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тупроқ унумдорлигининг пасайганлиги ёки пасаймаганлиги, унумдор қатлам олинганлиги ёки олинмаганлиги, қишлоқ хўжалиги экинлари экилганлиги ёки экилмаганлиги тўғрисида хулоса тайёрлайди ва ишчи органга юборади.

61. Ишчи орган талабгорнинг аризасини унга ўзининг ҳамда Кадастр агентлиги ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг хулосаларини илова қилган ҳолда Ҳукумат комиссиясига юборади.

62. Ҳукумат комиссияси талабгорнинг аризаси ва тақдим этилган хулосаларни 5 иш куни ичида кўриб чиқиб, ер участкасининг ижара муддатини узайтириш ёки ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини ўзгартириш мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқади.

63. Ушбу Регламентнинг 57-бандида назарда тутилган хулосаларнинг бири ёки бир нечтаси салбий бўлса, ер участкасининг ижара муддатини узайтириш мақсадга мувофиқ эмас деб топилишига асос ҳисобланади.

64. Қўйидагилар ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини ўзгартириш мақсадга мувофиқ эмас деб топилишига асос ҳисобланади:

а) ушбу Регламентнинг 57-бандида назарда тутилган хулосаларнинг бири ёки бир нечтаси салбий бўлиши;

б) «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонунга асосан ер участкаси хусусийлаштирилмайдиган ер участкаси бўлганида ҳамда ижарачи ер участкаларини хусусийлаштириш субъектлари ҳисобланмаганда.

65. Ҳукумат комиссияси томонидан ер участкасининг ижара муддатини узайтириш ёки ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини ўзгартириш мақсадга мувофиқ деб топилганда, ишчи орган тегишли ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритади.

66. Вазирлар Маҳкамаси тегишли ер участкасининг ижара муддатини узайтириш ёки унга бўлган ижара ҳуқуқини «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонун талаблари асосида ўзгартирилиши тўғрисидаги ҳужжатни белгиланган тартибда қабул қилади ва унинг нусхаси ижарачига юборилишини таъминлайди.

67. Ижарачи Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжати асосида:

а) туман (шаҳар) ҳокимлиги билан ушбу Регламентнинг 8-бандида назарда тутилган муддатга ер ижара шартномаси тузади;

б) «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ер участкасини хусусийлаштириши мумкин.

Бундай ҳолатда инвестиция мажбуриятлари юклатилмайди.

68. Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармалари ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлайди.

### **5-боб. Инвестиция мажбуриятлари ижросини мониторинг қилиш тартиби**

69. Инвестиция мажбуриятлари ижросининг мониторинги Ишчи органнинг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади.

70. Ер участкасидан мақсадли ва самарали фойдаланиш устидан давлат назорати Кадастр агентлигининг, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари бўйича эса — Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади.

71. Ишчи орган, Кадастр агентлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бошқармалари биргаликда ҳар чоракда бир маротаба инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши ва инвестиция мажбуриятлари ижросини ҳамда ажратилган ер участкасидан мақсадли ва самарали фойдаланиш ҳолатларини мониторинг қилиб боради.

Ишчи органнинг ҳудудий бошқармалари инвестиция лойиҳаси ижросининг мониторинги амалга ошириладиган кун ва вақт ҳақида камида уч кун олдин талабгорни ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

Мониторинг натижалари бўйича талабгор ҳамда Инвестиция вазирлиги, Кадастр агентлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бошқармалари вакиллари иштирокида мониторинг далолатномаси тузилади ҳамда тўрт нусхада тасдиқланади.

Мониторинг далолатномасининг бир нусхаси талабгорга топширилади ҳамда қолган учта нусхаси Инвестиция вазирлиги, Кадастр агентлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бошқармаларида сақланади.

72. Мониторинг давомида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун ажратилган ер участкасидан белгилангандан кўра бошқа мақсадларда фойдаланиш ёки ер участкаси ўз вақтида фойдаланишга киритилмаганлиги, инвестиция мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги ҳолатлари аниқланганда ер участкасини ижарага бериш шартномаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади.

Мазкур Регламентга мувофиқ қўлга киритилган ер участкасида қурилган бино ва иншоотлар инвестиция мажбуриятлари тўлиқ бажарилмагунга қадар бегоналаштирилиши мумкин эмас. Инвестиция мажбуриятлари тўлиқ бажарилмасдан бино ва иншоотларни бегоналаштириш инвестиция мажбуриятларини бузиш деб баҳоланади ва ерга бўлган ҳуқуқни бекор қилишга асос бўлади.

### **6-боб. Яқунловчи қоидалар**

73. Инвестиция мажбуриятлари доирасида юзага келган низолар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тарафларнинг ўзаро келишуви ёки суд тартибда ҳал этилади.

74. Талабгорлар ушбу Регламент талаблари бузилиши, Ишчи орган, Кадастр агентлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг хулосалари ҳамда уларнинг ҳудудий бошқармалари мониторинг далолатномаси, Ҳукумат ко-



миссияси қарори юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилишлари мумкин.

75. Ушбу Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 21 сентябрдаги 592-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банднинг «а» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаси ёки унинг бир қисмини олиб қўйиш ер эгасининг розилиги билан ҳамда ердан фойдаланувчи ва ижарачи билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши қарорларига биноан амалга оширилади»;

2. 1-иловада:

а) 1-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ушбу Низом жисмоний шахсларга (якка тартибдаги тадбиркор, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахслар) ва юридик шахсларга (тадбиркорлик субъектлари, нодавлат ташкилотлар) эгаллик қилиш, доимий фойдаланиш ёки вақтинчалик фойдаланиш ҳуқуқи билан тегишли бўлган ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши ҳамда ушбу ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартибини белгилайди»;

б) 2-бандда:

тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

ўн биринчи — ўн тўққизинчи хатбошилар тегишлича тўққизинчи — ўн еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

тўққизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**ташаббускор** — ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ташаббуси билан чиққан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар, вилоятлар ёки туман (шаҳар) ҳокимликлари»;

в) 3-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер участкаси ёки унинг бир қисми (кейинги ўринларда ер участкаси

деб аталади) давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ёки халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари (кейинги ўринларда — тегишли халқ депутатлари Кенгашлари) қарорига биноан амалга оширилади»;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишлича иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

г) 4-банддан иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

д) 5-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкалари олиб қўйилишида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар, вилоятлар ёки туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан биринчи навбатда эскирган ва авария ҳолатидаги уй-жой фонди объектлари, шу жумладан, фойдаланилмаётган объектлар (маданий мерос тоифасига кирадиган объектлардан ташқари) билан банд бўлган ер участкаларидан, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий объектлар қурилишига эҳтиёжи бор бўлган жойлардан танлаб олинади»;

е) 6-банд:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ва компенсация бериш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади»;

ж) 2-бобнинг 2-параграфи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

з) 23-банднинг иккинчи хатбошисидаги «инвестиция лойиҳалари» сўзлари «тақдимот материаллари» сўзлари билан алмаштирилсин;

и) 26-банднинг биринчи хатбошисидаги «инвестиция лойиҳалари» сўзлари «тақдимот материаллари» сўзлари билан алмаштирилсин;

к) 27-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи — еттинчи хатбошилар тегишлича иккинчи — олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

л) 33-банднинг иккинчи хатбошисидаги «инвестиция лойиҳалари» сўзлари «тақдимот материаллари» сўзлари билан алмаштирилсин;

м) 34-банддан учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

н) 37-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

о) 38-бандда:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

п) 43-банднинг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

р) 53-банддан иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

с) Низомга 2-илова ўз кучини йўқотган деб топилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**559 Солиқ тўловчиларни ҳисобга олишни янада такомиллаштириш ва қўшилган қиймат солиғининг ўрнини қоплаш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида» 2021 йил 3 февралдаги ПФ–6155-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, интизомли солиқ тўловчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, инсон омилининг таъсирини чеклаш орқали қўшилган қиймат солиғини бошқариш тизимини такомиллаштириш, барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг рақобат шароитларини яратиш, солиқ хавфи юқори даражада бўлган контрагентлар билан операцияларни (битимларни) амалга оширишни чеклаш бўйича профилактика чораларини кўриш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

## 1. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Учинчи шахсларга солиқ тўловчилар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш чора-тадбирлари ҳақида» 2021 йил 19 августдаги 529-сон қарорига мувофиқ, солиқ сирини ташкил этмайдиган маълумотлар ва ҳисоб маълумотларни юридик ва жисмоний шахсларга тақдим этиш тизими жорий этилиши белгиланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 10 июлдаги ПК-4389-сон қарорига мувофиқ, қўшилган қиймат солиғи тўловчиси ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқи пайдо бўлиши учун белгиланган тартибда солиқ органларида махсус рўйхатдан ўтиши шартлиги;

қўшилган қиймат солиғи тўловчилари махсус рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза солиқ органларига белгиланган тартибда ва муддатларда тақдим этилганда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 219-моддасида белгиланган жавобгарлик чоралари қўлланмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг қуйидагилар:

хавфга асосланган ёндашувни қўллаш амалиётини қўшилган қиймат солиғи тўловчиларни солиқ органларида махсус рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларига татбиқ этиш билан кенгайтириш;

интизомли солиқ тўловчиларга ўрни қопланиши лозим бўлган қўшил-

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 22 сентябрда эълон қилинган.

ган қиймат солиғи суммасини қайтаришни тезлаштирилган тартибда амалга ошириш;

интизомли солиқ тўловчиларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан таҳлика-таҳлил дастури асосида шакллантириш ҳамда ўзининг расмий веб-сайтида эълон қилиб бориш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) қўшилган қиймат солиғи тўловчиларни солиқ органларида махсус рўйхатдан ўтказишда:

қўшилган қиймат солиғи бўйича махсус рўйхатдан ўтиш тўғрисида аризалар етти кун ичида кўриб чиқилиши;

солиқ органлари томонидан аризани кўриб чиқиш натижалари белгиланган муддатда қўшилган қиймат солиғи тўловчига тақдим этилмаганда, унга махсус рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома автоматик равишда берилиши назарда тутилади;

б) 2022 йил 1 январдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи тўловчилар ва устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ миқдорда бўлган юридик шахслар учун қуйидагилар мажбурий ҳисобланади:

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан асосий воситалар, номоддий активлар ва товар-моддий ресурсларни ҳисобга олиш (сотиб олиш (қуриш), ишга тушириш, қайта баҳолаш, тасарруф этиш) ҳамда ўз устав фондини (устав капиталини) шакллантириш ва камайтириш билан боғлиқ барча операцияларни давлат солиқ органларининг «E-aktiv» автоматлаштирилган ахборот тизимида акс эттириш;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хўжалик фаолияти давомида товар-моддий захиралар сақлаш муддати тугагач яроқсизлиги, жисмонан ва маънан эскирганлиги натижасида йўқ қилинганда ва камомад, йўқотиш ёки шикастланиш (синиш, бўлиниш) сабабли ҳисобдан чиқарилганда уч иш кунидан кечиктирмасдан «E-aktiv» автоматлаштирилган ахборот тизимида акс эттириш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси 2023 йил 1 январга қадар мазкур тартиблар барча хўжалик юритувчи субъектлар учун мажбурийлигини белгилаш бўйича асослантирилган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

в) 2022 йил 1 январдан бошлаб:

юридик шахслар томонидан кўчмас мулкни ижарага бериш (олиш) ёки текин фойдаланиш шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйилади. Бунда жисмоний ва юридик шахслар томонидан кўчмас мулкни ижарага бериш ёки текин фойдаланиш шартномаларини давлат солиқ хизмати органларининг электрон тизимларида ҳисобга қўйиш масофадан туриб фақат электрон шаклда амалга оширилади;

давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйилмаган шартномалар асосида ижарага олинган ёки текин фойдаланилаётган кўчмас мулк объектларида сақланаётган товар-моддий захиралар қолдиқлари санокдан (инвен-

таризациядан) ўтказилмайди ва солиқ солиш мақсадларида солиқ тўловчининг оморидида мавжуд эмас деб баҳоланади.

#### 4. Белгилансинки:

Давлат хизматлари марказлари юридик шахсларни давлат кадастр маълумотлари базасидан — ариза берувчига кўчмас мулк тегишлилиги, шунингдек, солиқ органлари маълумотлар базасидан — ижара шартномаси ёки текин фойдаланиш шартномаси мавжуд бўлган ҳолдагина рўйхатдан ўтказиш ёхуд қайта рўйхатдан ўтказишга йўл қўйилади ҳамда ушбу маълумотлар базаларидан қатъий фойдаланиш таъминланади;

ариза берувчи Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш ёки қайта ўтказишда, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган жойини ушбу банднинг иккинчи хатбошисида назарда тутилган солиқ ва кадастр маълумотлар базаларидан қатъий фойдаланади;

янги рўйхатдан ўтаётган юридик шахслар давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйилган кўчмас мулк ижараси ёки текин фойдаланиш бўйича дастлабки шартнома маълумотлари асосида рўйхатдан ўтказилади. Бунда юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб ўн кун муддатда аризада кўрсатилган ёхуд бошқа кўчмас мулк ижараси ёки текин фойдаланиш шартномасини давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйишлари шарт бўлиб, мазкур шартни бажармаслик юридик шахс ўзи кўрсатган жойлашган ерида (почта манзилида) йўқ деб эътироф этиш учун асос бўлади.

#### 5. Қўйидагилар:

а) қўйидагиларни назарда тутувчи Қўшилган қиймат солиғи тўловчиларини солиқ органларида махсус рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ:

қўшилган қиймат солиғи тўловчиларини махсус рўйхатдан ўтказиш бўйича ҳаракатлар кетма-кетлиги ва тартиби;

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси талабларига асосан мажбурий тартибда махсус рўйхатдан ўтказиладиган қўшилган қиймат солиғи тўловчилари рўйхати, шу жумладан, қўшилган қиймат солиғи тўловчиларини махсус рўйхатдан ўтказиш учун аризани солиқ органига юбориш муддатлари;

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси талабларига асосан ихтиёрий тартибда махсус рўйхатдан ўтказиладиган қўшилган қиймат солиғи тўловчилари рўйхати, шу жумладан, қўшилган қиймат солиғи тўловчиларини махсус рўйхатдан ўтказиш учун аризани солиқ органига юбориш муддатлари;

қўшилган қиймат солиғи тўловчиларини махсус рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари, шунингдек, ахборот таҳлили натижаларига кўра солиқ тўловчиларнинг хавф гуруҳларига (солиқ хавфининг юқори, ўрта ҳамда паст даражаси) киритиш тартиби;

қўшилган қиймат солиғи тўловчисини солиқ хавфи гуруҳларидан бирига киритилганлиги асосида махсус рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилишнинг тартиби ва муддатлари;

солиқ тўловчига солиқ органи томонидан бериладиган қўшилган қий-

мат солиғи бўйича махсус рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи гувоҳнома амал қилишини тўхтатиб туриш, бекор қилиш, амал қилишини тугатиш асослари ва тартиби;

б) инсон омили иштирокини минималлаштириш билан интизомли солиқ тўловчиларга қулай шароитлар яратиш ва улар фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган Қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси:

а) бир ой муддатда:

Давлат солиқ қўмитасининг бошқарув ходимлари штатининг умумий чекланган сони доирасида қўшилган қиймат солиғи тўловчилар махсус рўйхатдан ўтказилишида солиқ хавфини таҳлил қилувчи ҳамда солиқ имтиёзлари ҳисобини юритувчи алоҳида махсус таркибий бўлинмалар ташкил этсин;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан кўчмас мулкни ижарага бериш (олиш) ва текин фойдаланиш шартномаларини солиқ органларида мажбурий ҳисобга қўйиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг регламентини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) икки ой муддатда асосий воситалар, номоддий активлар ва товар-моддий ресурслар ҳаракатини ҳисобга олишни таъминлайдиган «E-aktiv» автоматлаштирилган ахборот тизимини ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий этсин;

в) уч ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда айланмадан олинадиган солиқ ҳамда қўшилган қиймат солиғи ҳисоботлари тақдим этилишини ва солиқларни тўлаш муддатлари унификация қилинишини назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда юридик шахслар муассислари (иштирокчилари) тўғрисидаги маълумотларни тўлиқ хатловдан ўтказсин. Бунда юридик шахслар, фаолиятини ваколатхона, филиал ёки доимий муассаса орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахслари ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг марказий маълумотлар базасига шахсий идентификация рақамлари тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ киритилишига алоҳида эътибор қаратилсин;

солиқ органларида қўшилган қиймат солиғи тўловчиларни махсус рўйхатдан ўтказиш инсон омили чекланган (қонунчиликда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно) тўлиқ автоматлаштирилган тизим асосида амалга оширилишини таъминласин;

г) 2021 йил 1 декабрга қадар:

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги 249-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталогига асосан электрон ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштириш

---

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

да етказиб берувчида махсулотларнинг мавжудлигини автоматик равишда аниқлаш хизматини амалиётга жорий этсин. Бунда автоматик равишда етказиб берувчида мавжудлиги аниқланадиган махсулотларнинг рўйхати Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланиши ва етказиб берувчида реализация қилинадиган махсулотлар мавжуд эмаслиги аниқланганда реализация тўғрисида ҳисобварақ-фактуралар расмийлаштирилиши имконияти чекланиши назарда тутилсин;

мавжуд солиқ имтиёзлари бўйича маълумотлар базасини яратиш ва ҳар бир солиқ имтиёзи учун алоҳида солиқ имтиёзи уникал кодини (ID-рақамини) бериш тартибини жорий этиш ҳамда солиқ имтиёзлари кодлари тўғрисидаги ахборотларни солиқ тўловчиларнинг шахсий кабинетига етказиб бериш амалиётини жорий этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги:

рўйхатдан ўтган ва ўтадиган тадбиркорлик субъектларининг таъсис ҳужжатлари ҳамда улардаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар 2022 йил 1 январдан бошлаб электрон шаклда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига реал вақт режимида тақдим этилишини;

2022 йил 1 январгача Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Кадастр агентлиги билан биргаликда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизимининг қўчмас мулк ва ижарага олинган мулк тўғрисидаги маълумотлар базалари билан автоматлаштирилган электрон алмашувини таъминласин.

8. Ушбу қарор билан жорий қилиниши назарда тутилган автоматлаштирилган тизимларнинг ишлаб чиқилиши билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилиши белгилансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

10. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб уч ой ўтгандан кейин кучга киради.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Д. Кудбиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 22 апрель,  
595-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 22 сентябрдаги 595-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Қўшилган қиймат солиғи тўловчиларини солиқ  
органларида қўшилган қиймат солиғи бўйича махсус  
рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом қўшилган қиймат солиғи тўловчиларини солиқ органларида қўшилган қиймат солиғи бўйича махсус рўйхатдан ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**«Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплекси** (кейинги ўринларда — Ягона миллий меҳнат тизими) — рўйхатга олинган меҳнат шартномалари ва ишловчиларнинг меҳнат стажи тўғрисидаги ахборотни йиғиш, сақлаш ва қайта ишлаш амалга ошириладиган ахборот ресурслари, технологиялар ва алоқа воситаларининг ташкилий тартибга солинган йиғиндиси;

**бекор қилинган гувоҳномалар** — ушбу Низомнинг 9-бобида назарда тутилган асосларга кўра ва тартибда бекор қилинган гувоҳномалар;

**гувоҳнома** — қўшилган қиймат солиғи тўловчисига солиқ органи томонидан бериладиган махсус рўйхатдан ўтказилганлиги ва солиқ қонунчилиги ҳужжатларида белгиланган ҳолларда қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш ҳуқуқини тасдиқловчи электрон шаклдаги ҳужжат;

**Марказий маълумотлар базаси** — Вазирлар Маҳкамасининг «Юридик шахслар, фаолиятини ваколатхона, филиал ёки доимий муассаса орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахслари ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 4 сентябрдаги 539-сон қарори талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган юридик шахслар, фаолиятини ваколатхона, филиал ёки доимий муассаса орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахслари ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг (кейинги ўринларда — Давлат солиқ қўмитаси) Марказий маълумотлар базаси;

**қўшилган қиймат солиғи тўловчиси** — қўшилган қиймат солиғи бўйича махсус рўйхатдан ўтган ёки ўтмаганлигидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ қўшилган қиймат солиғини тўлаш мажбурияти юклатилган шахс;

**қўшилган қиймат солиғи бўйича махсус рўйхатдан ўтказиш** — қўшилган қиймат солиғи тўловчиларига солиқ хавфини текшириш ва таҳлил қилиш натижаларига кўра махсус рўйхатдан ўтказилганлиги



тўғрисида гувоҳномани бериш ёки рад этиш бўйича ҳаракатлар кетма-кетлиги;

**тугатилган гувоҳномалар** — ушбу Низомнинг 9-бобида кўрсатилган ҳолатларга асосан амал қилиши тугатилган гувоҳномалар;

**тўхтатилган гувоҳномалар** — ушбу Низомнинг 8-бобида кўрсатилган ҳолатларга асосан амал қилиши тўхтатиб турилган гувоҳномалар;

**фаол гувоҳномалар** — солиқ тўловчилар махсус рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги амал қилаётган гувоҳномалар.

**солиқ қарзи** — ушбу низом талаблари доирасида солиқ тўловчи томонидан икки ойдан ортиқ вақт давомида қўшилган қиймат солиғи бўйича тўланмаган солиқ қарзи.

3. Қўшилган қиймат солиғи бўйича махсус рўйхатдан ўтказиш (кейинги ўринларда — махсус рўйхатдан ўтказиш) давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади. Махсус рўйхатдан ўтиш учун қўшилган қиймат солиғи тўловчилари давлат солиқ хизмати органларига қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда ариза билан мурожаат этиши шарт.

4. Қўшилган қиймат солиғи фақатгина белгиланган тартибда солиқ органларида махсус рўйхатдан ўтган ва фаол гувоҳномага эга бўлган етказиб берувчилар томонидан тақдим этилган ҳисобварақ-фактуралар асосида ҳақиқатда олинган товар (хизмат)лар бўйича ҳисобга олиниши мумкин.

5. Солиқ органларида махсус рўйхатдан ўтмаган қўшилган қиймат солиғи тўловчилари қўшилган қиймат солиғини уни ҳисобга олиш ҳуқуқисиз тўлайди.

Ушбу талаб қуйидаги муддатлардан татбиқ этилади:

давлат рўйхатига олинган пайтдан — ихтиёрий равишда қўшилган қиймат солиғи тўлашни танлаган юридик шахслар;

мажбурият юзага келган ойдан кейинги ойнинг 1-санасидан — солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган жами даромади Солиқ кодексининг 461-моддаси биринчи қисми 1-бандида белгиланган миқдордан ошган шахслар;

мажбурият юзага келган пайтдан — Солиқ кодексининг 461-моддасига мувофиқ айланмадан олинадиган солиқни тўлаш татбиқ этилмайдиган солиқ тўловчилар.

6. Қўшилган қиймат солиғи тўловчиларни махсус рўйхатдан ўтказиш қуйидаги ҳаракатлар кетма-кетлигини ўз ичига олади:

солиқ тўловчи томонидан махсус рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризани солиқ органига тақдим этиш;

солиқ хавфларини аниқлаш;

махсус рўйхатдан ўтказиш ёхуд буни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қўшилган қиймат солиғи тўловчисига индивидуал рўйхат рақами бериш (кейинги ўринларда — ҚҚС-рақам);

қўшилган қиймат солиғи тўловчиси тўғрисидаги маълумотларни махсус рўйхатдан ўтказиш ягона реестрига киритиш;

индивидуал рўйхат рақами акс эттирилган гувоҳномани шакллантириш ва уни қўшилган қиймат солиғи тўловчисига юбориш;

ушбу Низомда белгиланган ҳолларда қўшилган қиймат солиғи тўловчисини қайта махсус рўйхатдан ўтказиш.

7. Қуйидагилар билан боғлиқ барча турдаги ҳужжатларни расмийлаштириш ва фойдаланиш чоғида ҚҚС-рақамини ёзиб кўрсатиш мажбурий ҳисобланади:

товарлар (хизматлар)ни харид қилиш ва реализация қилиш чоғидаги ҳисоб-китоблар, шу жумладан ҳисобварақ-фактуралар ва транспорт ҳужжатлари;

қўшилган қиймат солиғини тўлаш ва (ёки) уни ҳисобга олиш ва қайтариш;

қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоб ва ҳисобот.

8. Солиқ тўловчини махсус рўйхатдан ўтказиш мазкур Низомнинг 1-иловасига\* мувофиқ шаклда тузиладиган ва солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали солиқ органларига тақдим этиладиган электрон кўринишдаги аризасини кўриб чиқиш натижалари асосида амалга оширилади.

### **2-боб. Қўшилган қиймат солиғи тўловчиси мажбурий бўлиши лозим бўлган шахсларни махсус рўйхатдан ўтказиш**

9. Солиқ кодекси талабларига мувофиқ қуйидаги солиқ тўловчилар мажбурий тартибда махсус рўйхатдан ўтказилиши бўйича ариза тақдим этиши керак:

Солиқ кодексининг 461-моддасига мувофиқ айланмадан олинadиган солиқни тўлаш татбиқ этилмайдиган солиқ тўловчилар;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарларни (хизматларни) реализация қилувчи чет эл юридик шахслари, агар товарларни (хизматларни) реализация қилиш жойи деб Ўзбекистон Республикаси эътироф этилса;

фаолиятни Ўзбекистон Республикасида доимий муассасалар орқали амалга оширувчи чет эл юридик шахслари.

10. Махсус рўйхатдан ўтказиш учун ариза, қўшилган қиймат солиғи тўлаш мажбурияти юзага келган кундан бошлаб беш иш куни ичида, бироқ шахс қўшилган қиймат солиғи тўлашга ўтиши мажбур бўлган ойнинг биринчи санасидан кечиктирмасдан солиқ органига юборилиши керак.

Ариза солиқ органига электрон шаклда солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали юборилади ва жўнатилган пайтда солиқ органи томонидан қабул қилинган ҳисобланади.

### **3-боб. Солиқ тўловчиларни ихтиёрий махсус рўйхатдан ўтказиш**

11. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси талабларига мувофиқ қуйидагилар ихтиёрий равишда махсус рўйхатдан ўтишга ҳақли:

---

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

айланмадан олинадиган солиқ тўлашни ихтиёрий равишда рад этган юридик шахслар;

солиқ даврида товарлар (хизматлар)ни реализация қилишдан олинган даромади юз миллион сўмдан ошган якка тартибдаги тадбиркорлар.

12. Ихтиёрий равишда махсус рўйхатдан ўтказиладиган ҳолларда ариза солиқ тўловчи қўшилган қиймат солиғи тўлашга ўтадиган ой бошланишига қадар етти иш кунидан кечиктирмасдан тақдим этилиши керак.

Ариза солиқ органига электрон шаклда солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали юборилади ва жўнатилган пайтда солиқ органи томонидан қабул қилинган ҳисобланади.

#### **4-боб. Махсус рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш**

13. Солиқ органи қўшилган қиймат солиғи тўловчининг махсус рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризаси келиб тушган пайтдан эътиборан етти кун ичида солиқ хавфи даражасини аниқлаш мақсадида қўйидаги тадбирларни амалга оширишга ҳақли:

солиқ тўловчининг раҳбари ва таъсисчилари (иштирокчилари) ёки молиявий бошқарув вазифаларини амалга ошираётган шахснинг шахсини ўрганади, бунда қўйидагиларга эътибор берилади: муқаддам банкрот деб эълон қилинган ташкилотда раҳбар ёки таъсисчи бўлганлиги; муқаддам солиқ тўлашдан қасдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка тортилганлиги ёки юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига мансуб бўлган ташкилотда раҳбарлик ёки таъсисчилик (иштирокчилик) амалга оширилганлиги; раҳбарнинг расмий оладиган даромадлари; аризада кўрсатилган шахслар билан тузилган меҳнат шартномалари Ягона миллий меҳнат тизи-мида мавжудлиги; таъсисчи (иштирокчи) тўғрисида маълумотлар солиқ органининг маълумотлар базасида мавжудлиги;

жойига чиққан ҳолда солиқ тўловчи давлат рўйхатидан ўтказилган манзилда ҳақиқатда жойлашганлигини, шунингдек, кўрсатилган манзилнинг манзил-маълумот бюроси маълумотлари бўйича ҳақиқатда мавжудлигини ўрганади;

банк операцияларини ва ҳисобварақ-фактураларни солиқ тўловчининг фаолият турига ҳамда хусусиятларига, шунингдек, харид қилинаётган ва реализация қилинаётган товарлар (хизматлар) номенклатурасига мослигини ўрганади;

товарлар (хизматлар) реализация суммаларини, солиқ ҳисоботлари тақдим этилганлигини ва товар-моддий бойликлар қолдигини таҳлил қилади;

ўз кўчмас мулки мавжуд бўлмаганда, ижара шартномаси мавжудлигини ҳамда ушбу шартнома солиқ органида ҳисобга қўйилганлигини текширади;

солиқ тўловчи — юридик шахсда, шунингдек, унинг таъсисчилари (иштирокчилари) — юридик шахсларда солиқ қарзи мавжудлигини ҳамда амалда раҳбар бўлиб турган шахс томонидан раҳбарлик қилаётган бошқа юридик

шахсда солиқ қарзи мавжудлиги ва солиқ ҳисоботлари тақдим этилганлигини текширади;

зарур ишлаб чиқариш, савдо, омбор бинолари ва ҳудудлари, шунингдек, солиқ тўловчининг фаолият туридан келиб чиққан ҳолда бошқа зарур моддий-техника базаси мавжудлиги ахволини ўрганади;

солиқ тўловчининг жойлашган жойи манзилини, яъни солиқ хавфи даражаси юқори бўлган бир нечта солиқ тўловчилар кўрсатган манзилда — номинал манзилда жойлашишини ўрганади. Бунда мулк ҳуқуқи ёки ижара ёхуд текин фойдаланиш асосида битта юридик шахсга ўртача ўн саккиз квадрат метрдан кам маъмурий мақсадларда фойдаланаётган майдон (офис) тўғри келса номинал манзил деб эътироф этилади;

солиқ тўловчининг тугатиш жараёнида ёки солиқ тўловчини қайта ташкил этишнинг бошқа жараёнларида турганлиги ёхуд амалга оширилганлиги масалаларини текширади;

устав фонди (устав капитали)нинг шакллантирилишини ўрганади.

14. Солиқ тўловчининг аризасини кўриб чиқиш давомида Марказий маълумотлар базаси, солиқ органлари, вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг бошқа маълумотлар базаси ҳамда солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилган маълумотлар таҳлил қилинадиган маълумотлар манбалари ҳисобланади.

15. Маълумотларни текшириш ва таҳлил қилиш натижаларига кўра солиқ тўловчи қўйидаги хавф гуруҳларидан бирига киритилади:

солиқ хавфининг юқори даражасига эга солиқ тўловчи;

солиқ хавфининг ўрта даражасига эга солиқ тўловчи;

солиқ хавфининг паст даражасига эга солиқ тўловчи.

16. Мазкур Низом мақсадларида, солиқ хавфининг юқори даражасига эга солиқ тўловчилар гуруҳига, уларда қўйидаги белгиларнинг лоақал биттаси аниқланган солиқ тўловчилар киради:

раҳбарнинг, шунингдек раҳбарлик ёки молиявий бошқарув вазифаларини амалга ошираётган шахснинг шахси аниқланмаган, ёхуд аризада кўрсатилган шахслар билан тузилган меҳнат шартномалари Ягона миллий меҳнат тизимида тасдиқланмаганда;

таъсисчи (иштирокчиси) тўғрисида маълумотлар солиқ органининг маълумотлар базасида мавжуд бўлмаганда;

солиқ тўловчи давлат рўйхатидан ўтказилган манзилда мавжуд бўлмаганда;

ўз кўчмас мулкига эга бўлмай туриб ижарага олинган ёки текин фойдаланилаётган кўчмас мулки бўлмаганда;

солиқ тўловчининг манзили манзил-маълумот бюроси маълумотлари базасида мавжуд бўлмаганда;

солиқ тўловчининг манзили номинал жойлашган жой манзили билан тўғри келганда;

амалга оширилаётган битимлар (операциялар) солиқ тўловчининг фаолият тури ва хусусиятларига, шунингдек, ҳисобварақ-фактуралар таҳлили бўйича олинган маълумотлар асосида харид қилинаётган ва реализа-

ция қилинаётган товарлар (хизматлар) номенклатурасига номувофик бўлганда;

солиқ ҳисоботлари тақдим этилмаганда;

ариза тақдим этилган пайтда солиқ тўловчининг солиқ қарзи мавжуд бўлганда, шунингдек, таъсисчиларининг (иштирокчилари) улуши 50 фоиз ва ундан кўп бўлган — юридик шахсларнинг солиқ қарзи мавжуд бўлганда. Бунда, истисно тариқасида, ушбу шахсларга табиий офат, технологик фалокат ёки бошқа бартараф этиб бўлмайдиган ҳолатлар натижасида зарар етказилганлиги, шунингдек, уларни бюджетдан (давлат мақсадли жамғармаларидан) молиялаштириш кечиктирилганлиги ёхуд бажарилган давлат буюртмаси, давлат эҳтиёжлари ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эҳтиёжлари учун бажарилган ишлар ва (ёки) кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлаш кечиктирилганлиги тўғрисида Давлат солиқ қўмитасининг хулосаси мавжуд бўлган ҳолатлар бундан мустасно;

солиқ тўловчига солиқ қарзи мавжуд ёки солиқ хавфи юқори солиқ тўловчи қўшилганда (бирлашганда);

муружаат этувчи солиқ тўловчининг раҳбари бир вақтнинг ўзида бошқа солиқ тўловчида (юридик шахсда) раҳбар бўлиб, ушбу солиқ тўловчида солиқ қарзи мавжуд бўлганда ёхуд солиқ ҳисоботлари тақдим этилмаганда. Бунда, мавжуд солиқ қарздорлиги ушбу шахслар раҳбарлик қилиб турган даврда ҳосил бўлмаган бўлса ҳам ёки солиқ ҳисоботлари ўша даврдан буён топширилмасдан келинаётган бўлса ҳам инобатга олинади;

муқаддам банкрот деб эълон қилинган ташкилотда раҳбар ёки таъсисчи (иштирокчи) бўлган ва муқаддам солиқ тўлашдан қасддан бўйин товлаганлик учун раҳбар ёки таъсисчи (иштирокчи) сифатида жавобгарликка тортилган шахс томонидан раҳбарлик ёки таъсисчилик (иштирокчилик) амалга оширилганда. Бунда, мазкур талаб таъсисчи (иштирокчи)нинг улуши 50 ва ундан ортиқ фоиз бўлган ҳоллардагина инобатга олинади;

юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига мансуб бўлган ва солиқ тўлашдан қасддан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка тортилган раҳбар ёки таъсисчи (иштирокчи) шахс томонидан раҳбарлик ёки таъсисчилик (иштирокчилик) амалга оширилганда. Бунда, мазкур талаб таъсисчи (иштирокчи)нинг улуши 50 ва ундан ортиқ фоиз бўлган ҳоллардагина инобатга олинади.

17. Мазкур Низом мақсадларида, солиқ хавфининг ўрта даражасига эга солиқ тўловчилар гуруҳига, уларда қуйидаги белгиларнинг лоақал биттаси аниқланган солиқ тўловчилар қиради:

охирги ўн икки ой ичида солиқ ҳисоботларини ўз вақтида тақдим этмаслик ҳолатлари мавжуд бўлганда;

ходимлари ёки ёлланма ишчилари сони 4 кишидан кам бўлганда;

солиқ тўловчининг фаолият турига боғлиқ ҳолда зарур ишлаб чиқариш, савдо, омбор бинолари ва ҳудудлари, шунингдек, бошқа зарур моддий-техника базаси билан таъминланмаганда;

аризани тақдим этиш вақтида Солиқ кодексининг 461-моддаси бирин-

чи қисми 1-бандида белгиланган миқдордан ошган миқдорда товар-моддий бойликлар қолдиғига эга бўлганда.

18. Мазкур Низом мақсадларида, солиқ хавфининг юқори ва ўрта даражасига эга солиқ тўловчилар гуруҳига киритиладиган белгилар аниқланмаган солиқ тўловчилар солиқ хавфининг паст даражасига эга солиқ тўловчилар гуруҳига киради.

19. Ариза берувчининг солиқ хавфи гуруҳларидан бирига киритилганлиги тўғрисида хабарнома таҳлил яқунланган кундан бошлаб бир иш кунидан кечиктирмай солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юборилади.

### **5-боб. Махсус рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш**

20. Солиқ тўловчини солиқ хавфи гуруҳларидан бирига киритилганлиги асосида солиқ органи аризани кўриб чиқиш ва улардаги маълумотларни текшириш ва таҳлил қилиш яқунлангандан сўнг икки иш кун ичида қўйидагиларни назарда тутувчи қарор қабул қилади:

солиқ хавфи юқори бўлган солиқ тўловчилар бўйича — махсус рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисида;

солиқ хавфи ўрта бўлган солиқ тўловчилар бўйича — кейинги келадиган ўн икки ой ичида солиқ назоратининг текширув тадбирларини ўтказиш шарт билан махсус рўйхатдан ўтказиш тўғрисида;

солиқ хавфи паст бўлган солиқ тўловчилар бўйича — махсус рўйхатдан ўтказиш тўғрисида.

21. Қўшилган қиймат солиғи тўловчиларини солиқ органларида махсус рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан қабул қилинади.

Қўшилган қиймат солиғи тўловчиларини солиқ органларида махсус рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ариза ушбу Низомнинг 12-бандида белгиланган муддатларда тақдим этилганда, шунингдек, товарлар (хизматлар)ни реализация қилиш суммалари Солиқ кодексининг 461-моддаси биринчи қисми 1-бандида белгиланган миқдордан ошган ҳолда, солиқ тўловчи ариза тақдим этилган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан махсус рўйхатдан ўтказилган деб ҳисобланади.

Бунда, қўшилган қиймат солиғи тўловчиларини солиқ органларида махсус рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ариза ушбу Низомнинг 10-бандида белгиланган муддатларда тақдим этилганда, Солиқ кодексининг 461-моддасига мувофиқ айланмадан олинadиган солиқни тўлаш татбиқ этилмайдиган солиқ тўловчилар қўшилган қиймат солиғини тўлаш мажбурияти юзага келган кундан махсус рўйхатдан ўтказилган деб ҳисобланади.

22. Солиқ хавфи ўрта бўлган солиқ тўловчига нисбатан солиқ органи махсус рўйхатдан ўтказгандан сўнг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ назорати тадбирларини (кўздан кечириш, сўров, камерал ва сайёр солиқ текширувлари, ходимларнинг ҳисоботдаги ва ҳақиқий сонига мувофиқлигини назорат қилиш) амалга оширади.

23. Махсус рўйхатдан ўтказиш ёки уни рад этиш тўғрисида асослан-тирилган қарорнинг бир нусхаси у қабул қилинган кундан бошлаб бир иш куни ичида солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юборилади.

24. Махсус рўйхатдан ўтказиш рад этилган солиқ тўловчи махсус рўйхатдан ўтказишда рад этишга олиб келган ҳолатларни бартараф этгандан сўнг янгидан ариза беришга ёхуд рад этиш тўғрисидаги қарор устидан юқори турувчи солиқ органига ёки судга шикоят қилишга ҳақли.

### **6-боб. Қўшилган қиймат солиғи тўловчиларини қайта махсус рўйхатдан ўтказиш**

25. Юридик шахснинг номи, якка тартибдаги тадбиркорнинг фамилияси, исми ёки отасининг исми ўзгарган тақдирда қўшилган қиймат солиғи тўловчиси қайта махсус рўйхатдан ўтказилади.

Қўшилган қиймат солиғи тўловчисини қайта махсус рўйхатдан ўтказиш, қўшилган қиймат солиғи рақами ўзгаришига олиб келмайди ва солиқ тўловчининг ўзи ҳамда унинг контрагентлари томонидан қўшилган қиймат солиғининг ҳисоблаб чиқарилишига таъсир қилмайди.

26. Қўшилган қиймат солиғи тўловчиларини қайта махсус рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Давлат хизматлари агентлигидан келиб тушган маълумотлар асосида солиқ органлари маълумотлар базасига ўзгартиришлар киритиш йўли билан автоматик режимда амалга оширилади.

### **7-боб. Махсус рўйхатдан чиқариш асослари ва тартиби**

27. Махсус рўйхатдан чиқариш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади: қўшилган қиймат солиғини тўлашга ихтиёрий равишда ўтган солиқ тўловчилар, башарти жорий солиқ даври якунлари бўйича товарлар (хизматлар)ни реализация қилиш суммалари Солиқ кодексининг 461-моддаси биринчи қисми 1-бандида белгиланган миқдордан ошмаган бўлса, айланмадан олинadиган солиқни тўлашга камида ўн икки ойдан кейин қайта ўтишга ҳақли;

қўшилган қиймат солиғи тўловчиси — юридик шахс тугатилганда;

қўшилган қиймат солиғи тўловчиси ҳисобланган якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти тугатилганда.

28. Махсус рўйхатдан чиқариш солиқ органининг қуйидагилар асосида қабул қилинган қарорига мувофиқ амалга оширилади:

солиқ органига мазкур Низомга 2-иловага\* мувофиқ шакл бўйича тақдим этилган солиқ тўловчининг ихтиёрий махсус рўйхатдан чиқариш тўғрисидаги аризаси;

тадбиркорлик субъекти тугатилганлиги муносабати билан унинг Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестридан чиқарилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

---

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятининг тугатилганлиги тўғрисидаги хужжатлар.

29. Солиқ тўловчи қуйида кўрсатилган кундан эътиборан қўшилган қиймат солиғи тўловчиси ҳисобланмайди:

календарь йил бошидан бошлаб, юридик шахс айланмадан олинадиган солиқни тўлашга ўтадиган календарь йил бошланишидан ўн иш кунидан кечиктирмай солиқ органига тақдим этилган хабарнома асосида;

тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестридан чиқарилган кундан бошлаб;

якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти тугатилган кундан бошлаб.

30. Қўшилган қиймат солиғи бўйича махсус рўйхатдан чиқариш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан қабул қилинади ҳамда қўшилган қиймат солиғи тўловчилари реестрида Гувоҳнома мақоми тугатилган ҳолатга ўтказилади.

### **8-боб. Гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш асослари ва тартиби**

31. Гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органи томонидан қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин:

солиқ қарзи мавжуд бўлганда, мазкур солиқ қарзи солиқ тўловчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра тўланмаганлиги тўғрисида Давлат солиқ қўмитасининг хулосаси мавжуд бўлган ҳолатлар бундан мустасно. Бунда банкротлик иши ёки суд санация ишлари доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар бўйича солиқ тўғрисидаги қонунчилик хужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш қоидалари сақланиб қолинади;

уч ойдан ортиқ вақт давомида молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаганда, мавсумий фаолият хусусиятига эга бўлган шахслар бундан мустасно;

мазкур Низомнинг 16-бандида кўрсатилган белгилар аниқланганда (гувоҳномани бекор қилиш учун асос бўладиган ҳолатлар бундан мустасно).

32. Гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш автоматик тарзда кунлик асосда амалга оширилади ва солиқ тўловчининг шахсий кабинетига ушбу тўғрисида автоматик хабарнома юборилиши таъминланади. Бунда солиқ органларининг маълумотлар базасида мавжуд бўлган маълумотлар кунлик асосда автоматик таҳлил қилинади ва ушбу бобда кўрсатилган ҳолатлар аниқланганда, гувоҳноманинг амал қилиши автоматик тўхтатиб турилади.

33. Гувоҳномасининг амал қилиши тўхтатиб турилган солиқ тўловчилар тўғрисидаги маълумотлар Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

34. Гувоҳномасининг амал қилиши тўхтатиб турилган солиқ тўловчи ушбу қарор (хабарнома) устидан Солиқ кодексининг 231-моддасида белгиланган тартибда юқори турувчи солиқ органига ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.



Гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар бартараф этилгандан ва ушбу ўзгаришлар маълумотлар базасида акс эттирилгандан сўнг солиқ органи томонидан бир кун ичида гувоҳномани амал қилинишини тиклаш автоматик тарзда таъминланади.

Солиқ органи томонидан гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилингунга қадар ҳақиқатда олинган ёки олиб кирилган (импорт қилинган) товарлар (хизматлар) бўйича ҳисобга олинган қўшилган қиймат солиғи суммаларига тузатиш киритилмайди.

### **9-боб. Гувоҳномани бекор қилиш, амал қилишини тугатиш асослари ва тартиби**

35. Суд томонидан белгиланган қўйидаги ҳолатлар бўйича солиқ органи томонидан гувоҳномани бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин:

солиқ тўловчи томонидан ҳақиқий бўлмаган, сохта ҳужжатлар тақдим этиш асосида гувоҳнома расмийлаштирилганлиги;

солиқ текширувида банк операцияларини хўжалик юритувчи субъектининг фаолият турига ва хусусиятларига, шунингдек, харид қилинаётган ва реализация қилинаётган товарлар (хизматлар) номенклатурасига аниқ мувофиқ эмаслиги;

солиқ текширувида солиқ тўловчи томонидан битим тузишдан қўзланган асосий мақсад қўшилган қиймат солиғини тўламаслик ёхуд бошқа шахсга қўшилган қиймат солиғи суммасини асоссиз ҳисобга олиш имкониятини бериш, шунингдек, битим (операция) бўйича мажбурият шартноманинг тарафи бўлмаган шахс ёки битимни (операцияни) бажариш мажбурияти шартнома ёки қонун бўйича юклатилмаган шахс томонидан бажарилганлиги;

солиқ тўловчи сохта тадбиркорлик билан шуғулланган деб топилганда.

36. Гувоҳномани бекор қилиш тўғрисида қарор солиқ органи раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан қабул қилинади. Бунда гувоҳнома у берилган санадан бошлаб бекор қилинади.

37. Гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарор солиқ органи томонидан қўйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин:

амал қилиши тўхтатиб турилган гувоҳнома солиқ тўловчи томонидан тўққиз ойдан ортиқ вақт давомида қайта тикланмаганда;

ушбу Низомнинг 7-бобида назарда тутилган тартибда қўшилган қиймат солиғи бўйича махсус рўйхатдан чиқарилганда.

38. Гувоҳномаси бекор қилинган ёки тугатилган шахслар тўғрисидаги маълумотлар Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

39. Гувоҳномаси бекор қилинган ёки тугатилган солиқ тўловчи ушбу қарор устидан юқори турувчи солиқ органига ёки судга шикоят қилишга ҳақли.

**10-боб. Гувоҳномани шакллантириш тартиби**

40. Давлат солиқ қўмитаси махсус рўйхатдан ўтказишда ушбу Низомга 3-иловага\* мувофиқ шакл бўйича гувоҳнома шакллантиради.

41. Гувоҳнома солиқ тўловчини махсус рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб бир иш кунидан кечиктирмасдан электрон кўринишда шакллантирилади.

42. Электрон кўринишдаги гувоҳнома махсус рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кунда солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юборилади.

Қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ушбу Низомнинг 6-бобида назарда тутилган тартибда қайта махсус рўйхатдан ўтказилганда, қайта махсус рўйхатдан ўтказиш амалга оширилган кунда электрон кўринишдаги Гувоҳнома солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юборилади.

43. Махсус рўйхатдан ўтказиш, гувоҳнома бериш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ҳамда бекор қилиш мазкур Низомга 4-иловага\* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

**11-боб. Қўшилган қиймат солиғи тўловчилари реестри**

44. Махсус рўйхатдан ўтган қўшилган қиймат солиғи тўловчиларининг ягона ҳисоби юритилишини таъминлаш мақсадида автоматлаштирилган реестри (кейинги ўринларда — Реестр) шакллантирилади.

45. Реестрга қўйидаги маълумотлар киритилади:

идентификациялашга оид: қўшилган қиймат солиғи рақами; юридик шахслар учун — номи; якка тартибдаги тадбиркорлар учун — фамилияси, исми, отасининг исми;

махсус рўйхатдан ўтказишга оид: қўшилган қиймат солиғи тўловчиларини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва рўйхатдан ўтказишни бекор қилиш тўғрисидаги маълумотлар;

маълумот берувчи: махсус рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризада кўрсатиладиган маълумотлар — қўшилган қиймат солиғи тўловчиси жойлашган жойи (почта манзили), қўшилган қиймат солиғи тўловчиси — юридик шахс раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми тўғрисидаги маълумотлар.

гувоҳноманинг мақоми: фаол, тўхтатиб турилган, амал қилиши тугатилган ёки бекор қилинган.

46. Реестрни шакллантириш ва юритиш Давлат солиқ қўмитаси томонидан қўйидагича амалга оширилади:

Реестрни юритишга оид ташкилий ва методологик тамойилларни ишлаб чиқади;

махсус рўйхатдан ўтказишни ташкил қилади;

солиқ тўловчиларга ҚҚС-рақам бириктирилади;

---

\* 3-4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Реестрни юритиш технологиялари ва дастурий-техник воситаларини ишлаб чиқади;

Реестр маълумотлар базасининг администратори вазифаларини бажаради, хусусан, маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш, маълумотларнинг ишончлилиги ва долзарблиги устидан назорат, уларни сақлаш, ҳимоя қилиш, фойдаланиш ҳуқуқи устидан назорат;

Реестр базаси автоматлаштирилган тарзда юритилишини таъминлайди; берилган гувоҳномаларни фаол, тўхтатилган, бекор қилинган ва амал қилиши тугатилган таснифларга ажратади;

Реестр маълумотларини яратиш, юритиш ва улардан фойдаланишга доир норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади;

Реестр маълумотларидан эркин фойдаланишни таъминлайди.

Реестрда гувоҳномаларнинг таснифи тўғрисида маълумотлар солиқ органларининг базасидаги ўзгаришлар асосида кунлик янгиланиб борилиши таъминланади.

## 12-боб. Яқунловчи қоидалар

47. Солиқ органларида, шу жумладан Марказий маълумотлар базасида солиқ тўловчилар томонидан махсус рўйхатдан ўтиш учун тақдим этилган маълумотларни текшириш ва таҳлил қилиш учун ахборотлар мавжуд бўлган ҳолларда, уларни текшириш ва таҳлил қилиш солиқ тўловчи билан бевосита алоқа қилмасдан автоматик режимда амалга оширилади.

Солиқ органларига тақдим этилган маълумотларни текшириш ва таҳлил қилиш учун зарур ахборотлар мавжуд бўлмаган ҳолларда, солиқ органлари мазкур ахборотларни солиқ тўловчидан талаб қилиб олишга ҳамда мазкур ахборотлар асосида таҳлил ўтказишга ҳақли.

Шунингдек, давлат махсус рўйхатидан ўтган манзил бўйича солиқ тўловчи ҳақиқатда жойлашганлигини текшириш ёки сайёр солиқ текшируви солиқ органлари томонидан солиқ тўловчиларнинг фаолияти амалга ошириладиган жойига чиққан ҳолда ўтказилади.

48. Давлат солиқ қўмитаси томонидан ушбу Низомда гувоҳномани тақдим этиш, амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш ҳамда бекор қилиш бўйича қарор қабул қилиш учун таҳлил қилинадиган солиқ хавф белгиларига (ҳолатларга) ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳамда уларнинг чегаравий миқдори Давлат солиқ қўмитасининг буйруғи асосида белгиланиши мумкин.

49. Реестр ҳамда мазкур Низомнинг 16-банди ўн учинчи ва ўн тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган шахсларнинг рўйхати ва номинал жойлашган жой манзиллари Давлат солиқ қўмитаси томонидан шакллантирилади ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

50. Қўшилган қиймат солиғи тўловчилари махсус рўйхатдан ўтиш тартибини бузганлик учун жавобгар бўлишади.

51. Солиқ органлари қўшилган қиймат солиғи тўловчиларнинг мазкур

Низомга мувофиқ ўз вақтида махсус рўйхатдан ўтиши устидан назоратни амалга оширади.

52. Солиқ органларининг мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тартибда:

мазкур Низомда назарда тутилган назорат тадбирларини ўтказишда ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёхуд лозим даражада бажармаганлиги;

мазкур Низом ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этмаганлиги;

ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида жисмоний ҳамда юридик шахсларга моддий ва маънавий зарар етказилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган қарорларни қабул қилганлиги учун жавобгарликка тортилади.

53. Давлат солиқ қўмитаси доимий асосда солиқ органлари томонидан мазкур Низомда назарда тутилган мажбуриятларнинг сифатли бажарилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни олиб боради.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 22 сентябрдаги 595-сон қарорига  
З-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 71-модда) билан тасдиқланган Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги 46<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«46<sup>1</sup>. Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ мажбурий рақамли маркировкаланиши белгиланган маҳсулотларни идентификация воситалари орқали рақамли маркировкалаш қоида ва тартибларига риоя этмаган ҳолда улгуржи ва чакана савдо фаолиятини амалга ошириш, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик чораларини қўлланган ҳолда, савдо қоидаларини бузиш сифатида қаралади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 15-модда):

а) 1-иловада:

21-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21. Товарлар учун харидорлар билан нақд пулли ҳисоб-китоблар назорат-касса машиналари, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассалар қўлланилган ҳолда амалга оширилади, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик

ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Савдо объекти раҳбари сотувчи-ходимни назорат-касса машиналарида (виртуал кассада) ишлаш қоидалари билан таништириши шарт.

Ташкилий-ҳуқуқий шакли ва фаолият туридан қатъи назар мажбурий рақамли маркировкаланган маҳсулотларнинг чакана савдосини, шунингдек умумий овқатланиш хизматларини амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар штрих-кодлар ва рақамли маркировка кодларини тўғри ўқишни ва аниқлашни таъминловчи махсус қурилмалардан, яъни 2D сканерлар, маълумотларни йиғувчи терминаллар ёки бошқа турдаги махсус қурилмалар билан жиҳозланган онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассаларидан фойдаланиши шарт.

Турғун савдо шохобчаларида ва кўчма савдо объектларида банк карточкаларидан фойдаланган ҳолда тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалининг мавжудлиги таъминланиши керак»;

189-банднинг йигирма биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вазирлар Маҳкамасининг «Айрим турдаги маҳсулотларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизими босқичма-босқич жорий этилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 31 декабрдаги 833-сон қарорида назарда тутилган ҳолда ва тартибларига риоя этмаган ҳолда маҳсулотларни сотиш (идентификация воситаси билан мажбурий рақамли маркировкалаш талаб этиладиган маҳсулотлар учун);»;

б) 2-иловада:

13-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Истеъмомчилар билан нақд пулли ҳисоб-китоблар назорат-касса машиналарини, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассаларни қўллаган ҳолда амалга оширилади, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Умумий овқатланиш объекти раҳбари ходимни назорат-касса машиналарини (виртуал кассаларни) ишла-тиш қоидалари билан таништириши шарт.

Ташкилий-ҳуқуқий шакли ва фаолият туридан қатъи назар мажбурий рақамли маркировкаланган маҳсулотларнинг чакана савдосини, шунингдек умумий овқатланиш хизматларини амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар штрих-кодлар ва рақамли маркировка кодларини тўғри ўқишни ва аниқлашни таъминловчи махсус қурилмалардан, яъни 2D сканерлар, маълумотларни йиғувчи терминаллар ёки бошқа турдаги махсус қурилмалар билан жиҳозланган онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассаларидан фойдаланиши шарт»;

25-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«айрим турдаги маҳсулотларни идентификация воситалари орқали мажбурий рақамли маркировкалаш тартибига ва қоидаларига»;

тўққизинчи — ўн еттинчи хатбошилар тегишлича ўнинчи — ўн саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

26-бандда:

қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«идентификация воситаси билан мажбурий рақамли маркировкаланмаган маҳсулотларни сотиш (идентификация воситаси билан мажбурий рақамли маркировкалаш талаб этиладиган маҳсулотлар учун);»

саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар тегишлича тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ–2646-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 9 февралдаги 66-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2017 й., 2-сон, 5-модда):

а) Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-иловасидаги V блоки\* қуйидаги тахрирда баён этилсин:

б) 3-илованинг 11-банди иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан давлат рўйхатидан ўтказиш ёки қайта рўйхатдан ўтказиш жараёнлари Тизим воситасида юборилган маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан идентификация қилишнинг махсус текширувидан ўтказилганидан сўнг тўлиқ қабул қилинганлиги тўғрисидаги тасдиқнома юборилгач тугалланган ҳисобланади».

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон қарорида:

а) 1-илованинг 45-бандида:

қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Қўмита тизимидаги ташкилотларнинг устав капитали миқдорини аниқлаш ва тасдиқлаш»;

саккизинчи-тўққизинчи хатбошилари тегишлича тўққизинчи-ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 3-илованинг 44-бандида:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Қўмита раиси қарори асосида»;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июндаги 522-сон қарори билан тасдиқланган Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисоб-варақ-фактуралардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 15-бандида:

иккинчи хатбошидаги «хато ва камчиликлар аниқланган тақдирда» сўзлари «ҳолатлар мавжуд бўлганда» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

---

\* V блок «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«солиқ текширувини ўтказаетган солиқ органидан товар-моддий бойликлар инвентаризациядан ўтказилиши муносабати билан маълум бир муддатга расмийлаштириладиган электрон ҳисобварақ-фактураларни қабул қилиш ва етказиш функцияларини вақтинча тўхтатиб туриш зарурияти вужудга келганлиги тўғрисида мурожаат келиб тушган бўлса».

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизими қўлланилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 23 ноябрдаги 943-сон қарори билан тасдиқланган:

а) 1-илованинг 54-банди «таклиф киритади» сўзларидан кейин «ҳамда ваколатли орган уни давлат реестридан чиқариш чораларини кўради» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 3-иловада:

25-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«ТХКМ ва (ёки) унинг филиали томонидан ушбу тартиб талабларининг икки ва ундан ортиқ маротаба бузилганлиги аниқланганда»;

қўйидаги мазмундаги 6<sup>1</sup>-боб билан тўлдирилсин:

#### **«6<sup>1</sup>-боб. ТХКМ ва унинг ҳудудий филиали фаолиятини тўхтатиб туриш**

39<sup>1</sup>. ТХКМ ва (ёки) унинг филиали томонидан ушбу тартиб талабларининг бузилганлиги аниқланган тақдирда, ваколатли орган томонидан ушбу ҳолатларни ўн кун ичида бартараф этиш ҳақида ТХКМга огоҳлантириш хати юборилади.

39<sup>2</sup>. Ушбу тартиб талабларининг бузилиши бўйича аниқланган ҳолатлар ТХКМ ва (ёки) унинг филиали томонидан ваколатли органнинг огоҳлантириш хати юборилган санадан бошлаб ўн кун ичида бартараф этилмаганда уларнинг фаолияти ваколатли орган қарори асосида тўхтатиб турилади.

39<sup>3</sup>. Ушбу тартиб талабларининг бузилиши бўйича аниқланган ҳолатлар ТХКМ ва (ёки) унинг филиали томонидан бартараф этилган ҳамда етказилган зарар тўлиқ қопланганидан сўнг уларнинг фаолияти ваколатли орган қарори асосида қайта тикланади».

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Қўшилган қиймат солиғи ҳамда чет эл юридик шахслари билан боғлиқ солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 14 августдаги 489-сон қарорида:

а) 1-илова қўйидаги мазмундаги 32<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«32<sup>1</sup>. Ушбу Низомнинг 32-бандида кўрсатиб ўтилган солиқ тўловчилар тоифасидан ташқари интизомли солиқ тўловчиларга ҳам солиқ суммаси ўрнини қоплашнинг тезлаштирилган тартиби қўлланилади.

Солиқ тўловчиларни инсофли солиқ тўловчилар тоифасига киритиш мезонлари (талаблари) ва уларнинг рўйхатини шакллантириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади»;

б) 2-илованинг 63-банди қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда ҳақиқатда амалга оширилмаган хўжалик операциялари бўйича расмийлаштирилган ҳисобварақ-фактуралар товарлар жўнатилганлигини ёки хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи ҳужжат сифатида тан олинмайди».

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2020 йил 23 декабрдаги 806-сон қарори 2-банди иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзини ўзи банд қиладиган шахслар учун фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхатига «Номоддий маданий мерос объектларини (дорбоз, аския ва лапар) асраш ва улардан фойдаланиш (маданият марказлари таркибида фаолият юритаётган шахслар бундан мустасно)» ҳамда «Уй шароитида хо-наки товукларни етиштириш ва кўпайтириш» фаолият турлари киритилсин».

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 833-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулотларни идентификация воситалари орқали рақамли маркировкалаш ва уларнинг айланмасини кузатиб бориш қоидаларида:

а) 43-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«43. Рақамли маркировкаланиши (шу жумладан, уларга қўлланиладиган рақамли идентификациялаш воситалари тўғрисида) маълумотларини маркировкалаш ахборот тизимига тақдим этилмаган ёки ушбу Қоидалар билан белгиланган талабларини бузган ҳолда маълумотларни ўтказилган маҳсулотлар, рақамли маркировкаланмаган маҳсулотлар деб ҳисобланади»; қуйидаги мазмундаги 11 ва 12-боблар билан тўлдирилсин:

#### **«11-боб. Қоидаларга риоя этилишини назорат қилиш**

93. Мазкур Қоидаларга риоя этилишини назорат қилиш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ давлат солиқ хизмати органлари ва бошқа назорат қилувчи органлар (муассасалар) томонидан амалга оширилади.

Назорат қилувчи органлар (муассасалар) мазкур Қоидаларга риоя этилишини текшириш учун тегишли эксперт ва мутахассисларни жалб қилиши мумкин. Маҳсулот айланмаси иштирокчилари текширувчи шахсларга текширув ўтказишда ёрдам беришлари, камчилик ва қонунбузарликларни бартараф этиш чораларини кўришлари шарт.

#### **12-боб. Мажбурий рақамли маркировка қоидаларини бузиш турлари**

94. Мазкур Қоидаларнинг бузилиши қонунга мувофиқ жавобгарликка олиб келади.

95. Қуйидагилар қонунчиликда мажбурий рақамли маркировкаланиши белгиланган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар томонидан идентификация воситалари орқали рақамли маркировкалаш қоидаларининг бузилиши деб ҳисобланади:

рақамли идентификация воситаларисиз маҳсулотларни ишлаб чиқариш, олиб кириш (импорт қилиш), сақлаш, ташиш ёки реализация қилиш;



сохталаштирилган (контрафакт) ёки илгари ишлатилган маркировка кодлари ёрдамида, шунингдек маркировка кодларининг қўлланилиши (ишлатилиши) ҳақида маълумотни Операторга юбормаган ҳолда ёхуд нотўғри (ёлғон ёки ҳақиқатга мос келмайдиган) маълумотларни юборган ҳолда рақамли маркировкаланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки олиб кириш (импорт қилиш);

рақамли маркировкаланган маҳсулотларни агрегациялаш талабларини бузиш;

нуқсонли (брак бўлган) рақамли маркировкаланган маҳсулотларни ҳисобдан чиқариш ёки сотиш билан боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра муомаладан чиқариш ёхуд маркировкаланган маҳсулотларни қайта маркировкалаш талабларини бузиш;

реализация қилинган (сотилган) маҳсулотларнинг ҳар бир бирлиги учун маркировка кодлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган фискал ҳужжатни ва (ёки) электрон ҳисобварақ-фактурани расмийлаштирмасдан рақамли маркировкаланган маҳсулотларни реализация қилиш (сотиш).

96. Қўйидагилар савдо қоидаларининг бузилиши деб ҳисобланади:

а) улгуржи сотувчилар томонидан:

рақамли маркировкаланмаган маҳсулотларни сотиб олиш, ташиш, сақлаш ёки реализация қилиш (сотиш);

маркировка кодлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган электрон ҳисобварақ-фактураларни қабул қилмасдан рақамли маркировкаланган маҳсулотларни сотиб олиш, шунингдек реализация қилинган (сотилган) маҳсулотларнинг ҳар бир бирлиги учун маркировка кодлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган фискал ҳужжатни ёхуд электрон ҳисобварақ-фактурани расмийлаштирмасдан рақамли маркировкаланган маҳсулотларни реализация қилиш (сотиш);

нуқсонли (брак бўлган) рақамли маркировкаланган маҳсулотларни ҳисобдан чиқариш ёки сотиш билан боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра муомаладан чиқариш талабларини бузиш;

б) чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасидаги корхоналари томонидан:

рақамли маркировкаланмаган маҳсулотларни сотиб олиш;

маркировка кодлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган электрон ҳисобварақ-фактураларни қабул қилмасдан рақамли маркировкаланган маҳсулотларни сотиб олиш, шунингдек маркировка кодини муомаладан олиб ташлаш учун электрон фискал ҳужжатга ҳар бир сотилган товар бирлигининг маркировка кодлари тўғрисидаги маълумотларни киритмасдан, маҳсулотни якуний истеъмолчига реализация қилиш (сотиш);

нуқсонли (брак бўлган) рақамли маркировкаланган маҳсулотларни ҳисобдан чиқариш ёки сотиш билан боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра муомаладан чиқариш талабларини бузиш;

рақамли маркировкаланмаган маҳсулотларни сақлаш, ишлатиш ва (ёки) маҳсулот муомаласининг бошқа субъектига ёхуд охириги истеъмолчига реализация қилиш (сотиш).».

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган Солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 57-бандда:

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«қўшилган қиймат солиғи тўловчиларини солиқ органларида қўшилган қиймат солиғи бўйича махсус рўйхатдан ўтказиш жараёнида қўшимча солиқ назорати тадбирларини ўтказиш зарур бўлганда»;

олтинчи ва еттинчи хатбошилар тегишли равишда еттинчи ва саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 83-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Банк карталари орқали назорат харидини амалга оширишда жисмоний шахснинг банк картасидан ҳамда Давлат солиқ қўмитаси томонидан тижорат банкларида очилган корпоратив банк карталаридан фойдаланилади.

Назорат харидини амалга оширишда банк карталаридан фойдаланиш тартибини Давлат солиқ қўмитаси белгилайди.

Назорат хариди жараёнида банк карталаридан фойдаланилган пул маблағларини қайтариб бериш вазифаси назорат хариди ўтказилган солиқ тўловчи зиммасига юкланади».

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 февралдаги 66-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги тўғрисидаги низомда 12-банди «а» кичик бандида:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«мол-мулкларни кўчмас мулк жумласига (тоифасига) кириши юзасидан хулоса бериш»;

учинчи — бешинчи хатбошилари тегишлича тўртинчи — олтинчи хатбошилари деб ҳисоблансин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталогини жорий этиш, тадбиркорлик субъектлари ўртасида тузилган шартномаларни электрон рўйхатдан ўтказиш ва товар-моддий бойликларни олиш учун ишончномаларни электрон расмийлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 28 апрелдаги 249-сон қарорининг 4-банди бешинчи хатбошисидаги «2021 йил» сўзлари «2022 йил» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги фискал институт ва солиқ техникумлари фаолиятини ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 17 июндаги 377-сон қарорининг 5-банди қуйидаги мазмундаги «в» кичик банди билан тўлдирилсин:

«в) Бунда Институтнинг бакалавриат таълим йўналишларига ўқишнинг иккинчи йилидан бошлаб ўқишга қабул қилиш Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланадиган тартибда амалга оширилади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**560 Давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш тизимини жорий қилиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисида\***

Сўнги пайтларда республикада давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш орқали тадбиркорларга янада қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, давлат функцияларини хусусий секторга бериш имкониятини ўрганишга ҳамда мазкур йўналишда тегишли шарт-шароитларни яратишга қўмаклашувчи тизимнинг мавжуд эмаслиги бозор шароитида рақобатни янада ривожлантириш, тадбиркорликнинг янги йўналишларини ривожлантиришга қўшимча имкониятлар яратиш ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга тўсқинлик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат томонидан тартибга солинадиган соҳаларга хусусий секторни жалб этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 7 декабрдаги ПҚ–4913-сон қарорида белгиланган вазифалар ижросини самарали ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

давлат органларининг хусусий секторга ўтказилиши мумкин бўлган давлат функцияларини танлаб олиш;

хусусий секторга ўтказилиши мумкин бўлган давлат функцияларининг ягона реестрини шакллантириш, юритиш ва янгилаб бориш;

давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш борасида хусусий сектор субъектларининг таклифларини ўрганиш ҳамда бозор тайёрлигини таҳлил қилиш;

давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш тартиб-таомиллари;

хусусий секторга ўтказилган давлат функциялари амалга оширилиши самарадорлиги ва сифатини баҳолаш ҳамда уларни мониторинг қилиш тартиби;

давлат функциялари хусусий секторга ўтказилиши муносабати билан тегишли давлат органларининг штат бирликларини мақбуллаштириш.

2. Белгилансинки, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳар йили:

15 февралга қадар манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан бирга-ликда уларнинг давлат бошқарувидаги самарасиз ҳамда эксклюзив функцияларини тўлиқ хатловдан ўтказди;

20 мартга қадар Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идора-

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 24 сентябрда эълон қилинган.

лар билан биргаликда давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш имкониятини холисона таҳлил қилади;

20 майга қадар Молия вазирлиги, Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда хусусий секторга ўтказиш имконияти мавжуд бўлган давлат функцияларининг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилади ва хусусий секторга ўтказилиши таклиф этилаётган давлат функцияларининг якуний рўйхатини шакллантиради;

1 июлга қадар Савдо-саноат палатаси ҳамда функциялари хусусий секторга ўтказилиши таклиф этилаётган вазирликлар ва идоралар билан биргаликда жамоатчилик муҳокамасини ўтказди, шунингдек, ушбу давлат функцияларига ўхшаш бўлган фаолият тажрибасига эга хусусий сектор субъектларининг дастлабки рўйхатини шакллантиради;

1 августга қадар хусусий сектор субъектларида зарур ресурслар, инфратузилма ва малакали кадрлар мавжудлигини, шунингдек, давлат функциясини амалга ошириш учун қилинадиган харажатлар ва товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати тўғрисидаги таклифларни аниқлаш мақсадида сўровномалар ўтказди, хусусий сектор ва истеъмолчилар учун давлат функцияларини амалга ошириш қийматини белгилаган ҳолда ҳар бир функция бўйича бозор тайёрлиги ҳулосасини тайёрлайди ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритади;

1 октябрга қадар Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъқулланган давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқади ҳамда белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритади.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги:

уч ой муддатда лойиҳа қиймати ва тегишли ишларни молиялаштириш манбаларини акс эттирган ҳолда Давлат функцияларининг ягона реестрини шакллантириш ва юритиб боришга қаратилган электрон майдончани (кейинги ўринларда — Электрон майдонча) яратиш, кейинчалик техник қўллаб-қувватлаш ва такомиллаштириш бўйича лойиҳа-техник ҳужжатларнинг ишлаб чиқилишини ҳамда ваколатли органлардан экспертизадан ўтказилишини;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда лойиҳа-техник ҳужжатлар экспертизадан ўтказилгандан бошлаб икки ой муддатда Электрон майдонча дастурий маҳсулотининг ишлаб чиқилиши ва ишга туширилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

бир ҳафта муддатда Электрон майдонча дастурий маҳсулотининг ишлаб чиқилиши ва ишга туширилиши билан боғлиқ барча харажатларни қоплаш учун Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармаси ҳисобидан зарур маблағ ажратилишини;

2022 йилдан бошлаб Электрон майдончанинг узлуксиз ишлаши учун техник хизмат кўрсатиш, шунингдек, унинг функционал имкониятларини

янада такомиллаштириш билан боғлиқ барча харажатларни қоплаш мақсадида зарур маблағлар Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги буюртмасига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари параметрларида назарда тутган ҳолда ажратилишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирнинг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 23 сентябрь,  
596-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 23 сентябрдаги 596-сон қарорига  
ИЛОВА

**Давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом давлат органларининг хусусий секторга ўтказилиши мумкин бўлган давлат функцияларини танлаб олиш, уларнинг ягона реестрини юритиш, давлат функцияларини хусусий секторга ўтказишга бозор тайёрлигини таҳлил қилиш (кейинги ўринларда — бозор тайёрлигини таҳлил қилиш), хусусий секторга ўтказилган давлат функциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш, шунингдек, давлат функциялари хусусий секторга ўтказилиши муносабати билан тегишли давлат органларининг штат бирликларини мақбуллаштириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**аккредитация** — юридик шахсларнинг муайян фаолият соҳасида мувофиқликни баҳолашга доир ишларни бажаришга ваколатли эканлигини Миллий аккредитация органи томонидан расман тасдиқлаш;

**аутсорсер** — аутсорсинг шартномаси асосида давлат функцияларини амалга оширувчи хусусий сектор субъекти;

**аутсорсинг** — айрим давлат функцияларини лозим даражада бажарилиши устидан давлат назорати механизмларини жорий этган ҳолда аутсорсинг шартномаси асосида хусусий секторга ўтказиш;

**ваколатли орган** — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги;

**давлат ижтимоий буюртмаси** — ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат органи ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар ўртасида давлат ижтимоий буюртмасини амалга ошириш шартномасини тузиш орқали ишларни бажариш ёки тадбирлар ўтказишга қаратилган давлат топшириғи;

**давлат органи** — давлат — ҳокимият ваколати доирасида давлат вазифа ва функцияларини амалга оширувчи вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органлари, шунингдек, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари;

**давлат функциялари** — давлат органлари, уларнинг қўйи бўлинмалари, шунингдек, бўйсунувида бўлган ташкилотларга қонунчилик ҳужжатларига асосан юклатилган вазифани бажаришда муайян якуний натижа билан тавсифланадиган фаолият йўналиши;

**краудсорсинг** — давлат функцияларини амалга ошириш жараёнига кенг доирадаги шахсларни уларнинг ижодий қобилиятлари, билимлари ва тажрибасидан фойдаланиш мақсадида ихтиёрий асосларда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда жалб этиш;

**сертификатлаштириш** — сертификатлаштириш объектининг норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш бўйича фаолият;

**Хусусий секторга ўтказилиши мумкин бўлган давлат функцияларининг ягона реестри** (кейинги ўринларда — Ягона реестр) — ваколатли орган томонидан шакллантириладиган ва юритиб бориладиган хусусий секторга ўтказилиши мумкин бўлган давлат функцияларининг рўйхати, паспорти, шунингдек, функцияни амалга оширувчилар тўғрисидаги маълумотлар базаси;

**электрон майдонча** — давлат функциялари рўйхатини шакллантириш, хусусий секторга ўтказилиши таклиф этилаётган давлат функциялари, шунингдек, хусусий секторнинг тегишли таклифларини эълон қилиш ва муҳокамадан ўтказиш, давлат органлари бўйича хусусий секторга ўтказилиши мумкин бўлган давлат функцияларини таҳлил этиш механизмларини йўлга қўйишга ҳамда Давлат функцияларининг ягона реестрини шакллантириш ва юритиб боришга қаратилган дастурий маҳсулот.

3. Ўтказилиши қуйидагиларга зарар етказиш хавфини келтириб чиқарадиган давлат функцияларининг хусусий секторга берилишига йўл қўйилмайди:

конституциявий тузумни ҳимоя қилишга;

жамоат тартибини сақлашга;

фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига;

жиноят иши юзасидан судгача бўлган ишлар ҳолатига;

тезкор қидирув фаолиятига, одил судловга;

давлат сирларини ҳимоя қилиш бўйича давлат ва ахборот хавфсизлигига;

мудофаа тизимига;

миграция ҳолатига;  
миллий статистикани юритишга;  
давлат мулкани тасарруф этишга;  
халқаро мажбуриятларга қаратилган, стратегик, сиёсий, ижтимоий ва давлат манфаатларига.

4. Давлат функцияларини хусусий секторга ўтказишнинг асосий мақсади қуйидагилар ҳисобланади:

бозор шароитида рақобат муҳитини ривожлантириш;  
тадбиркорликнинг янги йўналишларини ривожлантиришга қўшимча имкониятлар яратиш;  
фуқароларнинг ишчанлик фаоллигини ошириш;  
аҳолига хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш;  
давлат бошқаруви тизими самарадорлигини ошириш;  
давлат органларининг штат бирликларини мақбуллаштириш.

## **2-боб. Давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш учун танлаб олиш**

5. Давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш учун танлаб олиш тартиби мазкур Низомга 1-иловага\* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

6. Ваколатли орган ҳар йили 15 февралга қадар давлат органларининг функцияларини қуйидаги мезонлар асосида электрон майдончада жамоатчилик муҳокамасидан, шунингдек, манфаатдор давлат органларининг асосланган таклифлари, маълумотлари асосида хатловдан ўтказилади:

функцияни амалга оширишда давлат бюджети маблағларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланилиши;

амалга оширилиш жараёнида ва ҳисоботларда шаффофликнинг йўқлиги;

хизмат кўрсатишдаги талабларнинг мураккаблиги;

функциянинг амалга оширилишида инсон ресурсларига бўлган доимий эҳтиёжнинг мавжудлиги;

давлат органининг асосий фаолият йўналишига салбий таъсир кўрсатиш ҳолатларининг мавжудлиги;

бюрократик тўсиқларнинг мавжудлиги;

коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ва амалдаги қонунчиликка зид бошқа ҳаракатлар мавжудлиги;

кўрсатилаётган хизмат юзасидан мурожаатлар сонидан шикоят ва эътирозлар улушининг юқорилиги.

Бунда ваколатли орган томонидан жамоатчилик муҳокамаси Интернет жаҳон ахборот тармоғининг бошқа манбаларида, шу жумладан, расмий веб-сайтларда ва ижтимоий тармоқларда ҳам ўтказилиши мумкин.

Ваколатли орган самарасиз давлат функцияларини хатловдан ўтказиш мақсадида манфаатдор давлат органларига самарасиз давлат функциялари

---

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тўғрисидаги таклифлар ва маълумотларни тақдим қилиш бўйича ҳар йили 1 февралга қадар сўров юборади.

Манфаатдор давлат органлари самарасиз давлат функциялари тўғрисидаги таклифлар ва маълумотларни ваколатли органнинг сўровига кўра 15 кун муддатда тақдим қилади.

7. Ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (кейинги ўринларда — Адлия вазирлиги) ҳамда манфаатдор давлат органлари билан биргаликда ҳар йили 20 мартга қадар аниқланган самарасиз давлат функция ва ваколатларини хусусий секторга ўтказишни имконият мавжудлиги нуқтаи назаридан ҳолисона таҳлил қилади.

Бунда ваколатли орган Адлия вазирлиги ва манфаатдор давлат органларига аниқланган самарасиз давлат функция ва ваколатларини ўтказиш имконияти мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги нуқтаи назаридан ҳулоса тақдим қилиш бўйича ҳар йили 25 февралга қадар сўров юборади.

Адлия вазирлиги ва манфаатдор давлат органлари ваколатли органнинг сўровига кўра давлат функцияларини мазкур Низомнинг 3-бандида кўрсатилган функциялар тоифасига кирмаслиги жиҳатидан таҳлил қилади ҳамда сўровда кўрсатилган функцияларни хусусий секторга ўтказиш имконияти мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги нуқтаи назаридан асосланган ҳулосаларни сўров тушган кундан бошлаб 15 кун муддатда тақдим этади.

8. Ваколатли орган хусусий секторга ўтказиш имконияти мавжуд давлат функцияларининг мазмун-моҳиятини аниқлаштиришга қаратилган паспортни шакллантириш учун зарур маълумотларни тақдим қилиш бўйича тегишли давлат органларига ҳар йили 25 мартга қадар сўров юборади.

Бунда тегишли давлат органлари давлат функциялари паспортини шакллантириш учун зарур маълумотларни, шунингдек, давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш бўйича таклифларни ваколатли органнинг сўровига кўра 20 кун муддатда тақдим этади.

Хусусий секторга ўтказиш имконияти мавжуд давлат функцияларининг мазмун-моҳиятини аниқлаштиришга қаратилган паспорт мазкур Низомга 2-иловага\* мувофиқ шаклда ваколатли орган томонидан ҳар йили 15 апрелга қадар ҳар бир давлат функцияси бўйича шакллантирилади.

9. Ваколатли орган давлат функцияларининг иқтисодий самарадорлиги юзасидан таҳлил ўтказиш ва ҳулоса тақдим қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитасига ҳар йили 20 апрелга қадар сўров юборади.

Бунда Молия вазирлиги ушбу давлат функцияларини хусусий секторга ўтказишнинг давлат бюджети даромад ва харажатлари ижросига таъсири, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги — тадбиркорлик муҳитига таъсири, Монополияга қарши курашиш қўмитаси — бозорда рақобат муҳити ривожланиши жиҳатидан асосланган ҳулосаларни, шунингдек, ху-

---

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



сусий секторга ўтказиш усули бўйича таклифлар билан биргаликда ваколатли органга унинг сўровига кўра 10 кун муддатда такдим этади.

Ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси хулоса ва таклифларига асосланиб ҳар йили 10 майга қадар давлат функцияларининг иқтисодий самарадорлиги юзасидан таҳлил ўтказиши.

10. Ваколатли орган ҳар йили 20 майга қадар иқтисодий самарадорлик бўйича хулосаларни умумлаштиради ва таҳлил қилади, таҳлил натижаларига кўра, шунингдек, тегишли вазирликлар ва идораларнинг давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш бўйича таклифларига асосан хусусий секторга ўтказиш таклиф этилаётган давлат функцияларининг якуний рўйхатини (кейинги ўринларда — якуний рўйхат) шакллантиради.

### **3-боб. Бозор тайёрлигини таҳлил қилиш**

11. Бозор тайёрлигини таҳлил қилиш таҳлили мазкур Низомга 3-иловага\* мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

12. Бозор тайёрлигини таҳлил қилиш ваколатли орган томонидан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси (кейинги ўринларда — Савдо-саноат палатаси) билан биргаликда хусусий секторга ўтказилиши таклиф этилаётган якуний рўйхатдаги давлат функциялари доирасида мазкур функцияларни хусусий сектор томонидан амалга ошириш истагини ўрганиш, хусусий сектор субъектларида зарур ресурслар ва инфратузилма, малакали кадрлар мавжудлигини, шунингдек, хусусий секторнинг таклифларини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

13. Якуний рўйхатдаги давлат функцияларини хусусий сектор томонидан амалга ошириш истагини ўрганиш мақсадида ваколатли орган якуний рўйхатдаги функцияларни уларнинг паспортлари билан биргаликда электрон майдончага 15 кун муддатга эълон шаклида жойлаштиради ва хусусий сектор субъектларининг таклифларини қабул қилади.

Ваколатли орган Савдо-саноат палатаси ва тегишли давлат органлари билан биргаликда муҳокамага кенг доирадаги хусусий сектор субъектлари ва жамоатчиликнинг жалб қилинишини таъминлайди.

Бунда ваколатли орган муҳокамани бошқа оммавий ахборот воситалари орқали ҳам ўтказиши мумкин.

14. Ваколатли орган, Савдо-саноат палатаси ва тегишли давлат органлари жамоатчилик муҳокамаси ўтказилаётганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўзларининг расмий веб-сайтларига, шунингдек, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига жойлаштиради.

Бунда ваколатли орган якуний рўйхатнинг электрон майдончага жойлаштирилишидан камида 3 иш куни аввал Савдо-саноат палатаси ва тегишли давлат органларига жамоатчилик муҳокамаси ўтказилаётганлиги тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш тўғрисида электрон хабарнома юборади.

---

\* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

15. Ваколатли орган жамоатчилик муҳокамаси натижаларига кўра хусусий сектор субъектларидан тушган таклифларга асосланиб давлат функцияларига ўхшаш бўлган фаолият тажрибасига эга хусусий сектор субъектларининг дастлабки рўйхатини шакллантиради.

16. Хусусий сектор субъектларида зарур ресурслар ва инфратузилма, малакали кадрлар мавжудлигини, шунингдек, давлат функциясини амалга ошириш учун қилинадиган харажатлар ва товар (иш, хизмат) қиймати бўйича таклифларни аниқлаш мақсадида ваколатли орган 20 кун муддатда давлат функцияларига ўхшаш бўлган фаолият тажрибасига эга хусусий сектор субъектларининг дастлабки рўйхатидаги хусусий сектор субъектларида мазкур Низомга 4-иловага\* мувофиқ шаклда сўровномалар ўтказди, сўровномаларни тўлдириш бўйича тушунтириш ишларини амалга оширади ҳамда олинган маълумотларни умумлаштиради.

17. Ваколатли орган сўровномалар натижаларига кўра хусусий сектор ва истеъмолчилар учун давлат функцияларини амалга ошириш қийматини белгилайди.

Бунда давлат органи томонидан давлат функциясини амалга ошириш қиймати ҳамда хусусий сектор субъектлари томонидан таклиф қилинаётган энг паст қиймат солиштирилганда:

хусусий сектор субъектлари томонидан таклиф қилинаётган товар (иш, хизмат) қийматининг энг паст нархи мазкур функцияни амалга ошириш учун давлат органи қилаётган харажат миқдорига тенг ёки харажат миқдоридан кам бўлса, ушбу функцияни хусусий секторга ўтказиш тавсия этилади;

хусусий сектор субъектлари томонидан таклиф қилинаётган товар (иш, хизмат) қийматининг энг паст нархи мазкур функцияни амалга ошириш учун давлат органи қилаётган харажат миқдоридан ортиқ бўлса, ушбу функцияни хусусий секторга ўтказиш тавсия этилмайди.

18. Яқуний рўйхатдаги ҳар бир давлат функцияси учун ваколатли орган томонидан бозор тайёрлиги тўғрисида хулоса шакллантирилади.

Хулосада давлат функциясининг номи, давлат функциясини амалга оширувчи давлат органининг номи, функцияни амалга ошириш имкониятига эга бўлган хусусий сектор субъектларининг сони ва номлари, хусусий сектор субъектлари томонидан таклиф қилинган товар (иш, хизмат) қийматининг энг юқори ва энг кам миқдорлари, манфаатдор давлат органлари томонидан ҳисобланган функцияни амалга ошириш қиймати, функцияни хусусий секторга ўтказиш ҳудуди кўрсатилади.

19. Ваколатли орган ҳар йили 1 августга қадар хусусий секторга ўтказиш тавсия этилган давлат функциялари рўйхатини тузади ва тегишли хулосалар билан биргаликда давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритади.

20. Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъқулланган давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ваколатли орган томонидан ҳар йили 1 октябрга қадар ишлаб чиқилади ҳамда белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

---

\* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

#### **4-боб. Хусусий секторга ўтказилган давлат функциялари мониторингини юритиш**

21. Функцияси хусусий секторга ўтказилган давлат органи ваколатли орган билан биргаликда давлат функциясини хусусий секторга ўтказиш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган кундан бошлаб 10 кун муддатда тегишли функциянинг хусусий сектор субъектлари томонидан амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини баҳолаш бўйича аниқ кўрсаткичларни (КПИ) ишлаб чиқади.

Мазкур кўрсаткичлар асосида функцияси хусусий секторга ўтказилган давлат органлари мунтазам мониторинг олиб боради ҳамда ҳар чоракда тегишли маълумотларни ваколатли органга тақдим этади.

22. Функцияси хусусий секторга ўтказилган давлат органи функцияни хусусий сектор субъектлари томонидан амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини аниқлашда мижозлар билан қайта алоқа механизми, ишонч телефонлари, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг оғзаки ёки ёзма мурожаатлари билан ишлаш тизимлари йўлга қўйилишини таъминлайди.

Бунда ушбу давлат органи ҳар чоракда, кейинчалик давлат функцияси хусусий секторга ўтказилганлигига бир йил тўлгандан сўнг, ҳар олти ойда қайта алоқа механизми ва ишонч телефонларига, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг оғзаки ёки ёзма мурожаатлари тўғрисидаги таҳлилий маълумотларни ваколатли органга тақдим этади.

23. Ваколатли орган таҳлилий маълумотларни ўрганади ҳамда давлат функцияси амалга оширилишининг самарадорлиги ва сифатини ҳар чоракда, функция хусусий секторга ўтказилганлигига бир йил тўлгандан сўнг эса ҳар олти ойда баҳолаб боради.

Бунда хусусий сектор субъектлари томонидан давлат функцияси самарасиз ёки сифатсиз амалга ошириладиганлиги аниқланганда, ваколатли орган камчиликларни бартараф этиш ва ўтказилган давлат функциясини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш бўйича функцияси хусусий секторга ўтказилган давлат органларига кўрсатмалар беради ёки заруратга кўра давлат функциясини ҳамда мақбуллаштирилган штат бирликларини тегишли давлат органига қайтариш бўйича асосланган таклифларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритади.

#### **5-боб. Давлат функциялари хусусий секторга ўтказилиши муносабати билан тегишли давлат органларининг штат бирликларини мақбуллаштириш**

24. Давлат функциялари хусусий секторга ўтказилиши муносабати билан тегишли давлат органларининг штат бирликларини мақбуллаштириш фақат мониторинг натижаларига кўра ваколатли органнинг ижобий ҳулосаси мавжуд бўлган ҳолларда амалга оширилади.

25. Давлат функциялари хусусий секторга ўтказилиши муносабати билан тегишли давлат органларининг штат бирликларини мақбуллаштириш

функцияси хусусий секторга ўтказилган давлат органининг тегишли ҳисоб-китобларига асосланади.

26. Функцияси хусусий секторга ўтказилган давлат органлари функция ўтказилганидан бошлаб икки ой муддатда штат бирликларини мақбуллаштириш билан боғлиқ ҳисоб-китобларни Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига тақдим қилади.

27. Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги 20 кунлик муддатда ҳисоб-китобларни давлат органларининг бўлинмалари функционал юкламаси бўйича кўриб чиқади ва зарур ҳолларда аниқликлар киритади.

28. Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги функция хусусий секторга ўтказилган кундан бошлаб 2 ой муддатдан кечиктирмай тегишли давлат органининг штат бирликларини мақбуллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва Вазирлар Маҳкамасига киритади.

#### **6-боб. Давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш усуллари ва механизмлари**

29. Давлат функциялари хусусий секторга босқичма-босқич, муқобил тарзда (давлат ҳам, тадбиркор ҳам бажаради), қисман ёки тўлиқ ўтказилади.

30. Давлат функциялари аутсорсинг, краудсорсинг, давлат ижтимоий буюртмаси, аккредитация, сертификатлаштириш ҳамда бошқа механизмларни қўллаган ҳолда хусусий секторга ўтказилади.

31. Тегишли давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш усул ва механизмлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар бир давлат функциясининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ушбу функцияларни хусусий секторга ўтказиш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатда белгиланади.

32. Давлат функцияларини давлат ижтимоий буюртмаси асосида хусусий секторга ўтказиш қонунчиликда белгиланган талаблар асосида амалга оширилади.

33. Давлат функциялари хусусий секторга аутсорсинг асосида ўтказилганда, аутсорсер Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари талаблари асосида танлаб олинади.

34. Давлат функциялари аккредитация орқали хусусий секторга ўтказилганда, давлат функцияларини амалга оширувчи хусусий сектор субъектлари Ўзбекистон Республикасининг «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Қонуни талаблари асосида танлаб олинади.

35. Давлат функциялари сертификатлаштириш орқали хусусий секторга ўтказилганда, давлат функцияларини амалга оширувчи хусусий сектор субъект-

лари Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертифицикатлаштириш тўғрисида»ги Қонуни талаблари асосида танлаб олинади.

### **7-боб. Ягона реестрни шакллантириш ва юритиш**

36. Ягона реестрга манфаатдор давлат органларининг давлат функцияларини ўтказиш имконияти мавжудлиги тўғрисидаги хулосалари асосида ушбу функциялар номлари ва уларнинг паспортлари киритилади.

37. Ягона реестрга киритилган функциялар хусусий секторга ўтказиш мумкинлигининг расмий тасдиғи ҳисобланади.

38. Ягона реестр ваколатли органнинг Хусусий секторни таҳлил қилиш ва ривожлантириш бошқармаси томонидан мазкур Низомга 5-иловага\* мувофиқ шаклда электрон майдончада юритилади.

39. Ягона реестрда қуйидагилар кўрсатилиши зарур:

функциянинг тартиб рақами;

функциянинг номи;

давлат органининг номи;

функция ягона реестрга киритилган сана;

функция ягона реестрдан чиқарилган сана;

функция ягона реестрга киритилишига асос бўлган хулосани тақдим этган давлат органининг номи;

функция хусусий секторга ўтказилганлиги тўғрисида қайд;

функция хусусий секторга ўтказилган бўлса, уни амалга оширувчи хусусий сектор субъектларининг номлари, манзили ва уларнинг алоқа рақамлари.

40. Ягона реестр заруратга қараб ваколатли орган томонидан янгиланиб борилади.

41. Функциялари хусусий секторга ўтказилган давлат органлари функцияни амалга оширувчи хусусий сектор субъектлари тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, хусусий субъектлар ўзгарганда ёки янги хусусий сектор субъектлари қўшилганда тегишли маълумотларни 3 иш кунидан кечиктирмай ваколатли органга тақдим қилади.

42. Ягона реестрга давлат функциялари ва уларнинг паспортларини киритиш ва ягона реестрдан функция ва паспортларни чиқариш ваколатли органнинг қарори билан расмийлаштирилади.

43. Ягона реестрга киритилган маълумотлар танишиш учун очиқ ҳисобланади.

### **8-боб. Яқунловчи қоида**

44. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

---

\* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**561** Архив иши ва иш юритиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 24 июлдаги ПФ–6269-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда архив иши ва иш юритиш соҳасида давлат хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

## 1. Қуйидагилар:

яроқсиз ҳолатга келган ёки йўқотилган меҳнат дафтарчасидаги ёзувларни тасдиқлаш бўйича давлат хизмати кўрсатиш, ариза бериш ва уни кўриб чиқиш, маълумотномани ариза берувчига тақдим этиш тартибини назарда тутувчи Яроқсиз ҳолатга келган ёки йўқотилган меҳнат дафтарчасидаги ёзувларни тасдиқлаш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламенти 1-иловага мувофиқ;

мавзули сўровларни ижро этиш бўйича давлат хизмати кўрсатиш, ариза бериш ва уни кўриб чиқиш, маълумотномани ариза берувчига тақдим этиш тартибини назарда тутувчи Мавзули сўровларни ижро этиш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламенти 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (кейинги ўринларда — ЯИДХП) электрон хизматларни жорий қилиш бўйича техник ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига тақдим этсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги «Ўзархив» агентлиги ҳамда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

ушбу қарор билан тасдиқланаётган маъмурий регламентлар бўйича давлат хизматларининг ЯИДХП орқали жорий этилишини таъминласин;

ЯИДХПда давлат хизматлари кўрсатишнинг ҳар бир босқичида мурожаатлар кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартибини жорий этсин;

давлат хизматларини кўрсатиш учун йиғимларнинг Давлат хизматлари кўрсатилганлиги учун тўланган давлат божлари ва йиғимлар суммаси ҳисобини юритувчи ягона биллинг тизими орқали электрон тарзда тўланишини таъминласин.

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 24 сентябрда эълон қилинган.

4. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги тизимидаги давлат архивлари томонидан давлат хизматларини кўрсатиш учун электрон маълумот алмашишни таъминловчи ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва ишга тушириш, давлат архивларининг ахборот тизимини жорий этишда талаб этиладиган моддий-техник базани мустаҳкамлаш учун харажатлар «Ўзархив» агентлиги ҳузуридаги Архив ишини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги «Ўзархив» агентлиги тизимидаги давлат архивлари томонидан давлат хизматларининг белгиланган тартибда кўрсатилиши устидан, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назорат ўрнатсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида архив ишини такомиллаштириш тўғрисида» 2012 йил 5 апрелдаги 101-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2012 й., 15-сон, 168-модда) 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси — ИТ-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи О.М. Умаров ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги директори У.М. Юсупов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 23 сентябрь,  
597-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 23 сентябрдаги 597-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Яроқсиз ҳолатга келган ёки йўқотилган меҳнат  
дафтарчасидаги ёзувларни тасдиқлаш бўйича  
давлат хизмати кўрсатишнинг  
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Регламент жисмоний шахсларга ёки уларнинг яқин қариндошларига (эри ёки хотини, фарзандлари, неваралари, ака-ука ва опа-сингиллари) (кейинги ўринларда — ариза берувчи) яроқсиз ҳолатга келган ёки

йўқотилган меҳнат дафтарчасидаги давлат архивларида сақланаётган ташкилотлар бўйича ёзувларни тасдиқлаш юзасидан давлат хизмати (кейинги ўринларда — давлат хизмати) кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Давлат хизмати давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали давлат архивлари томонидан кўрсатилади.

3. Давлат хизматлари марказлари ва давлат архивлари ўртасидаги ахборот алмашинуви электрон рақамли имзони (кейинги ўринларда — ЭРИ) мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат идоралараро электрон боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

4. Давлат хизмати ушбу Регламентга 1-иловага\* мувофиқ схема бўйича кўрсатилади.

## **2-боб. Давлат хизматини кўрсатиш тартиби**

5. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланиш учун давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат этади ёки давлат хизматларидан электрон шаклда фойдаланиш учун ЯИДХПдан рўйхатдан ўтади.

6. Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, давлат хизматлари маркази ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса — мустақил равишда ушбу Регламентга 2-иловага\* мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон тарзда тўлдиради. Ариза берувчи ишончнома асосида ҳаракат қилаётганда, сўровномага нотариал тасдиқланган ишончнома нусхаси илова қилинади.

7. Давлат хизматлари марказлари томонидан сўровнома тўлдирилгандан сўнг ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, сўровномани ўз ЭРИси билан тасдиқлайди.

Давлат хизматлари марказлари ариза берувчи ўз ЭРИсини шу жойнинг ўзида олиши учун барча зарур шароитларни таъминлашга мажбур.

8. Сўровномани ЭРИ билан тасдиқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда тегишли имзоларни идентификация қилишнинг бошқа воситалари (дактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан ҳам тасдиқлаш хизматидан фойдаланиши мумкин.

9. Ариза берувчилар ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда, сўровномани ЭРИ билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

10. Давлат хизмати кўрсатилганлиги учун яроқсиз ҳолатга келган ёки йўқотилган меҳнат дафтарчасидаги 1 та ташкилотдаги ишга кирган ва ишдан бўшаганлиги бўйича ёзувларни тасдиқлаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,08 баробари миқдорида йиғим ундирилади.

Бунда давлат хизматидан фойдаланиш учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда, ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган йиғим суммасининг 90 фоизи ундирилади.

11. Йиғим суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) давлат хизматлари марказлари орқали мурожаат этилганда:

---

\* 1-2-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



20 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

0,5 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига;

қолган маблағлар — Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги тизимидаги давлат хизматини кўрсатган давлат архивининг ҳисобварағига ўтказилади.

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

11,25 фоизи — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

0,5 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига;

қолган маблағлар — давлат хизматини кўрсатган давлат архивининг ҳисобварағига ўтказилади.

12. Ариза берувчи томонидан давлат хизматини кўрсатиш учун йиғимни тўламаслик давлат хизматини кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Давлат хизматини кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

13. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси кўриб чиқилмасдан қолдирилади. Бунда давлат хизмати кўрсатилгани учун тўлов суммаси қайтарилмайди.

14. Ариза берувчи давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этган тақдирда, унинг сўровномаси давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўлдирилиб, ариза берувчи томонидан тасдиқлангандан сўнг 10 дақиқа мобайнида, ЯИДХП орқали мурожаат этганда, автоматик тарзда тегишли давлат архивига электрон шаклда юборилади.

15. Сўровномада сўралаётган ташкилотлар ҳужжатлари тегишли давлат архивида мавжуд бўлмаганда, сўровномани қабул қилган давлат архиви бир иш куни мобайнида тегишли маълумот сақланаётган давлат архивини аниқлайди (ташкилотлар ҳужжатлари бошқа архивда мавжуд бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно) ва сўровномани тегишлилиги бўйича давлат архивларига юборади.

Тегишли давлат архиви сўровнома тушган вақтдан бошлаб йўқотилган меҳнат дафтарчасидаги ёзувларни тасдиқлашга оид маълумотномалар учун 20 иш кунидан ошмаган муддатда тегишли QR-кодли (матрик штрихли код) маълумотномани шакллантиради ҳамда (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) тегишли давлат хизматлари марказига ёки (электрон шаклда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП орқали электрон шаклда ариза берувчига юборади. Бунда тўланган йиғим, агар мавжуд бўлса, банк хизмати тўловини айирган ҳолда, сўровномани қабул қилган архивдан сўровномани бажарган архивга ўтказилади.

Сўровнома архив ҳужжатлари асосида кўриб чиқилиб, тегишли маълумот аниқланмаган тақдирда, тўланган йиғим миқдори ариза берувчига қайтарилмайди.

16. Давлат хизматлари маркази маълумотнома тушгандан сўнг 10 дақиқа мобайнида уни ариза берувчининг электрон манзилига юборади ва уни бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади.

Ариза берувчи давлат хизматлари марказига келиб мурожаат қилган тақдирда, унинг сўровига кўра давлат хизматлари маркази унга маълумотномани электрон ёки қоғоз шаклда тақдим этиши мумкин.

### **3-боб. Яқунловчи қоидалар**

17. Давлат хизматлари марказлари ва давлат архивлари ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

18. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва давлат хизматлари марказлари ушбу Регламент талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини доимий назорат қилади ҳамда мониторинг олиб боради.

19. Ариза берувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

20. Ушбу Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 23 сентябрдаги 597-сон қарорига  
2-ИЛОВА

## **Мавзули сўровларни ижро этиш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Регламент жисмоний шахсларга (кейинги ўринларда — ариза берувчи) мулкий ҳуқуқлар, турар жойлар, алоҳида фактлар, воқеалар тўғрисидаги маълумотномани бериш бўйича давлат хизмати (кейинги ўринларда — давлат хизмати) кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Давлат хизмати давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали давлат архивлари томонидан кўрсатилади.

3. Давлат хизматлари марказлари ва давлат архивлари ўртасидаги ах-

борот алмашинуви электрон рақамли имзони (кейинги ўринларда — ЭРИ) мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат идоралараро электрон боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

4. Давлат хизмати ушбу Регламентга 1-иловага\* мувофиқ схема бўйича кўрсатилади.

## **2-боб. Давлат хизматини кўрсатиш тартиби**

5. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланиши учун давлат хизматлари марказига ўзи ёки унинг ишончли вакили келиб мурожаат этади ёки давлат хизматларидан электрон шаклда фойдаланиш учун ЯИДХПдан рўйхатдан ўтади.

6. Ариза берувчи ўзи ёки ишончли вакили келиб мурожаат этган тақдирда, давлат хизматлари маркази ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса — мустақил равишда ушбу Регламентга 2-иловага\* мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон тарзда тўлдиради.

7. Сўровномага:

ариза берувчи ишончнома асосида ҳаракат қилаётганда — ишончнома нусхаси;

ариза берувчи ворислик ҳақидаги гувоҳномага асосан меросхўр бўлганда — ворислик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, ариза берувчи қонуний вакил бўлса — уни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

сўралаётган ҳужжатнинг нусхаси (агар мавжуд бўлса);

мазкур Регламентнинг 11-банди иккинчи хатбошисида белгиланган чегирмалардан (имтиёзлардан) фойдаланиш учун тегишли ҳужжатлар илова қилинади.

Ариза берувчи тақдим этган ҳужжатлар нусхалари давлат хизматлари маркази ходимлари томонидан уларнинг асл нусхаларидан олиниши ёки ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда, ҳужжатлар нусхаси ариза берувчи томонидан мустақил илова қилиниши лозим.

8. Давлат хизматлари марказлари томонидан сўровнома тўлдирилгандан сўнг ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, сўровномани ўз ЭРИси билан тасдиқлайди.

Давлат хизматлари марказлари ариза берувчи ўз ЭРИсини шу жойнинг ўзида олиши учун барча зарур шароитларни таъминлашга мажбур.

9. Сўровномани ЭРИ билан тасдиқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда тегишли имзоларни идентификация қилишнинг бошқа воситалари (дактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан ҳам тасдиқлаш мумкин.

10. Ариза берувчи ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда, сўровномани ягона идентификация тизими (One ID) орқали тасдиқлаш талаб этилади.

11. Давлат хизмати кўрсатилганлиги учун мазкур Регламентга 3-иловага\* мувофиқ йиғим ундирилади.

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган ва (ёки) I ва II гуруҳ

---

\* 1 — 3-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ногиронлиги бўлган шахсларга асословчи хужжатлар илова қилинган тақдирда, давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП орқали давлат хизмати кўрсатишда мазкур давлат хизмати учун белгиланган йиғимлар бўйича 50 фоиз миқдорда чегирма қўлланилади. Бунда мазкур шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти учун ёки юридик шахслар номидан мурожаат қилинганда чегирмалар қўлланилмайди.

Ариза берувчи давлат хизмати кўрсатилиши учун ЯИДХП орқали мурожаат этганда, йиғим суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Ариза берувчи томонидан давлат хизматини тезкор бажариш истаги билдирилса ва сўралаётган хужжатнинг аниқ маълумотлари кўрсатилган тақдирда (хужжат номи, хужжатнинг мазмуни, қайси орган томонидан қабул қилинган, санаси ва рақами), архивнинг имкониятидан келиб чиққан ҳолда икки иш кунда бажарилиб, мазкур Регламентга 3-иловада белгиланган нархларга 50% қўшимча ҳақ ундирилади.

Агар давлат хизматини тезкор бажариш бўйича ариза берувчи томонидан кўрсатилган барча шартлар бажарилгандан сўнг масъул давлат архиви томонидан икки иш кунда давлат хизмати кўрсатилмаса, мазкур Регламентга 3-иловада белгиланган нархга тўланган 50 % қўшимча ҳақ 2 иш куни давомида масъул давлат архивининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қайтарилади.

12. Йиғимлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) давлат хизматлари марказлари орқали мурожаат этилганда:

20 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

қолган маблағлар — «Ўзархив» агентлиги тизимидаги давлат хизматини кўрсатган давлат архивининг ҳисобварағига ўтказилади.

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

11,25 фоизи — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

қолган йиғимлар суммаси — давлат хизматини кўрсатган давлат архивининг ҳисобварағига ўтказилади.

13. Давлат хизмати кўрсатилгани учун йиғим тўланганлиги ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

14. Давлат хизматлари кўрсатиш учун йиғим тўланмаганлиги давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Давлат хизмати кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

15. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси кўриб чиқилмасдан қолдирилади.

Бунда давлат хизмати кўрсатилгани учун йиғим суммаси қайтарилмайди.

16. Ариза берувчи давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этган тақдирда, унинг сўровномаси давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўлдирилиб, ариза берувчи томонидан тасдиқлангандан сўнг 10 дақиқа мобайнида, ЯИДХП орқали мурожаат этганда — автоматик тарзда тегишли давлат архивига электрон шаклда юборилади.

17. Сўровномада сўралаётган маълумотлар тегишли давлат архивида мавжуд бўлмаганда, сўровномани қабул қилган архив 2 иш куни мобайнида маълумот сақланаётган давлат архивини аниқлайди ва сўровномани тегишлилиги бўйича давлат архивларига юборади.

Тегишли давлат архиви сўровнома тушган вақтдан бошлаб мавзули сўровнома бўйича 20 иш кундан ошмаган муддатда тегишли QR-кодли (матрик штрихли код) маълумотномани шакллантиради ҳамда (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) тегишли давлат хизматлари марказига ёки (электрон шаклда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП орқали электрон шаклда юборади. Бунда тўланган йиғим, агар мавжуд бўлса, банк хизмати тўловини айирган ҳолда, сўровномани қабул қилган архивдан сўровномани бажарган архивга ўтказилади.

Сўровнома архив ҳужжатлари асосида кўриб чиқилиб, тегишли маълумот аниқланмаган тақдирда, тўланган йиғим миқдори ариза берувчига қайтарилмайди.

18. Давлат хизматлари маркази маълумотнома тушгандан сўнг 10 дақиқа мобайнида уни ариза берувчининг электрон манзилига юборади ва уни бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади.

Ариза берувчи давлат хизматлари марказига келиб мурожаат қилган тақдирда, унинг сўровига кўра давлат хизматлари маркази унга маълумотномани электрон ёки қоғоз шаклда тақдим этиши мумкин.

ЯИДХП орқали юборилган ариза бўйича маълумотнома, фойдаланувчининг шахсий кабинетига автоматик равишда тушади ва у бу ҳақида ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилинади.

### **3-боб. Яқунловчи қоидалар**

19. Давлат хизматлари марказлари ва давлат архивлари ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

20. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва давлат хизматлари марказлари ушбу Регламент талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини доимий назорат қилади ҳамда мониторинг олиб боради.

21. Ариза берувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

22. Ушбу Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 23 сентябрдаги 597-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида  
архив ишини такомиллаштириш тўғрисида» 2012 йил  
5 апрелдаги 101-сон қарорига киритилаётган  
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 1-илованинг 131-банди еттинчи хатбошисидаги «30 кундан» сўзлари «20 иш кунидан» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 4-илованинг 6-бандида:

учинчи хатбошига «меҳнат шартномалари» сўзларидан кейин «, шунингдек, фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар» сўзлари қўшилсин;

тўртинчи хатбошидаги «меҳнат шартномалари» сўзлари «фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. 6-илованинг 20-банди қуйидаги таҳрирда таён қилинсин:

«20. Қуйидаги ҳолатлар вақтинча олиб чиқишга рухсатнома беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун асос бўлиши мумкин:

вақтинча олиб чиқилиши билдирилган архив ҳужжатларининг мулкдори аниқланмаслиги;

архив ҳужжатларига мулкдорлик ҳуқуқи тўғрисида низолар юзага келиши;

тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончсизлиги аниқланиши;

архив ҳужжатларининг қайтиб келмаслиги хавфи мавжудлиги;

рухсатнома берилганлиги учун ариза берувчи томонидан махсус йиғим тўланмаслиги.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилигини (ёки ишончсизлигини) аниқлаш «Ўзархив» агентлиги томонидан амалга оширилади.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг ёки маълумотларнинг ишончлилигини тасдиқловчи қўшимча материаллар талаб қилиш, агар қонун ҳужжатларида бундай талаб белгиланмаган бўлса, тақиқланади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**562 Ёнғин-қутқарув спортини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фавқулодда вазиятлар тузилмаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 10 апрелдаги ПҚ-4276-сон қарорига мувофиқ мамлакатимизда ёнғин-қутқарув спортини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар ҳамда инфратузилмани яратиш, ушбу спорт тури бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасининг халқаро мусобақаларда муносиб иштирокини таъминлаш, қутқарувчиларнинг жисмоний ва касбий маҳоратини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар ёнғин-қутқарув спортини ривожлантириш бўйича устувор вазифалар этиб белгилансин:

қутқарувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги ва касбий маҳоратини изчил ошириб бориш;

ёшлар орасида ёнғин-қутқарув спортини оммалаштириш, истеъдодли спортчиларни саралаб олиш ва миллий терма жамоа захирасини шакллантириш;

замонавий спорт иншоотларини барпо этиш ҳамда спорт техникалари ва анжомлари билан тизимли таъминлаш орқали ёнғин-қутқарув спорти мажмуаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

ёнғин-қутқарув спортини ривожлантириш бўйича илғор жаҳон тажрибасини муттасил ўрганиб бориш ва амалиётга кенг жорий этиш.

2. Қуйидагилар:

2022 — 2024 йилларда ёнғин-қутқарув спорти мажмуаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш дастури 1-иловага\*\* мувофиқ;

2022 — 2024 йилларда ёнғин-қутқарув спорти мажмуаларини янгидан қуриш ва реконструкция қилиш дастури 2-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

3. 2022 — 2024 йилларда ёнғин-қутқарув спорти мажмуаларини янгидан қуриш ва реконструкция қилиш дастуридаги (кейинги ўринларда — Қурилиш дастури) объектларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Капитал қурилиш ва таъмирлаш бошқармаси — буюртмачи этиб;

бош лойиҳа ташкилотлари ва бош пудрат ташкилотлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

4. Белгилансинки, 2022 — 2024 йилларда ёнғин-қутқарув спорти мажмуаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш дастури:

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига, асосланган ҳисоб-китобларига кўра, ҳар йили ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 25 сентябрда эълон қилинган.

\*\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари;

халқаро молия институтлари, хорижий молия ташкилотларининг вакиллари ҳамда донор мамлакатларнинг кредит ва грантлари;

конун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Молия вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан биргаликда Қурилиш дастурида назарда тутилган марказлаштирилган маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган инвестиция лойиҳалари кўрсаткичларини ҳар йили аниқлаштириб ва янгилаб борган ҳолда, 2021 — 2025 йиллар учун Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурини шакллантиришда инobatга олсин.

6. Фарғона вилояти ҳокимлиги ёнғин-қутқарув спорти мажмуасини қуриш учун икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида белгиланган тартибда ер участкасини ажратсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги буюртмачи ва лойиҳа ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказсин ва қурилиш-монтаж ишлари бўйича давлат архитектура-қурилиш назорати ўрнатилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги:

доимий равишда ёнғин-қутқарув спорти бўйича миллий терма жамоанинг жаҳон ва халқаро мусобақаларда муносиб иштирокини таъминлаш мақсадида хорижий давлатларнинг мазкур спорт тури бўйича иқтидорли тренерларини таклиф қилиш, улар иштирокида миллий терма жамоа тренерлари ва терма жамоага номзод спортчилар билан амалий маҳорат сабоқлари ҳамда намунали ўқув-йиғинларини ўтказишни ташкил этсин;

қутқарувчи касбини ёшлар орасида оммалаштириш, шунингдек, миллий терма жамоага муносиб номзодларни тайёрлаш мақсадида ёнғин-қутқарув спорти бўйича халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, голиб ва совриндор бўлган спортчиларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдлари белгиланган тартибда расмийлаштирилган ва ҳарбий-тиббий комиссия томонидан ҳарбий хизматга яроқли деб топилган тақдирда, имтиёз (якуний суҳбатсиз) асосида ишга қабул қилиш чораларини кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг таклифига мувофиқ ёнғин-қутқарув спорти бўйича ҳар йили бўлиб ўтадиган республика ва халқаро спорт мусобақаларининг Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тadbирларининг республика календарь режасига киритилишини таъминласин;

ёнғин-қутқарув спорти бўйича миллий терма жамоаларни шакллантириш, шунингдек, ушбу спорт тури бўйича ҳудудий ва республика босқичларини ўтказиш учун спорт майдонларини ажратишда Фавқулодда вазиятлар вазирлигига яқиндан амалий ёрдам берсин.



Белгилаб қўйилсинки, ёнғин-қутқарув спорти бўйича республика ва халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш билан боғлиқ ташкилий масалалар бўйича харажатлар Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

10. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг аҳоли ўртасида соғлом-турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ҳамда жисмоний тарбия билан шуғулланишни ташкил этишда вазирлик, идора ва бошқа ташкилотларга кўмаклашиш мақсадида ёнғин-қутқарув спорти мажмуаларини вазирликнинг тасдиқланган ҳисоб-китоблари бўйича юридик шахсларга шартнома асосида, шунингдек, фуқароларга нақд пул ва нақдсиз пул шаклида фойдаланиш учун бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Қурилиш вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 24 январдаги ПФ–5924-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси ижросини таъминлаш мақсадида, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясида спортнинг минифутбол, баскетбол, волейбол, бадминтон ва бошқа турларига мўлжалланган кўптармоқли намунали типдаги спорт мажмуасини 2021-2022 йилларда куриш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда мазкур намунали типдаги спорт мажмуасини 2021-2022 йилларда куриш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 январдаги ПҚ–4565-сон қарорига мувофиқ Фавқулодда вазиятлар вазирлигига қўшимча маблағ ажратилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига ёнғин ўчирувчилар ва қутқарувчилар спорти бўйича ўтказиладиган барча мусобақалар ва ушбу йўналишдаги тарғибот роликларини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — туризм ва спорт вазири А.А. Абдуҳақимов ва Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазири вазифасини бажарувчи Т.А. Худайбергенов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 24 сентябрь,  
600-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI VAZIRLAR MAҲKAMACI CINIИИГ  
ҚАРОРИ**563 Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимидаги илмий ташкилотларнинг тузилмаларини тасдиқлаш тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида» 2021 йил 3 февралдаги ПФ–6159-сон Фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2021 йил 3 февралдаги ПҚ–4975-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

## 1. Қўйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида» 2021 йил 3 февралдаги ПФ–6159-сон Фармонига 4-иловада кўрсатилган илмий-тадқиқот институтлари ҳамда улар тизимига кирувчи илмий-тажриба станциялари ва участкаларининг (кейинги ўринларда — илмий-тадқиқот ташкилотлари) бино ва иншоотларини сақлаш, шунингдек, уларнинг ходимлари (илмий ходимлардан ташқари) меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши белгиланганлиги;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2021 йил 3 февралдаги ПҚ–4975-сон қарорига мувофиқ илмий-тадқиқот ташкилотларини бюджет маблағлари ҳисобидан сақлаш харажатларини 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида идоравий мансублигига кўра тегишли вазирликлар ва идораларга ажратиладиган маблағлар доирасида, 2022 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимидаги қўйидаги илмий-тадқиқот ташкилотларининг тузилмалари, жумладан:

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг тузилмаси 1-иловага\*\* мувофиқ;

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 25 сентябрда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг тузилмаси 2-иловага\* мувофиқ;

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг тузилмаси 3-иловага\* мувофиқ;

Академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг тузилмаси 4-иловага\* мувофиқ;

Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институтининг тузилмаси 5-иловага\* мувофиқ;

Шоличилик илмий-тадқиқот институтининг тузилмаси 6-иловага\* мувофиқ;

Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг тузилмаси 7-иловага\* мувофиқ;

Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институтининг тузилмаси 8-иловага\* мувофиқ;

Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг тузилмаси 9-иловага\* мувофиқ;

Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг тузилмаси 10-иловага\* мувофиқ;

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар меъёрлаш-тадқиқот марказларининг намунавий тузилмалари 11 ва 11а-иловаларга\* мувофиқ;

Дон ва шоли илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг (Қорақалпоғистон Республикаси) тузилмаси 12-иловага\* мувофиқ;

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтининг тузилмаси 13-иловага\* мувофиқ;

Республика илмий қишлоқ хўжалиги кутубхонасининг тузилмаси 14-иловага\* мувофиқ;

Илмий-тадқиқот институтлари илмий-тажриба станцияларининг намунавий тузилмаси 15-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 16-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Фаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 24 сентябрь,  
601-сон

---

\* 2 — 15-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 24 сентябрдаги 601-сон қарорига  
16-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим  
қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 18 январдаги 45-сон қарориди:

а) 3-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи-тўртинчи хатбошилар тегишли равишда иккинчи-учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

учинчи хатбошидаги «Фанлар академияси президентига» сўзлари «қишлоқ хўжалиги вазирига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 9 июлдаги 569-сон қарориди:

а) 3-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи-тўртинчи хатбошилар тегишли равишда иккинчи-учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**564 Ижара ҳуқуқи асосида яшаётган талабалар томонидан тўланадиган ижара тўловларини қоплаб бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 20 апрелдаги ПФ–6208-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 20 апрелдаги ПФ–6208-сон Фармони билан:

2021 йил 1 майдан бошлаб ётоқхона билан қамраб олинмаган ва ўзига, шу жумладан ота-онаси (қонуний вакиллари)га тегишли бўлмаган уйда ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган давлат олий таълим муассасалари талабаларининг 60 фоизига улар томонидан тўланадиган ойлик ижара тўловининг 50 фоизи Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб берилиши, бунда:

ижара тўловининг қоплаб бериладиган қисми Тошкент шаҳрида — базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари, қолган ҳудудларда — базавий ҳисоблаш миқдорининг ярим бараваридан ошмаслиги;

ижара тўловининг қоплаб бериладиган қисми биринчи навбатда эҳтиёжманд оила фарзандларига, ўрناق кўрсатган ва фаол талабалар учун қоплаб берилиши;

олий таълим муассасалари томонидан уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган бошқа талабаларга ҳам ойлик ижара тўловининг бир қисми қоплаб берилиши мумкинлиги белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагиларни назарда тутувчи Давлат олий таълим муассасаларининг ижара ҳуқуқи асосида яшаётган талабаларига ойлик ижара тўловининг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

давлат олий таълим муассасаларининг фақат кундузги таълим шаклида, давлат гранти ёки тўлов-контракт асосида таҳсил оладиган ва ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган барча талабаларга ойлик ижара тўловининг бир қисмини белгиланган мезонлар асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб бериш;

ариза берувчи талаба томонидан ойлик ижара тўловининг бир қисми-

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 24 сентябрда эълон қилинган.

ни қоплаб бериш учун ўзи таълим олаётган факультетга ёки олий таълим муассасасининг талабаларни турар жой билан таъминлаш ишларини мувофиқлаштирувчи бўлимига ёзма ариза билан мурожаат этиш тартиби;

давлат олий таълим муассасаларининг ижара ҳуқуқи асосида яшаётган талабаларига ойлик ижара тўловининг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб бериш бўйича талабгорларни танлаб олиш комиссияси томонидан талабани ижтимоий мезонлар бўйича ўрганиш ва талабага ойлик ижара тўловининг бир қисмини қоплаб беришни кўриб чиқиш;

ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган талабага ойлик ижара тўловларининг бир қисмини қоплаб беришни молиялаштириш ва тўлаб бериш тартиби.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ давлат олий таълим муассасалари томонидан ижара ҳуқуқи асосида яшаётган, бироқ ижара тўловлари ушбу қарорда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қопланадиган талабалар тоифасига кирмайдиган бошқа талабаларнинг ойлик ижара тўлови бир қисмини ушбу олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш тартиби олий таълим муассасаси кенгаши томонидан мустақил белгиланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2021 йилда мазкур қарорда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларнинг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қўшимча маблағ ажратсин, 2022 йилдан бошлаб эса — тегишли маблағларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси молия вазири Т.А. Ишметов ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошқулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 24 сентябрь,  
605-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 24 сентябрдаги 605-сон қарорига  
ИЛОВА

**Давлат олий таълим муассасаларининг ижара ҳуқуқи асосида яшаётган талабаларига ойлик ижара тўловининг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб бериш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом ётоқхона билан қамраб олинмаган ва ўзига ёки ота-онаси (қонуний вакиллари)га тегишли бўлмаган уйда ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган давлат олий таълим муассасалари талабаларининг ойлик ижара тўлови бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қоплаб бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ариза берувчи** — ётоқхона билан қамраб олинмаган ва ўзига ёки ота-онаси (қонуний вакиллари)га тегишли бўлмаган уйда ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, шунингдек, республикада доимий яшаётган фуқаролиги бўлмаган давлат олий таълим муассасасининг талабаси;

**ижтимоий мезонлар** — ижара тўловининг бир қисмини биринчи навбатда олишга муҳтож талабаларни аниқлаш ва уларнинг ижтимоий устуворлигини белгилашда қўлланиладиган асосий кўрсаткичлар;

**давлат олий таълим муассасаларининг ижара ҳуқуқи асосида яшаётган талабаларига ойлик ижара тўловининг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб бериш бўйича талабгорларни танлаб олиш комиссияси** (кейинги ўринларда — комиссия) — ариза берувчиларнинг ижтимоий мезонларга мос келишини аниқлашга масъул бўлган мазкур Низомнинг 1-иловасига\* мувофиқ таркибда олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) томонидан тасдиқланадиган доимий ва жамоатчилик асосида ишлайдиган тузилма;

**талабгор** — ижара тўловининг бир қисмини қоплаб бериш тўғрисида комиссия томонидан ижобий хулоса олган талаба.

3. Ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган талабаларнинг ойлик ижара тўлови бир қисмини қоплаб бериш қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳисобга қўйилган қўчмас мулк ижара шартномасига мувофиқ ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган ариза берувчиларга нисбатан татбиқ этилади.

Рўйхатга олинган доимий яшаш жойи доирасида (туман, шаҳар миқёсида) ариза берувчиларга ойлик ижара тўловининг бир қисмини қоплаб бериш амалга оширилмайди.

---

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

4. Битта турар жойда икки ва ундан ортиқ талаба ижара ҳуқуқи асосида яшаган ҳолатларда уларнинг барчаси ижара шартномасида қайд этилган бўлишлари шарт.

Бунда:

турар жой ижараси учун тўлов суммаси ижара шартномасида қайд этилган талабалар ўртасида тенг бўлинган тарзда ҳисобланади;

ойлик ижара тўловининг бир қисмини қоплаб бериш ҳар бир талабага тўғри келадиган ижара суммасидан келиб чиқиб амалга оширилади.

5. Ариза берувчи томонидан тақдим этилган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар асосида унинг ижтимоий мезонларга мос келишини аниқлаш комиссия томонидан амалга оширилади.

6. Давлат олий таълим муассасаларининг фақат кундузги таълим шаклида, давлат гранти ёки тўлов-контракт асосида таҳсил олишидан қатъи назар, ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган барча талабаларига ойлик ижара тўловининг бир қисми белгиланган мезонлар асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб берилади.

## **2-боб. Ижара тўловининг бир қисмини қоплаб бериш учун ариза билан мурожаат этиш**

7. Ариза берувчи мустақил равишда қуйидаги ҳолатлардан камида бирини тасдиқловчи маълумот ёки ҳужжатларни илова қилган ҳолда ушбу Низомнинг 2-иловасига\* мувофиқ шаклдаги анкета-аризани икки нусхада тўлдириб, ўзи таълим олаётган факультетнинг ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари ёки олий таълим муассасасининг талабаларни турар жой билан таъминлаш ишларини мувофиқлаштирувчи бўлимига (кейинги ўринларда — масъуллар) топширади:

кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бўлганлиги (кам таъминланган оила деб топиш туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари ёки «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» автоматлаштирилган тизими томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади);

боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар (ота-онасидан бири ёки ота-онаси вафот этган ҳамда оилада ўн олти ёшга тўлмаган бешта ва ундан ортиқ болалари бўлган оилалар) фарзандлари бўлганлар;

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар;

тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганлар;

васийлик ёки ҳомийлик белгиланган ва оилага тарбияга (патронат) олинган болалар;

«Темир дафтар»га киритилган оила фарзанди бўлганлар;

онаси «Аёллар дафтари»га киритилган оила фарзанди бўлганлар;

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг фарзанди бўлганлар;

---

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



оила аъзолари «Меҳнат-миграция» дастурида рўйхатдан ўтганлиги ҳамда хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётганлиги;

ота-онаси ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлганлиги (бандлиги таъминланмаган, ишлаш истагида бўлган, даромад манбаига эга бўлмаган, шу жумладан, меҳнат қилиш қобилиятини қисман йўқотган);

олий таълим муассасасида икки ва ундан ортиқ фарзанди шартнома асосида ўқиётган оилалар фарзанди бўлганлар;

давлат олий таълим муассасасида ўртак кўрсатганлиги ва фаол бўлганлиги (халқаро, республика, ҳудуд ва таълим муассасаси миқёсида ўтказилган фан олимпиадалари ва спорт мусобақалари, кўрик танловлар ғолиблари, фанлардан ўзлаштириш кўрсаткичлари юқори бўлган, маънавий-маърифий ва спорт тадбирларида фаол қатнашганлиги, жамоатчилик асосида тарғибот гуруҳларидаги волонтерлик фаолияти).

Ариза берувчидан ушбу бандда кўрсатилмаган маълумот ва ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

8. Ойлик ижара тўловининг бир қисмини қоплаб бериш:

ўқув йили давомида, яъни ҳар йили 1 сентябрдан 1 июлгача этиб ёки ўқитиш дастури бўйича ўқув йилининг давомийлигига қараб белгиланади;

ариза берувчи томонидан ҳар ойнинг 7-санасига қадар аризалар масъулларга тақдим этилганидан сўнг амалга оширилади.

Ушбу муддатлар тугагандан кейин тақдим этилган аризалар кўриб чиқилмайди.

9. Ариза берувчи тақдим этилган ҳужжатлар ва уларда кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлиги учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

### **3-боб. Ариза берувчини ижтимоий мезонлар бўйича ўрганиш тартиби**

10. Масъуллар бир ҳафта давомида ариза берувчининг маълумотлари қуйидаги ижтимоий мезонларга мувофиқлигини ҳар томонлама ўрганади:

ариза берувчининг давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳисобга қўйилган кўчмас мулк ижара шартномаси мавжудлиги, уни тегишли равишда расмийлаштирилганлиги, ижара шартномасида кўрсатилган манзилда яшаши ҳамда ижарада яшаётган манзил ота-онаси (қонуний вакиллари)га тегишли эмаслиги;

ариза берувчининг боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари тоифасига мансублиги;

ариза берувчининг I ва II гуруҳ ногиронлиги мавжуд, тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, васийлик ёки ҳомийлик белгиланган ва оилага тарбияга (патронат) олинган болалар тоифасига мансублиги;

ариза берувчининг «Темир дафтар»га киритилган ёки онаси «Аёллар дафтари»га киритилган оилалар, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг фарзандлигига мансублиги;

ариза берувчининг оила аъзолари «Меҳнат-миграция» дастурида рўйхатдан ўтганлиги ҳамда хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётганлиги (оширганлиги);

ариза берувчининг ота-онаси ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлганлиги, олий таълим муассасасида икки ва ундан ортиқ фарзанди шартнома асосида ўқиётган оилалар фарзанди бўлганлар тоифасига мансублиги;

ариза берувчининг олий таълим муассасасида ўртак кўрсатганлиги ва фаол бўлганлиги.

11. Масъуллар ҳафта давомида ўрганилган маълумотларни умумлаштириб, кўриб чиқиш ва хулоса бериш учун навбатдаги ҳафтанинг биринчи кунда комиссияга тақдим этади.

#### **4-боб. Ойлик ижара тўловининг бир қисмини қоплаб беришни комиссия томонидан кўриб чиқиш тартиби**

12. Масъуллар тақдим этган талабгорлар тўғрисидаги маълумотлар бир кун муддатда комиссия томонидан ўрганиб чиқилади ва тегишли қарор қабул қилинади.

13. Комиссия ишининг ташкилий шакли йиғилиш ҳисобланади. Комиссия мажлислари комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашган тақдирда ўтказилади. Бунда, талабгор таълим олаётган факультет деканининг масалага масъул ўринбосари, тьютор, хотин-қизлар кенгаши раиси, ёшлар етакчиси бир вақтнинг ўзида комиссия йиғилишида иштирок этиши шарт.

14. Комиссия йиғилишларида иштирок этаётган аъзоларнинг учдан икки қисми ёқлаб овоз берган комиссия қарорлари қабул қилинган ҳисобланади ва ушбу йиғилишларда қабул қилинган қарорлар йиғилиш котиби томонидан баённома билан расмийлаштирилади.

15. Комиссиянинг барча йиғилишлари баённома билан расмийлаштирилади ва қарор шаклида қабул қилинади.

16. Комиссия унинг ваколатларига тегишли масалаларни комиссия раиси бошчилигида ўтказиладиган йиғилишларда кўриб чиқади.

17. Комиссия раиси:

комиссиянинг умумий фаолиятига раҳбарлик қилади, унинг иш режаси бажарилиши юзасидан доимий назоратни амалга оширади;

комиссиянинг йиғилишларини чақиради ва уларда раислик қилади;

комиссия ваколатига тегишли бўлган масалаларни унинг йиғилишида кўриб чиқиш учун киритади;

комиссия қарорларини тасдиқлайди.

18. Комиссия котиби:

комиссия раисининг топшириқларига асосан комиссия аъзоларини комиссия йиғилишининг ўтказиладиган жойи, вақти ва санаси тўғрисида ҳабардор қилади;

комиссия иш режаларини тайёрлайди;

комиссия баённомаларини юритади ва тасдиқланган баённомаларни комиссия аъзоларига юборади;

комиссия далолатномалари ва хулосаларини манзилларга етказди; комиссия иш юритувини амалга оширади.

19. Комиссия ҳужжатлари давлат олий таълим муассасасининг архи-вида белгиланган муддатгача сақланади.

20. Зарурат бўлганда, тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларга аниқлик киритиш мақсадида ариза берувчи суҳбат учун Комиссия йиғилишига чақирилиши мумкин.

21. Комиссия аризаларни навбат асосида уларнинг қайд этилиши кет-ма-кетлигига мувофиқ кўриб чиқади.

Комиссия йиғилишлари, уларнинг ошкоралиги ва холислигини таъмин-лаш мақсадида узлуксиз видеотасвирга (овозли) туширилади ҳамда олий таълим муассасаси архивида белгиланган муддатгача сақланади.

22. Комиссия тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар асосида ҳамда ижтимоий мезонларга кўра ариза берувчига ойлик ижара тўловининг бир қисмини қоплаб бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Талабгорларни танлаш комиссия томонидан қонунийлик, шаффофлик, адолат ва ҳаққонийлик тамойиллари асосида амалга оширилади.

Ойлик ижара тўловининг бир қисмини қоплаб бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида комиссия махсус реестрни юритади.

23. Кўриб чиқиш якунлари бўйича комиссия йиғилишининг баённома-си асосида бир кун муддатда давлат олий таълим муассасаси ректори (фи-лиал директори)нинг тегишли буйруғи расмийлаштирилиб, аризалари қаноатлантирилган Талабгорлар тўғрисидаги тегишли маълумотлар ва улар-нинг рўйхати тўловларни амалга ошириш учун бухгалтерияга тақдим эти-лади.

Комиссиянинг ижара тўловининг бир қисмини тўлаб бериш ёки ижа-ра тўловининг бир қисмини тўлаб беришни рад этиш тўғрисидаги қарори асослантирилган равишда олий таълим муассасасининг тегишли эълонлар тахталари, расмий сайтларида акс эттирилиши комиссия котиби томонидан таъминланади.

24. Мазкур Низомнинг 7-бандига мувофиқ белгиланган мезонлар асо-сида баҳоланган ариза берувчи ундаги бирорта мезонга тўғри келган тақ-дирда, у талабгор сифатида тан олиниб, ойлик ижара тўловининг бир қис-мини қоплаб беришга ҳақли деб топилади. Талабгорлар мезонларнинг кет-ма-кетлигига қараб биринчи навбатдаги талабгор сифатида тан олинади ва устунликка эга бўлади.

25. Қуйидаги ҳолатларда ариза берувчига ойлик ижара тўловининг бир қисмини қоплаб бериш рад этилиши мумкин:

ушбу Низомнинг 7-бандида кўрсатилган ҳолатлардан камида бирини тасдиқловчи маълумот ёки ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда;

тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотлар белгиланган мезонларга мос келмаганда;

ариза берувчининг ижара шартномасида кўрсатилган манзилда яша-маслиги, ижарада яшаётган манзил ота-онаси (қонуний вакиллари)га те-

гишли эканлиги, ижара шартномаси тегишли тартибда расмийлаштирилмаганлиги;

тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки сохта маълумотлар мавжуд бўлганда;

ариза ва тегишли ҳужжатлар қабул қилишнинг охириги санаси тугагандан кейин тақдим этилганда.

26. Ойлик ижара тўловининг бир қисмини қоплаб беришни рад этиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган камчиликларни тўғрилаш имконияти бўлган тақдирда ариза берувчи ушбу Низомда белгиланган умумий тартибда такроран мурожаат қилишга ҳақли.

### **5-боб. Ойлик ижара тўловининг бир қисмини қоплаб беришни молиялаштириш ва тўлаб бериш тартиби**

27. Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда давлат олий таълим муассасаси ижара ҳуқуқи асосида яшаётган талабаларнинг жами сонини, шунингдек, унинг 60 фоизини алоҳида кўрсатган ҳолда асослангандирилган ҳисоб-китобларни юқори турувчи вазирлик ва идораларга тақдим этишлари лозим.

28. Вазирлик ва идоралар ўз навбатида давлат олий таълим муассасалари томонидан тақдим этилган ҳисоб-китобларни жамлаб, белгиланган тартибда Давлат бюджетидан тегишли маблағларни ажратиш учун Молия вазирлигига тақдим этадилар.

29. Давлат бюджетидан мазкур мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар олий таълим муассасаси харажатлар сметасининг «47.21.500 — Уй-жой-коммунал хизматлар бўйича ҳар ойлик компенсация тўловлари» моддасида режалаштирилади.

30. Аризаси ижобий ҳал этилган талабалар учун ижара тўловининг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан улар ариза берган санадан бошлаб қоплаб берилади.

31. Давлат олий таълим муассасаси ректори (филиал директори)нинг тегишли буйруғига мувофиқ муассаса бухгалтерияси томонидан ижара ҳақининг бир қисмини қоплаш учун бериладиган маблағлар талабгорнинг пластик картасига пул ўтказиш йўли билан ҳар ойнинг 15-санасига қадар тўлаб берилади.

32. Ижара ҳуқуқи асосида яшаётган талабалар ижара тўловининг бир қисмини қоплаб бериш учун давлат олий таълим муассасаларига бюджетдан ажратилган маблағларнинг тегишли молия йили якунига қадар ўзлаштирилмай қолган қисми белгиланган тартибда Давлат бюджетига қайтарилади.

### **6-боб. Яқунловчи қоидалар**

33. Талаба ўқув йили давомида академик таътилга чиққан, курсда қолдирилган ёки талабалар сафидан четлаштирилган ҳолларда, унга ижара

ҳақининг бир қисмини қоплаш учун бериладиган маблағларни тўлаш тўхта-тилади.

34. Талабгор ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларни, шунингдек тақдим этилган ижара шартномаси бекор қилинганда ёки яшаш манзили ўзгарганда уч иш куни ичида масъулларга ҳамда олий таълим муассасаси бухгалтериясига хабар бериши шарт.

35. Мазкур тўловларнинг тўғри ҳисобланиши ва тўланишини доимий назорат қилиш давлат олий таълим муассасаси ректори (филиал директори), ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори (директор ўринбосари), бош бухгалтери ва бош аудитори зиммасига юкланади.

36. Ойлик ижара тўлови бир қисмини қоплаб бериш бўйича ажратилган маблағлар ортиқча тўланганда, давлат олий таълим муассасасининг масъуллари ҳамда бухгалтерияси томонидан мазкур маблағларни қайтариш чоралари кўрилади.

37. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ойлик ижара тўловининг бир қисмини қоплаб бериш бўйича маблағларни талабгорларга тўланиши юзасидан назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти ҳамда вазирлик ва идораларнинг Ички аудит ва молиявий назорат хизматлари томонидан амалга оширилади.

38. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

39. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**565 Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида иккинчи ва ундан кейинги олий таълимни олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 30 апрелдаги ПФ-6218-сон Фармониға мувофиқ фуқароларнинг ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда иккинчи ва ундан кейинги олий таълим олиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида иккинчи ва ундан кейинги олий таълимни олиш тартиби тўғрисидаги низом иловаға мувофиқ тасдиқлансин ва 2022 йил 1 майдан бошлаб кучға киритилсин:

олий таълим муассасалари бакалавриат таълим йўналишлари хусусиятидан келиб чиқиб, иккинчи ва ундан кейинги олий таълимни олий таълим муассасаларида мавжуд бакалавриат таълим йўналишлари ва таълим шаклларида ташкил этиш;

иккинчи ва ундан кейинги олий таълим бўйича қабул параметрларини белгилаш, ўқишға кириш учун белгиланган муддатларда махсус электрон тизим орқали рўйхатдан ўтиш;

иккинчи ва ундан кейинги олий таълимда ўқув жараёнини ташкил этиш, шу жумладан, ўқиш давомийлигини тегишли бакалавриат таълим йўналишлари учун белгиланган муддатдан бир йилға кам этиб белгилаш;

иккинчи ва ундан кейинги олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаси ва фан дастурларини таянч олий таълим муассасалари томонидан турдош олий таълим муассасалари билан келишилган ҳолда кадрлар буюртмачиларининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб алоҳида ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорға мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 24 сентябрда эълон қилинган.

ўринбосари Б.А. Мусаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошқулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 24 сентябрь,  
606-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 24 сентябрдаги 606-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида  
иккинчи ва ундан кейинги олий таълимни олиш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом олий таълим муассасаларида бакалаврият таълим йўналишлари бўйича иккинчи ва ундан кейинги олий таълимни ташкил этиш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасига мувофиқ фуқаролар шартнома асосида иккинчи ва ундан кейинги олий маълумотни олиш ҳуқуқига эгадирлар.

3. Олий маълумотга эга бўлган бакалавр (дипломли мутахассис) даражасига эга шахслар бакалаврият таълим йўналишлари бўйича иккинчи ва ундан кейинги олий таълимни олишлари мумкин.

4. Олий таълим муассасалари томонидан иккинчи ва ундан кейинги олий таълим мавжуд қувватлари, моддий-техника базаси, профессор-ўқитувчилари таркиби ҳамда бакалаврият таълим йўналишлари хусусиятидан келиб чиқиб, муайян олий таълим муассасасида бир йил олдинги қабул параметрларида мавжуд бакалаврият таълим йўналишлари ва таълим шаклларида ташкил этилади.

**2-боб. Иккинчи ва ундан кейинги олий таълимга қабул  
қилишни ташкил этиш**

5. Иккинчи ва ундан кейинги олий таълим бўйича қабул параметрлари олий таълим муассасасининг илмий-педагогик салоҳияти ва моддий-техник

базаси ҳисобга олинган ҳолда олий таълим муассасаси кенгаши томонидан белгиланади.

6. Олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган қабул комиссиялари (кейинги ўринларда — қабул комиссияси)га иккинчи ва ундан кейинги олий таълим қабулини амалга ошириш вазифаси юклатилади.

7. Иккинчи ва ундан кейинги олий таълимга ўқишга кириш учун абитуриентлар ҳар йили 10 июлдан 10 августга қадар (шу куни ҳам) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган махсус электрон тизим орқали рўйхатдан ўтади.

8. Абитуриентлар рўйхатдан ўтишда махсус электрон тизимга ўзининг шахсий маълумотларини киритади ва қўйидаги ҳужжатларни юклайди:

олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг нусхаси (ёки дипломдан кўчирма — Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларини давлат гранти асосида ўқиб тугатганлар учун);

олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг илова нусхаси.

Бунда, хорижий давлатлар таълим муассасаларининг 1992 йил 1 январдан кейин берилган дипломлари белгиланган тартибда нострификациядан ўтказилган бўлиши лозим.

9. Иккинчи ва ундан кейинги олий таълимга қабул қилиш тартиби (кириш имтиҳони шакли, баҳолаш мезонлари, имтиҳон ўтказиш муддатлари) олий таълим муассасасининг хусусиятидан келиб чиқиб, олий таълим муассасаси кенгаши томонидан белгиланади ва ҳар йили 1 июлга қадар олий таълим муассасасининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

10. Иккинчи ва ундан кейинги олий таълимга қабул қилиш натижалари ҳар йили 30 августга қадар олий таълим муассасалари томонидан эълон қилинади.

11. Иккинчи ва ундан кейинги таълимда ўқиш учун талабалikka тавсия этилган шахслар билан олий таълим муассасаси ўртасида шартнома расмийлаштирилади.

Шартномалар юридик шахслар учун 3 нусхада, жисмоний шахслар учун 2 нусхада расмийлаштирилади.

Шартнома шартлари, уларни амалга ошириш тартиби ҳамда томонларнинг мажбуриятлари қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

12. Олий таълим муассасалари бакалавриат таълим йўналишлари хусусиятидан келиб чиқиб, иккинчи ва ундан кейинги олий таълим учун тўлов-контракт миқдори бир талабани ўқитиш билан боғлиқ харажатлар миқдоридан келиб чиқиб, олий таълим муассасаси кенгаши томонидан белгиланади.

13. Талабаларни ўқишга қабул қилиш шартномада белгиланган тўлов амалга оширилгандан сўнг, олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

### **3-боб. Иккинчи ва ундан кейинги олий таълимда ўқув жараёнини ташкил этиш**

14. Иккинчи ва ундан кейинги олий таълимда ўқиш ўқув режаларидаги фанлар фарқидан қатъи назар, 2-курсдан бошланади.



Бунда иккинчи ва ундан кейинги олий таълимда ўқиш давомийлиги тегишли бакалаврият таълим йўналишлари учун белгиланган муддатдан бир йилга кам этиб белгиланади.

15. Иккинчи ва ундан кейинги олий таълимнинг бакалаврият таълим йўналишлари ўқув режаси ва фан дастурлари таянч олий таълим муассасалари томонидан турдош олий таълим муассасалари билан келишилган ҳолда кадрлар буюртмачиларининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, кундузги таълим шакли учун тасдиқланган ўқув режа ва фан дастурларига мувофиқ ҳолда алоҳида ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

16. Иккинчи ва ундан кейинги олий таълимда таҳсил олаётган талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга асосан амалга оширилади.

17. Иккинчи ва ундан кейинги олий таълимда таҳсил олган шахсларга, давлат аттестацияси яқунлари бўйича, давлат намунасидаги ҳужжат (диплом ва унинг иловаси) берилади.

#### **4-боб. Яқунловчи қоидалар**

18. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

19. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**566** Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил  
23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 905-7*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

**Раис**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 31 август,  
20/8-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2021 йил  
31 августдаги 20/8-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 2000 йил 22 февралда 429-сон билан тасдиқланган Тижорат банклари кре-

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 23 сентябрда эълон қилинган.

дит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 905, 2000 йил 2 март) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 5-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2005 йил 12 майдаги 10/3-сон «Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 905-1, 2005 йил 28 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 22-сон, 160-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2006 йил 26 августдаги 21/2-сон «Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 905-2, 2006 йил 6 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 36-сон, 363-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2010 йил 23 октябрдаги 34/16-сон «Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 905-3, 2010 йил 8 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 44-45-сон, 408-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 14 апрелдаги 14/21-сон «Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 905-4, 2018 йил 2 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.05.2018 й., 10/18/905-4/1151-сон).

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 16 мартдаги 5/24-сон «Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 905-5, 2019 йил 14 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.05.2019 й., 10/19/905-5/3126-сон).

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 10 августдаги 18/6-сон «Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 905-6, 2019 йил 29 август) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.08.2019 й., 10/19/905-6/3667-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**567** Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3030-7*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Марказий банк бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/18-сон қарори (рўйхат рақами 3030, 2018 йил 2 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 27-сон, 553-модда) билан тасдиқланган Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

**Раис**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 24 август,  
20/7-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2021 йил  
24 августдаги 20/7-сон қарорига  
ИЛОВА

**Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Қуйидаги мазмундаги 18<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«18<sup>1</sup>. Банклар ўзларининг расмий веб-сайтларида жисмоний шахслар-

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 23 сентябрда эълон қилинган.

га мўлжалланган кредитларнинг (микроқарзларнинг) тўлиқ қийматини мустақил ҳисоблаб чиқиш имкониятини яратиб беришлари лозим.».

2. 27-банднинг тўртинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фоиз ставкасининг йиллик номинал қиймати, шунингдек истеъмолчи — жисмоний шахслар мурожаат қилган санадаги кредитнинг тўлиқ қиймати. Бунда жисмоний шахсларга ажратиладиган кредитларнинг (микроқарзларнинг) тўлиқ қийматини ҳисоблаш мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ тартибда амалга оширилади;».

3. 30<sup>1</sup>-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«30<sup>1</sup>. Истеъмолчи-жисмоний шахс кредит олиш ёки омонат ҳисобварағи очиш учун банкка мурожаат қилганида (банк биносига истеъмолчи ташриф буюрганда) банк мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ кредитнинг ҳамда 3-иловасига мувофиқ муддатли омонатнинг асосий шартлари тўғрисидаги ахборот варақасини (бундан буён матнда Ахборот варақаси деб юритилади) истеъмолчи — жисмоний шахс билан биргаликда тўлдиради ва истеъмолчи — жисмоний шахсга тақдим этади.

Банк ўзининг расмий веб-сайтида истеъмолчиларга тақдим этилаётган омонат ва кредит махсулотлари бўйича Ахборот варақасининг интерактив шаклини мустақил равишда тўлдириш ва ундан нусха олиш имкониятини яратиб бериши лозим.

Ахборот варақаси истеъмолчи — жисмоний шахсга бепул тарзда тақдим этилади ва кредит олиш ёки омонат ҳисобварағи очиш учун буюртма-нома ҳисобланмайди.

Ушбу банднинг талаблари микроқарз муносабатларига ҳам қўлланади.».

4. 36<sup>6</sup>-бандда:

учинчи хатбошидан «шарт.» деган сўз чиқариб ташлансин;

қўйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«истеъмолчи — жисмоний шахслар билан тузилган кредит шартномасида кредитнинг тўлиқ қиймати миқдорини кўрсатиши шарт. Бунда кредитнинг тўлиқ қиймати миқдори шартноманинг биринчи варағининг ўнг юқори бурчагида, квадрат шаклдаги рамка ичига, оқ фонда қора ранг билан, «Times New Roman» 14 ўлчамли шрифтдан кам бўлмаган ёки шунга ўхшаш шрифтни қўллаган ҳолда, рақам ва сўзлар билан ёзилади.».

5. Илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1-иловасига\* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

6. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 2 ва 3-иловаларига\* мувофиқ таҳрирдаги 2 ва 3-иловалар билан тўлдирилсин.

---

\* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги**  
**маълумотни маълум қилади**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 31 августдаги 20/8-сон «Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори

***2021 йил 23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 905-7.***

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 24 августдаги 20/7-сон «Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

***2021 йил 23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3030-7.***

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 2000 йил 22 февралда 429-сон билан тасдиқланган Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 905, 2000 йил 2 март), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 905-1, 2005 йил 28 май), (рўйхат рақами 905-2, 2006 йил 6 сентябрь), (рўйхат рақами 905-3, 2010 йил 8 ноябрь), (рўйхат рақами 905-4, 2018 йил 2 май), (рўйхат рақами 905-5, 2019 йил 14 май), (рўйхат рақами 905-6, 2019 йил 29 август).

***2021 йил 23 декабрдан давлат реестридан чиқарилади.***

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**